



**Jamoatchilik kengashi raisi:**  
Abdulla ORIPOV

**Jamoatchilik kengashi:**  
Najmiddin Jiyanov  
Abulqosim MAMARASULOV  
Minhojiddin MIRZO  
Feruza MUHAMMADJONOVA  
Ahmad OTABOYEV  
Shuhrat SIROJIDDINOV  
Ahmad USMONOV

**Bosh muharrir:**  
Sobir O'NAR

**Bosh muharrir o'rinbosari:**  
Luqmon BO'RIXON

**Mas'ul kotib:**  
Akbarali MAMASOLIYEV

**Tahrir hay'ati:**  
Bobur ALIMOV  
Iqbol MIRZO  
Abduqayum YO'LDOSHEV  
Abdusaid KO'CHIMOV  
Sirojiddin SAYYID  
Alisher NAZAR  
O'rozboy ABDURAHMONOV

**Sahifalovchi:** Saodat RUSTAMOVA

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

**Manzirimiz:**  
Toshkent. sh.  
O'zbekiston shohko'chasi, 16-"a" uy.

**E-mail:** yoshlik-xatlar@rambler.ru

**Tel/faks:** (8371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552



## © "Yoshlik" № 9 (260) 2012-y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
"Kamolot" yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi  
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali  
1982-yildan chiqa boshlagan.

## MUNDARIJA

<b>MINBAR</b>	
Dilsora ABDUSATTOROVA. Vatan tuyg'usi. ....	2
<b>ADIB XONADONIDA</b>	
Halima AHMEDOVA. Xudbinlikka qurbim yetmaydi. ....	4
<b>NASR</b>	
Halima AHMEDOVA. Ruh olmoshlari. Hikoya. ....	5
Akbar MIRZO. So'nggi chora. Qissa. ....	13
Asror ALLAYOR. Hikoyalar. ....	49
<b>NAZM</b>	
Vafo FAYZULLOH. Ko'nglimda binafshalar taratadi bo'y. ....	10
Ali NIYOZ. Tiniq tomchilarning nafis shiviri. ....	38
Oygul SUYUNDIQOVA. Oqadi beorom borliqda sukut. ....	44
<b>ADABIY TANQID</b>	
Gulnoz SATTOROVA. Cho'pchakdan muddao ne? ....	33
<b>MUSTAHKAM OILA YILI</b>	
Muhiddin TINIBEKOV. Singilginam (Bir dili kuyuk do'stimning hasrati). ...	35
<b>IZHOR</b>	
Bahodir KARIM. Ishtiyiq yoxud «Dunyoni balanddan ko'rgim keldi». ...	42
<b>BIRINCHI UCHRASHUV</b>	
Munisa JUMANAZAROVA. Baxtimni opichlab kuylagan beshik. ....	32
Laylo ERNAZAROVA. She'rlar. ....	41
Mahliyo UMRZAQOVA. She'rlar. ....	41
Bobur ELMUROD. She'rlar. ....	53
<b>MUSHOHADA</b>	
Nozimjon SIDDIQOV. Fikrlash azobi. ....	40
Murodilla NORMURODOV. Hayot kuzatuvlari. ....	63
<b>MULOHAZA</b>	
Sarvinoz RASULOVA. Muqaddas dargoh. ....	46
<b>TADQIQOT</b>	
Dono BEKCHANOVA. Yuksak tuyg'ular talqini. ....	51
<b>SABOQ</b>	
Otabek SAFAROV. Adibning tafakkur olami. ....	53
<b>JAHON HIKOYACHILIGI</b>	
Jek LONDON. Oqsoqollar ittifoqi. Hikoya. ....	55
<b>QADRIYAT</b>	
Nigora AZIZOVA. Motam marosimlari. ....	61

Bosishga 11. 10. 2012 yilda ruxsat berildi. Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 8,7. Indeks 822.  
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan.  
Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik"dan olindi" deb izohlanishi shart.  
"O'qituvchi" NMIU bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № 175-12. Adadi 2000 dona.  
Toshkent shahri, Yunusobod tumani, Yangishahar ko'chasi, 1-uy.



Дилсора АБДУСАТТОРОВА,  
Пискент тумани 1- мактаб ўқувчиси

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Тинчликнинг яна бир тотли тонги отди. Қуёш шуъллари юзимда ўйнаб, ширингина уйқумни учириб юборди. Юртимда бошланган ҳар бир кун мен учун янада тотли, янада қадрли бўлиб бормоқда. Бунинг сабаби эса, мен анчадан буён қидириб юрган бир саволнинг жавобини топганимдан бўлса керак...

Ҳовлимиздаги айвон устунларига ҳар йили қалдирғочлар ин кўйиб, бола очади. Бутун мавсум уларнинг вижир-вижир айтган қўшиғини тинглаб ҳар тонгим отади ва куним ботади. Куз келгач, улар билан хайрлашиб, биз айвондан уй ичига кўчамиз, улар эса жанубга учиб кетишади. Қизиқ, жанубда, улар учиб борадиган ўлкаларда йил – ўн икки ой иссиқ ҳаво ҳукм сурса ҳам улар юртимизда кезган баҳор нафасини сезиб, яна ортга – қадрдон айвонидаги қадрдон инига қайтади. Жанубда эмас, шу айвонда бола очади. Уларни улғайтириб, учирма қилади. Қушларни ҳар йили шу ерга қайтиб келишига ундовчи куч нима? Нега айнан улар шу ерда бола очади? Ҳар ҳолда гап тўкинлик ва тўқлик сабаб эмасдир. Ахир тирик жон борки, яратган Эгам унинг ризқини қаерда бўлмасин бериб туради.

Амаким болалиқдан бутун маҳалла аҳли фахрланиб юрадиган бола бўлган экан. Улғайгач, олий ўқув юртини тамомлаб ўзимизга қайтади, деб кексалар роса илҳақ бўлишган экан. Бироқ амаким институтни тамомлагач, парвозга шайдо қуш каби кенг уфқлар томон интилиш ҳиссини жиловлай олмай, бошқа мамлакатга омадларини синаш учун кетибди. Орадан яна йиллар ўтиб, улар ўзлари истаган мавқе, ўзлари истаган обрў-эътиборга сазовор бўлиб, олис юртининг кўчаларида мағрур кезиб юрганларида ногаҳон қоқилиб тушибди. Жароҳатлари тез битган бўлса-да, қалбда пайдо бўлган ярага малҳамни фақат ва фақат она юртида топажакларини сезиб ортга бутунлай қайтибди. "Мана шу ўнқир-чўнқир, тош кўчаларда неча бор югуриб-елиб юриб бирор марта йиқилмадим, йиқилган бўлсам-да ҳеч ҳам малол келмаган экан. Фақат ўз ерингда ҳар бир дақиқада ҳаловат ва лаззат топишимни ўзга юртга борганда ҳис қила бошладим. У ерда каттиқ йиқилмадим, бироқ жуда малол келди, жудаям..." – дейди амаким.

Энди мени қийнаган саволга келсак, бу сиз учун оддий-дек туюлиши мумкин. Ватан нима? Ватан қандай? У қаерда? Мен кўп китоблардан жавоб изладим. Шунинг билдимки, бу саволга ўз қалбимдан жавоб топмас эканман, Ватанни ҳис қилиш бахтини менга ҳеч бир китоб ўргата олмайди.

Яқинда бир ҳикоя ёздим. У ўзимга жуда ёқди, бироқ эҳтиётсизлик қилиб компьютер хотирасидан ўчириб

юборибман. Мен ёзганларимни ҳеч қачон қоғозда сақламадим. Кўпроқ компьютер хотирасига ишонардим. Кейин бу одатимдан жуда афсусландим. Ёзганларимни қайта хотирамда тиклашга уриндим, бироқ ҳар сафар киритган ўзгартишларим чиройли либосга "ямоқ" бўлиб тушар, бундан диққатим ошиб, миямдаги фикрлар худди тутун ва дуд ичида қолгандек бўларди. Шунда укам иш столигга икки дона атиргул узиб келтириб қўйди. Айтишча, унинг ҳиди менинг "илҳом париларимни" чақирар экан. Деразамни очиб юбордим. Ёзнинг дим ҳавоси билан тўлган хонага салқин ҳаво ва майин шамол кирди. Хонани гуллар иси тутиб кетди. Ким билади, бу дайди еллар қайси тоғ гулларининг ифोरини ўғирлаб келган экан?!

Деразадан аста ташқарига, ҳовлимизга қарадим. Ариқчадан жилоланиб-жилоланиб оқаётган сувда тўлин ой акси кўринади. Ҳовли четидаги теракларнинг барги шамол билан рақсга тушар, кун бўйи чирқиллаб сайраб юрган маҳмадона чумчуқлар дарахт шохларидаги уясида ором олишмоқда эди. Майсазордаги чигирткалар ва ариқлардаги қурбақалар жўр овоз бўлиб, "оқшом симфонияси"ни куйлашмоқда. Оқшом ўз ўрнини ажиб тунга бўшатди. Буларни томоша қилиб иш столигдаги укам келтирган атиргулларни ҳидладим, шунақаям хушбўйи, унинг тасирида хаёлимга ажойиб фикрлар қуйилиб кела бошлади. Ниҳоят ёза бошладим....

Ватанни англашимга сабаб ана шу воқеа эди. Менинг хотирамдаги фикрлар, юрагимдаги ҳисларнинг уйғонишига сабабчи бўлган туртки нималигини ўшанда билмаган эканман. Йўқ, билмадим, буни ўша гулларнинг ифори деб ўйладим, бироқ бу гуллар ифори аслида она тупроқнинг менга етказган илҳомбахш муждаси эканини тушуниб етдим. Қучоғимга сиғмас юртимни кўз қорачиғимга жо этиб, энди қаерда бўлмай унинг тафтини, меҳрини ҳис қиламан. Уни гуллар ифорида, қушлар сайроғида, шамол қанотларида, ёмғирнинг бир томчиси, дарахтнинг ҳар бир баргида, сувнинг ҳар қатрасию кумнинг ҳар заррасида, она халқимнинг меҳр тўла нигоҳию қадоқ қўлларида сезаман. Бу ерда олган нафасим вужудимга ором беради. Ичган ҳар қатра сувим томирларимга ҳаёт бахш этади. Юрагимнинг ҳар уришида унга бўлган муҳаббатим учқунлари сачрайди. Ватан сизу бизга ҳаёт берган онамизнинг бағридек тафтли, Ватан дунё қадар кенг-у, лекин кўз қорачиғига жо бўлган борлиқ, Ватан – жон томиримиз сув ичадиган ҳаёт булоғи, у қалбимизда, юрагимизда.



Ҳалима АҲМЕДОВА

## ХУДБИНЛИККА ҚУРБИМ ЕТМАЙДИ



Шу кунларда болаликка ҳар куни хаёлан ўн марта қайтаман десам, ишонаверинг. Бу шаффоф даврнинг ўз эҳсонлари бор. Мен болалигимдан шунинг учун ҳам миннатдорманки, у менга энг чиройли хаёлларни берди, табиатдан сир теришни ўргатди.

Бир пайтлар катта бир шоира опамиз бизникига борганда, “Кичкина қишлоқчада яшар экан”, деган экан. Аммо менинг кўзимга ҳануз қишлоғимиз жуда бепоён ва катта кўринади. Айниқса, ҳовлимиз ортидаги боғ – менинг энг катта дарсхонам эди. Балки менга адабиётни шу боғдаги дарахтлар ўргатгандир, ажриқлару печакгуллар ўргатгандир. Ҳар ҳолда шунча ёшга кириб ҳали ҳеч қаердан ўша мўъжаз боғимиздан топган туйғулар шуъласини тополганим йўқ.

Кўп шеърларимда дарахт образи учраши ҳам шу боғ билан боғлиқ менимча. Жуда хаёлпараст бўлганман, бу эса жуда кўп китоб ўқиганимнинг таъсиридан деб ўйлайман. Аслида барча ижодкорларнинг адабиётга кириб келиш йўли қайси маънодадир бир-бирига ўхшайди. Айтайлик, болалигида кўп китоб ўқийди, жиндак хаёлпараст ва жуда раҳмдил бўлади.

Худо раҳматига олган бўлсин, бобом ниҳоятда саводли одам эди. Ҳар куни мени ёнларига чақириб, Бедил, Машраб, Яссавий, Навоий ва мавлоно Румийни ўқиб берардилар. Менга ўшанда ғазалларнинг мазмунидан кўра оҳанги кўпроқ ёқарди. Чунки, мазмунига тишим ўтмасди.

Қачонлардир китоб шайдоси бўлганим рост. Дадам менга жуда кўп китоб олиб келардилар. Менга ажратилган кичкина хона китобга тўла бўларди. Негадир хонамга ҳеч кимнинг киришини истамас эдим. Баъзан ота-онамдан ёки устозларимдан даки эшитган вақтларим яхши кўрган асарларимнинг ичига кириб беркингим келарди.

Бобом ўқиган ғазаллар оҳанги мени нимадир ёзишга ундарди. Илк шеъримни ўн бир ёшимда

ёзганман. Ва уни апил-тапил туман газетасига жўнатганман. Энг қизиғи, машқим ўша газетада босилган. “Онажон” деб аталган шу илк шеърим билан мактабда анча вақт машҳур бўлиб юрганман...

Илк китобим “Тунги марваридгуллар” (номини сеvimли шоирим Шавкат Раҳмон танлаган) мен Москва шаҳридаги касалхонада ётганимда чоп этилган. Ўшанда ҳаёт билан ўлимнинг орасида эдим. Шунинг учунми илк китоб менга унча татиманган. Кейинчалик, соғайиб кетганимдан сўнг “Тунги марваридгуллар” ҳақида ўқувчилардан илиқ гаплар эшитиб қувонганман.

Энг катта ва улуғ устозим – ўқиган китобларим деб ўйлайман. Улар менга кўп нарсани ўргатди. Одамларни яхши кўришни, ишонишни, ҳеч кимга ҳасад қилмай яшашни улардан ўргандим.

Ҳаётим давомида ишонувчанлигим ортидан кўп хатолар қилдим. Аммо ҳасад қилмай яшаш, ҳақиқатни севиш олдида бу хатолар ҳеч нарса эмас.

Баъзида манфаат топиш учун худбин ва бешафқат бўлгим келади. Аммо қурбим етмайди. Зотан, китоблар юқтирган меҳрибонлик, ҳақиқатпарастлик бунга йўл қўймайди...

Яхшими, ёмонми саккизта китобим чоп этилди. Менда ғалати бир одат бор. Шеърни бир нафасда ёзаман-да қайтиб ўқиб кўраман. Ўзимга ёққандай бўлади. Китоб бўлиб чиққандан сўнг мутлақо бегонадек кўринади. Кейин ёзган шеъримнинг устидан ишласам сохта чиқиб қоладигандек туюлаверади. Кўнгил тўлмаслиги ҳам яхши нарса шекилли, бўлмаса шунча дард етмаганидек, (ҳозир урчиб кетган) ўзимга маҳлиёлик касалини орттириб олармидим...

Адабиёт оламига кирган инсон борки, менимча бу дунёдан яхшилик излаб яшайди. Аслида мен барча ижодкорларни (хом хаёл деб ўйламанг) эзгулик элчилари деб биламан. Улар қайсидир маънода

тили, миллати, мансабидан қатъи назар бир-бирига қариндошдек туюлади менга. Шунинг учунми, ижодкорлар билан ўз оғайнимдек очилиб-сочилиб гаплашаман.

Уммонларда сувни филтрлайдиган балиқлар яшар экан. Таъбир жоиз бўлса адабиёт аҳлини мен шу балиқларга ўхшатган бўлар эдим. Зеро, жамиятдаги ҳар қандай эзгуликда, қалб тозалигида, адабиётнинг, чинакам ижодкорларнинг меҳнатини кўргандай бўламан.

Сўзда Ҳақнинг жамоли бор, дейишади. Шунданми, сўз ишқига тушган шоиру ёзувчини Яратган аёвсиз синайди. Гоҳ дард беради, гоҳ қайғу беради, гоҳ ҳаётнинг кўчаларида сарсон тентиратади. Шунларнинг барчасига чидасанг, мана ол, деб мастона девоналигини беради. Бу девоналикка "шукр" сўзини ошиқ эта олган ижодкоргагина ижоднинг бетимсол васли насиб этади.

Конфуцийнинг: "Душманингни фақат мақтагин, токи у мақтовдан шишиб ёрилсин", деган гапи бор. Қолаверса халқимиз ичида ҳам "Душманни шакарда ўлдир", деган нақл юради. Мен буни бекорга келтирмадим. Зўр шоир ва ёзувчига мақтовнинг кераги йўқ. Шунингсиз ҳам қалб унинг асарларини яхши кўриб ўқийди.

Адабиёт майдонига соф туйғуларини орзулари билан кирган, кираётган ижодкорларнинг битта китоби чиқар-чиқмас уч-тўрт бетлаб мақтовнома-тақризларнинг чиқаётганини (айниқса чиройли ижодкор қизларга) қайсидир маънода уларнинг ижодига суиқасд деб ўйлайман. Адабий танқидчилигимиз бугун кўзини каттароқ очса яхши бўларди. Назаримда ўқувчилар ҳам, ижодкорлар ҳам, оловли, тоза баҳсларни, ҳақиқатдан сув ичган тақризларни жуда соғинишган...

Билмадим, мавридими ёки йўқми, ичимда неча йилдан буён маддалаб ётган бир гапни айтгим келаяпти. Анча йиллар олдин мурғак болам билан ижарама-ижара юрган кезларимда хушxabар эшитдим. Ёзувчилар уюшмасининг уйсиз-жойсиз аъзоларига уй ажратилибди. Дўппимни осмонга отиб, хурсанд бўлдим: ҳақиқат бор экан-ку! Дарров Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтлардаги масъулларидан бирининг қабулига кирдим. У мени совуқ қарши олиб: "Ҳамма уйнинг ўз эгаси бор, сен эса бу ерда изғиб юрмасдан қишлоғинга кет, адабиётга нима ҳам қилиб берардинг", деди. Карахт тортидим. Рухим ер билан битта бўлди. Афсус, шунга ўхшаш иддаоларни яна кўп эшитдим.

Ўша кунлар менинг адабиётдан топган ҳақиқатим чил-чил сингандек бўлди. Қанчадан-қанча истеъдодли ёшлар ўшандай ундовли гапларни эшитиб, ўз қишлоқларига қайтишди. Шу-шу ҳеч қаерда кўринмай кетишди. Ўзингиз ўйланг, бу эндигина порлаётган истеъдоднинг устига лоқайдлик билан тупроқ тортиш дегани эмасми?!

Ҳаммаси ортада қолди. Бугун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ижодкорларга, айнақса ёш


ижодкорларга кўрсатаётган мурувватидан кўнглим яйрайди. Ана шу мурувватни қадрлаб зўр асарлар яратиш пайти келди назаримда.

Адабиётимиз денгизига бугун янги-янги тўлқинлар кириб келаяпти. Кўнглимга янги ҳаво олиб кираётган ёшларимизни қутламоқ ва асрамоқ лозим, деб ўйлайман. Ижодкорлар бир-бирининг ижодига ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараса бу қанчадан-қанча юксалишга йўл очган бўларди. Ўзингиз ўйланг, қачондир "халқ душмани" деб отилган, аслида эса халқнинг чинакам дўстлари бўлган Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Фитратларнинг умрига завола бўлган ҳасад эмасмиди! Яратган бир-бирини қўллаганини қўллайди... Дунёга кўз-кўз қилса арзигулик адабиётимиз бору, аммо ҳалигача нимагадир шу йўлда оқсаяпмиз. Тўғри, Ёзувчилар уюшмаси қошидаги таржима маркази бу борада иш олиб бораёпти. Бу таржима марказига кучли адабий таржимонлар керак. Бир йиғилишда ҳурматли шоирларимиздан бири: "Ёшларни рамкага тортиш керак" деган гапни айтдилар. Аксинча, ёшларга ижодий кенглик бериш керак эмасми?!

Биз Ҳазрат Навоий, Бобур Мирзолар экиб кетган дарахтларнинг мевасини еган халқимиз. Насиб бўлса, адабиётимиз дунёни забт этишига ишонаман.

Ўзимга келсак: "Адабиёт учун нимадир қила олдимми?" деган саволга ҳалигача жавоб топганим йўқ. Бир пайтлар кўнглимдаги туйғулар шавқидан масту мағрур эдим. Аммо йиллар туйғуларини бешафқат дурадгордек рандалаб бораверар экан. Кимнингдир олдига қарз сўраб борганимда ёки ўғлимнинг қилган айби учун бош эгиб узр сўраётганимда ўша ранданинг оғриқли азобидан қийналган ғуруримнинг чинқирғини эшитгандай бўламан.

Аммо Яратганнинг менга берган туйғулари учун доимо шукр қиламан. Ўзар ва ўз билганидан қолмайдиган ёлғиз ўғлим бор. Қанчалик шўр бўлмасин, туз овқатни тотли қилганидек, ўғлимнинг, шеъримнинг борлиги ҳаётимни тўлдириб, ҳузур бағишлаб туради.



## АДИБ ҲАҚИДА



Ҳалима АҲМЕДОВА – 1960 йил 1 октябрда Бухоро вилояти (ҳозирги Навоий вилояти) Қизилтепа туманидаги Пўлот қилоғида таваллуд топган. 1983 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тамомлаган. Шоиранинг илк китоби 1986 йили "Кўзимнинг тили" номи билан чоп этилган. Кейинчалик 1987 йили "Тунги марваридгуллар", 1996 йили "Эрк даричаси". 2005 йили "Тийрамоҳ", 2007 йили "Афсун", 2008 йили "Умид сояси", 2011 йили "Нигоҳ қибласи", 2012 йили "Шафақ ибодати" сингари китоблари нашр этилган.



НАСР

Ҳалима АҲМЕДОВА

# РУҲ ОЛМОШЛАРИ

## Ҳикоя

### М Е Н

Ҳаво тундлашгандан тундлашди. У гўё лаҳза сайин қоронғулашиб бораётган қисматимга ўчакишаётгандек эди.

Мен шоша-пиша ишдан қайтар эдим. Уст-бошим шаллаббо. Ёмғир тинай демасди. Шу дам негадир ёмғирнинг таъмини билгим келди ва ҳовучимни беҳуш ёғаётган ёмғирга тутдим.

Бир зумда ҳовучим тўлди. Болалигимда ариқ сувини ичгандай уни ютоқиб сипқордим. Бунча тотли. Мен доим ёмғир ёғишини осмон йиғляпти, деб таърифлардим.

Айтишларича, ғамдан йиғласанг кўз ёшинг шўр, шодликдан йиғласанг ширин бўлар экан... Осмон бунча хушбахт бўлмаса?!

Мен ҳамон кетардим ўзини таниб-танимаган ёмғирлар билан, менинг босган қадамларим елка-

сига малол келаётган йўл билан... Ортимдан келаётган бир эркак ҳансираганича қўлидаги улкан қора соябони панасига мени ҳам таклиф этади. Унга миннатдор боқиб: "Соябонни хуш кўрмайман", дейман. У менинг ёмғир ювиб бораётган юз-кўзимга ажабланиб қараганча югуриб кетади. Мен нега ўзи соябонни ёмон кўраман? Негадир соябон менинг бошимни кўриқлабгина қолмай, балки эркимни ҳам бўғиб кўяётгандек бўлаверади. Яратганининг ўзи кечирсин-у, баъзида осмон ҳам бошимда улкан бир соябонга айлангандек бўлади. Ўшандай пайтларда шу қадар сиқилиб кетаманки, бўғилиш жаҳдида беихтиёр осмон ортидаги дунё ҳақида ўйлай бошлайман. Қизиқ, у ерда нима бор экан-а? Ҳарчанд уринмай чала-чулпа ўқиган китобларимдаги баъзи манзаралар ва аллақандай фаразларимдан бошқа ҳеч нарса тополмайман.

Ҳозир эса ёмғирли олам ичра борар эканман, рўпарамдан бир-бирининг пинжиги кирганча келадиган ёшгина ошиқ-маъшукларга кўзим тушаркан, нима ҳақда ўйлаётганимни эсимдан чиқараман. Уларга қорни оч қолиб севимли таомининг ширин ҳиди димоғини қитиқлаётган одамдек энтиқиб қарайман. Шу пайт бир томчи ёмғир кипригимга илиниб кўзимга тўлаётган сув билан ўйнашгиси келгандай шўхлик қила бошлайди. Энди юзимда ширин ва шўр сув бир-бирининг пинжиги кирган ошиқ-маъшуклардай битта бўлиб оқа бошлайди.

Кўча чироқлари бирин-кетин ёниб, атрофимда бахтиёр рақсга тушаётганга ўхшайди. Мен ҳануз каловланиб бораяпман, аммо қаерга?! Албатта уйимга-да, деб ўйлайман, мискин қарахлик билан. Менинг уйим. У қаерда эди, ўзи бор эдимми?! Таҳликали бир савол бутун вужудимни уйғотмоқчи бўлгандай бармоғимдан сочим учигача совуқ ўрмалайди. Мен эса лоқайд дунё-нинг бир лоқайд саволи янглиғ ҳамон қаёққадир суд-раламан. Кошқийди шу дамда (ҳатто қаттол ғанимим бўлса ҳам майли) кимдир йўлимни тўсиб чиқиб, мендан ҳол сўраса. О, ўшанда булутдай тилкапора бўлиб тўкилардим. Айтаверардим, йиғлайверардим, айтаверардим, йиғлайверардим. Мендан ҳол сўраган устимдан кулса ҳам майли...

Ғийқиллаган кескин бир овоз йўлнинг ўртасида мени ўзимга келтиради. Ҳашаматли машина эгаси бошини чиқариб, сўкинади:

– Ўлгинг келган бўлса, бошқа жой изла, ифлос, сенинг касофатингга қолайми энди?!

Бир зум ҳушёр тортаман: "Ифлос дедими?" Нимадандир жаҳлим чиққандек бўлади. Аммо, зум ўтмасдан яна лабимга лоқайд табассум сигир елинига ёпишган канадай ёпишади. Бу табассум шу қадар мазмунсизки, агар шу лаҳзада кимдир менга боқса йиғлаб юбориш ҳеч гап эмас, деб ўйлайман.

Нега тўрт томоним бўм-бўш, кўнглимнинг ичида хувиллаётган кимнинг овози?! Мен қаёққа кетаяпман?!

Хуллас, мана шундай саволлар арқонига ўзимни чандиб ташлаганимга анча бўлди. Ҳар тонгда сўнги жангга отланган мажолсиз аскардай ҳаётга кираман. Фақат бу жанг сўнгида ғолиблигимни ҳам, мағлублигимни ҳам англолмайман. Ҳозир эса ёмғирлар шаффоф қамчисида мени савалаб ана шу оғир хаёллар ичидан қувиб чиқармоқ учун зўр бераётгандек. Афсуски, мен аллақачон ўша хаёлнинг ўзига айланиб бўлганман.

Ёмғирли шомнинг соясига қоқилиб кетаман. Хайрият-ей, йиқилмадим. Мени бекатда анчадан буён автобус пойлаётган бир аёл суяб қолади. Унга раҳмат айтганча, шошилиб сўрайман:

– 21- автобус ўтмадими?

У аёл паришон жавоб беради:

– Ўтмади шекилли.

Бу аёл кўзимга жуда таниш кўринади. Уни аввал қаёқда кўрган эдим-а? Унинг бир тутамгина бўлиб қолган юзи, тарам-тарам ажинга тўла пешонаси, кўзлари ичидаги мунг юрагимни азоб тирноғида қитиқлай бошлайди.

Бекатда у аёлдан бошқа ҳеч ким бўлмаганлиги боисми ёки юрагимдаги ғашликни тарқатиш учунми, уни суҳбатга тортгим келади:

– Сиз қайси автобусни кутаяпсиз?

– Билмайман.

– Нима, адашиб қолдингизми?

– Адашганимга анча бўлган.

– Фарзандлардан нечта? – сўрайман суҳбатга сал илиқлик киритиш учун.

Аёл аввалги оҳангда жавоб беради:

– Битта ўғлим бор...

У шу сўзни айтиб, назаримда жукнжиккандек бўлади. У ёқдан бу ёққа бетоқат юра бошлайди. Аёлнинг бу ҳолатини кузатиб туриб, ўсмоқчилаб сўрайман:

– Нимадандир хафамисиз?

– Ўзимдан хафаман, – дейди аёл кўзларига тўлиб бораётган қоронғуликни яшириб.

– Қизиқ, мен сизни қаердадир кўргандекман. Қаерда ишлайсиз?

– Радиода ишлайман, – дейди у нимадандир толиққан ва нимадир жонига теккандай.

– Мен ҳам радиода ишлайман, аммо сизни у ерда кўрмаганман, – дейман ҳовлиқиб.

Аёл менинг кўзларимга маносиз боқади. Руҳимда жинлар базм қура бошлайди, жоним қандайдир нохушликни сезгандай тинимсиз типирчилайди. Бор кучимни тўплаб сўнги саволимни бераман:

– Узр, кўнглингизга келмасин-у, қаерда яшайсиз?

Аёл тошдан йўнилган ўрта аср ҳайкалидай совуқ ва пинагини бузмасдан мен яшайдиган манзилни айтадию бориб бекатдаги ўриндиққа ўтиради. Одмигина сумкасини чангаллаган қўлларига боқаман. Унинг бармоқларида менинг севимли кумуш узукларим синиққина жилмаяди. Менинг эса бу аёлнинг олдидан тезроқ кетгим, ёмғиргами, шамолгами айлангим келади. Овозсиз бир овозда бақираман:

– Мен кимман, у аёл ким?!

Менинг ҳайқиригимни бекатда дайдиб юрган ёмғирли шамол ютиб юборади.

## СЕН

Тун эди. Сен чўчиб уйғондинг. Ким учундир яшириб қўйганинг хаста юрак, энди ҳеч кимга керак эмаслигини сезганиданми, созанда ёмғирлар чертаётган дераза ойнасидан таралаётган куйга ўзига қасд қилгандек тинимсиз рақсга тушар, унинг бу зарби сенинг кўкрак қафасингга оғирлик қилар эди.

Сен ўзингга бўйсунмаётган вужудингни судраб, бир амаллаб деразани очиб юбординг. Баҳор ва ёз қовушган туннинг ҳавоси хонангга гупириб кирди. Яна ёмғирда ивиган тупроқнинг жуда таниш ҳиди димоғларингни тўлдирди. Ногаҳон унда онангнинг ширин бўйини туйиб, энтикиб кўйдинг.

Дераза раҳига суяниб узоқ ўтирдинг. Қизиқ, ёмғир ёғаяпти-ю, ой ҳеч нарса бўлмагандек булутлар оша кулиб турибди. Шу дамда ойга жуда ҳавасинг келиб кетди. Қанийди мен ҳам барча ғаму қайғуларим устидан кулиб яшай олсам эди, деб ўйладинг.

Аммо ўйларинг ҳам шу қадар ожиз эдики, руҳингдан қоронғуликдан чўчиб сени бир зумда тарк этди.

Яна судралиб келиб, совиб улгурмаган ўрнингга ётдинг. Уйқусизликдан оғриётган кўзларингни ҳарчанд юмишга уринмагин, улар ухлашдан бош тортарди.

Шунда бирдан очиқ деразадан кириб келган оппоқ нурга нигоҳинг тушди. У нур хонангни обдон айланди ва ғалати овозда шивирлади:

– Уйқунг келмаяптими?

Аввалига ғайритабиий бир қўрқувдан титраб кетдинг. Сўнг эса ақлдан озаяпман шекилли, деган хаёлга бординг. Нур сенда кечаётган ҳолатни сезди. Ва яна тилга кирди:

– Мени танимадингми, дейман.

– Сен ўзингни қўлга олишга уриндинг ва хаста овозда сўрадинг:

– Сен кимсан?

Нур сенинг ёшлиқдаги овозингга узоқ қаҳқаҳа урди.

Нигоҳингга киргудай бўлиб шивирлади.

– Энди танидингми?

– Танигандайман...

– Мен сенинг жонингдан қочган нурман.

– Нега жонимдан қочдинг?

– Сен билан бирга туғилган эдим. Мен билан нақадар гўзал эдинг, хушбахт эдинг. Афсус, мени қадрлай олмадинг. Менга хиёнат қилдинг.

– Хиёнат, қандай хиёнат?!

– Арзон гаровга қайғу, ғамларни сотиб олавердинг. Сенда шаффоф бир ишқ бор эди. Уни ёлғоннинг бир бўсасига тухфа қилиб юбординг. Агар ёдингдан чиққан бўлса, мана кўр.

Оқ нур бир айланиб кўзгуга айланди-да, сенинг ўтган кунларинг бу кўзгуда акс эта бошлади. Сен уларни кўра туриб ҳайқириб юбординг:

– Бас, бас, етар. Мақсадинг нима ўзи сенинг? Ё мени ажалимдан бурун ўлдирмоқчимисан?!

– Йўқ, асло ундай эмас ваҳоланки неча йилдан буён эшигинг ортида ажалинг сени пойлаб турибди... Фақат мен уни чалғитиб сени ундан асраяман.

– Ташаккур, мендан аразлаб кетганингни билдим, аммо қайтишининг боиси нима?

– Сенга жуда раҳмим келди.

– Ҳозир қаерда яшаяпсан?

– Баланд оқ теракнинг учидаги бир япроқда...

– Жонимга қайтсанг бўлмайдими?

– Йўқ, энди у ерга қайтолмайман. Фақат бу дунёни тарк этганингда жонингни кўтариб Ҳақнинг олдига боришим керак..

– Унда айт-чи, яна қанча яшайман?

– Буни айтишга ожизман. Фақат қушларнинг кўзига қамалган осмон озод бўлган куни омонатингни топширишингни биламан, холос.

– Яқингинамда яшар экансан, нега олдинроқ келмадинг?

– Сени ҳар куни кузатаман. Бу тун жуда абгорсан, таскин берай деб келдим. Биласанми, сенинг чеккан ҳар оҳинг менга бориб тегади ва менинг кучимни заифлаштиради. Наҳотки ҳаётдан рози бўлиб яшашингнинг иложи бўлмаса?!

– Мен кўп ҳаракат қилдим. Аммо...

– Йўқ, бу шунчаки баҳона. Мен сени яна бир сирдан огоҳ этмоқчиман. Барча дўстларингнинг юзида, ҳаттоки севган инсонингнинг юзида ҳам ниқоби бор. Сенинг энг катта фожианг дунёга ниқобсиз боқшингга.

– Йўғ-ей, наҳотки дўстларим мени алдаса?! Айтгандай мен севган инсондан хабаринг борми?! У бахтлими?!

– Уни билмадим, аммо сени аллақачонлар унутиб юборган...

– Унутиш шунчалар осонми?!

– Ҳар ҳолда ниқоби борларга яшаш анча осон... Айтгандай тунларда деразангдан қандайдир нигоҳ сени кузатганини сезасанми?

– Сезганман. Менга шундай туюлади деб ўйлардим...

– Йўқ, у бир сенга ўхшаган аламзада аёлнинг нигоҳи.

– Тушунмадим.

– Бу дунёни тарк этар чоғда ҳаётга тўймаган инсонларнинг руҳи дарахтлар руҳи билан қовушади.

– Наҳотки?!

– Ҳа, шундай, деразанг олдидаги катта ўрик дарахтига ўша аёлнинг руҳи кўчган. У аёл бир пайтлар жуда дилбар ва давлатманд бўлган. Ҳуснининг давлати ортида туриб ўз ишқига хиёнат қилган. Ишқнинг қарғиши урган.

– Қандай қилиб?!

– Яқин бир дугонаси заҳарлаб ўлдирган. Қилган хиёнатини ўзга бир хиёнат оғуси билан ювган бу аёл қиёматгача дарахтдан дарахтга кўчиб яшайди.

– Сен буларни қаердан биласан?

– Эсингдан чиқарма, мен Оқ Нурман.

– Тушундим. Аммо менга қайтишининг ҳеч ҳам иложи йўқми?

– Иложи бўлганда қайтган бўлар эдим. Майли, мен кетдим.

– Шошма, шошма, яна келасанми?!  
– Балки....  
– Айт-чи, мен қандай қилсам яхши яшайман?!  
– Ҳаётнинг кўзига қўрқмасдан қара. Ҳаёт кучлиларни яхши кўради...

Оқ Нур хонангни яна бир бор айланиб чиқди-да, хайр дегандай бир силкиниб чиқиб кетди. Сен эса ўзингни анча бардам ҳис қила бошладинг.

Ёмғир ҳам тинди. Осмоннинг оппоқ шоҳи рўмоли сирғалиб ерга тушди. Тонг майингина жилмайди. Тун бўйи ёмғир бодасидан тўйган ғунчалар керишиб кўз очди.

Фаррошларнинг супургиси тирикликнинг янги кўшиғини куйлай бошлади.

Сен титраб турган баланд оқ теракнинг учидаги япроққа кўз тутдинг. Унда қандайдир нур порлаб турарди. Жонинг ўша нурга ёмон талпинди.

## У

У Бухородан анча олис, аммо илдизлари Бухородан сув ичган, кичик бир қишлоқчада яшар эди. Болалиги капалаклар қанотидай ранг-баранг кунлар жилвасида ўтди. Қушлар, қумурсқалар, майсаю гиёҳлар тилини ўрганишдан асло эринмади.

Аммо негадир уни шамол севгиси ўзига жалб қилар, қаерда бўлмасин шамолнинг соғинчи билан яшар эди.

Беда гулларининг нафис хидига кўмилган дала-ларда шамол билан ўйнашдан чарчамас, ичидаги бор- йўқ дунёсини унга тухфа қилгиси келарди. Сунбуланинг сочларига қуёш ўзини осган кунда шамол унинг юрагини сирли чимчилади. Ва Уни ортидан бошлаб катта шаҳарга йўл олди.

У йўл бўйи болалиқдан ёд бўлган қўшиқни хиргойи қилиб борди:

*Шамол-шамол кокили ҳайдар.*

*Сен дарбадар, мен ҳам дарбадар...*

Бу қўшиқни у шамол билан шу қадар кўп куйладики, бундан чарчаган ҳаёт уларнинг овозини эшитмаслик учун қулоғини беркитди. Шундан сўнг ҳаётнинг қулоғи эшитмайдиган бўлиб қолди.

Хуллас, у шамолнинг ортидан эргашиб, нокаслар оёғи остида таъна-маълوماتлардан эзилиб юраги тошга айланган шаҳарга келиб қолди.

Шамол билан бу шаҳарни обдон айланди. Узоқ йиллар бу шаҳардан нимадир излади. Аммо нима излаётганини ўзи ҳам билмас эди. У шодлиқдан ҳам, ғамдан ҳам тўйиб бўлган бир пайтда, содиқ дўсти шамол унинг қулоғига шивирлади:

– Юр, сени дунёнинг энг тоза жойига олиб бораман. У аввалига шамолнинг гапига ишонмади. Чунки у бу дунёда тоза жой қолмаган деб ўйларди.

Аммо азбаройи зерикканидан шамолнинг ортидан яна йўлга тушди. Ва ниҳоят боғ деса боққа,

тоғ деса тоққа ўхшамайдиган жойга етиб келди. Қизиқ, боғ деса, дарахтларининг меваси йўқ, ўрта-ўртасида мрамар тошлар бош кўтариб турибди. Тоғ деса чўққиси йўқ...

Бу жой шунчалар сокин эдики, у кар қулоқларининг ичидаги безори шовқиннинг акс-садоси янада баландлашганини сезди.

Ногаҳон кўзи ялтираб турган қора мрамартош устида оёқларини ўйнатиб хотиржам ўтирган ўсмирга тушди. Ўсмирнинг кўзлари ичидаги армонли шуъла шу қадар оғир эдики, у буни кўтара олмай, беихтиёр ерга ўтириб олди.

Ўсмир ҳайрон бўлиб унга узоқ тикилди. Ва унинг севимли кўшиғини баралла куйлай бошлади:

*Шамол, шамол кокили ҳайдар,*

*Сен дарбадар, мен ҳам дарбадар.*

Авваллига бу бола уни масхаралаётгандай туюлиб, роса, жаҳли чиқди.

– Ҳей, бола, уялмайсанми ўзингдан каттани масхара қилишга?!

– Мен ҳеч кимни масхара қилганим йўқ, бу болалиқдаги севимли кўшиғим.

– Сенга бу кўшиқни ким ўргатган?

– Шамол ўргатган. Сиз ҳам биласизми бу кўшиқни?!

– Биламан.

– Келинг, биргалашиб айтамиз бўлмаса.

Боланинг кўнгли учун У бу кўшиқни жўр бўлиб айтди.

Кўшиқ тугагач, боладан сўради:

– Сен бу ерда нима қилипсан?

– Мен уч йилдан буён шу ерда яшайман.

– Нега, уйинг йўқми?

– Мана менинг уйим,– деди бола катта қора мрамартошнинг остини кўрсатиб...

Шундагина унинг кўнгли совуқ бир нимани сезгандай бўлди.

– Сени бу ерда яшашга нима мажбур қилди?

– Ўзим, – деди бола пушаймонлигини ошкор этмоқчидай.

У разм солиб болага қаради шундагина боланинг бўйнида қолган арқон изларини кўрди.

– Нега ахир бундай қилдинг?!

– Қадримни ўтказмоқчи эдим.

– Хўш, ўтказа олдингми?

– Бир йилча эслаб йиғлаб олдимга келиб юришди. Аммо кейин ҳамма дўстларимнинг ёдидан чиқдим. Биласизми, синфимизда жуда гўзал бир қиз бор эди. Уни яхши кўрардим. Аммо у менга қиё ҳам боқмасди. Мен учун куйдим, йўқми – билмайман...

Шу пайт юзларига ғам соя солган бир аёл тўғри ўсмир ўрнашиб олган мрамар тош томон кела бошлади.



Бу аёлни кўрган бола сакраб тушдию, "ойижон" деганча аёлга талпинди. Аёл карахт эди. Мук тушиб йиғларкан, бўйнига осилган боланинг меҳрибон қўлларини сезмасди. У мунг ҳайкалига айланаёзган онага ва ўз хатосини кеч англаган ўсмирга қандай сўз ила таскин беришни билмасди.

Уларни холи қўйиб, яна шамол этаги билан эринмай артаётган мрамар тошлар оралаб борар экан, У кар қулоғини қоматга келтирувчи баланд-паст, турли-туман овозларни эшита бошлади.

У гўё қиёматнинг шаҳрига келиб қолгандай эди.

Маҳобатли мрамар тошга суянган, қирқ ёшлардаги сочи оппоқ киши ўзидан сал наридаги яқиндагина қорни дўппайган тупроқ бошида абгор ўтирган кекса одамга қаҳрини тўкарди.

– Охири келар экансанку мен келган жойга. Нега шундай қилдинг-а, сенга менинг унвоним керакми-ди, сени дўст деб ишонибман. Уялмай-нетмай ўзинг қилган расволикни менинг бўйнимга юкладинг. Бечора бир қизнинг шаънини булғаб, яна уни ўлдириб юбординг. Ҳаммаси учун эса мен жавоб бердим. Бу кўргуликларга юрагим дош берганда эди, ҳаммаси бошқача бўларди.

Биласанми, ўша қиз ҳар тунда келиб менга дардларини айтиб кетади...

– Мен нобакорни кечир, дўстим.

– Дўст дема, ҳеч қачон дўст дема...

Мрамар тошлар аро у ёқдан бу ёққа югуриб юрган бир телба аёлнинг фиғони икки дўстнинг суҳбатини босиб кетди.

Мрамартошларнинг совуқ, сирли нигоҳи телба аёлга тикилади.

Аёл тинимсиз:

– Ўғри, ўғрини ушланг, топган барча бойлигимни ўғирлаб кетди...

У бу телба аёлнинг суратини қайсидир мрамартошда кўргандай бўлди. Қўрқувданми ёки бу жойнинг совуқ нафасиданми, эти жунжикиб кетди.

Телба аёл югура-югура ўша сурати акс этган мрамартошнинг оёғида ҳушидан кетиб, оғзидан кўпик оқа бошлади. Аммо ҳеч кимнинг у билан иши йўқ эди.

Зотан, ҳаёт бу гўшадан аллақачон оёғини узган. Унинг қонуни бу ерда қор қилмас эди.


У бу ерда қорни дўппайиб, умид билан фарзанд кутаётган оналарнинг алласини эшитди, висол тундан айро тушган келинчақларнинг ёр-ёрини тинглади. Аммо улар жуда совуқ, умидсиз эди. Улардан қуёшнинг нур томирлари аллақачон узилган эди.

Ўзидан кетиб бораётган руҳини маҳкам қучоқлаганча У шамолни чақирди. Аммо шамол жавоб бермади.

Тоғ деса тоққа, боғ деса боққа ўхшамайдиган жойдан бир амаллаб чиқди-ю, ҳаётни тўйиб-тўйиб ҳидлади.

– Майли, арзу-додимни эшитмайдиган кар бўлса ҳам Ҳаёт жуда хушбўй, жуда ширин, – деди у юрагининг рангини ўғирлаб, кўзига қарай олмай бо-тишга чоғланган офтобга боқиб...





Вафо ФАЙЗУЛЛОҒ

## Кўнглимда Ёнафшалар таратади Ёй

### ОҚ ЛАЙЛАК (Туркумдан)

#### 1.

Чечаклар эди елкан  
Сузганимда қирларда.  
Она юрт она экан,  
Ошиқ эдим ҳурларга.  
Эски мачит қайдасан?  
Азон янграса ногоҳ,  
Юрагимда пайдосан,  
Хавфлардан этиб огоҳ.  
Согинч ўртайди билмам,  
Вайроналарга маҳкум.  
Хочдай ортади гамим,  
Дунё туюлади хум.  
Ҳар нарса ётлашади,  
Қадрдонлар бегона.  
Мен билан дардлашади  
Эзгиланган остона...  
Шарқ каби ориятим,  
Хазонлардай учади.  
Қайда эзгу ниятим,  
Турналардай кўчади.  
Тор хонамга биқиниб,  
Хат битгум чечакларга.  
Тушларимда тиниқиб,  
Кетаман эртақларга...  
Хайр,хуш қол она юрт,  
Меҳрингга мен жуда зор.  
Унутмай,орзиқиб кут,  
Ишқим Сенгадир нисор.



Мана яқин, эрир қор,  
Очилар гулларинг хуш.  
Ҳанифа ва безубор  
Бошласа баҳор юриши.  
Мен, ахир, тўнгич ўғил,  
Дилдан кетказган армон.  
Бошларман Сен сари йўл  
Чақмоқ чақнаган бир он!

#### 2.

Декабр. Ватанимдан жуда олисда  
Согиниб ёрузликни инжиқ куйлайман.  
Тикланади бўлганлар хаста,  
Рангланади нима ўйлайман.  
Ғариб, танг рўзгорим, мискин хаёлим  
Ҳеч кимнинг етмайди қўллари.  
Тола нурдек биргина толим,  
Тиккага ўрлайди йўлларим.  
Зориққанам зангор шавқ ҳаёт  
Согинч жаранглайди кўзимда.  
Кимларнидир этганимча ёд,  
Севги чўғ ташлайди бўғзимга.  
Кеча борлар наҳот бугун йўқ,  
Кеча йўқлар наҳот бугун бор.  
Қимирлайди жонимдаги ўқ,  
Қўл силкийди ёнимдаги дор.  
Ҳузуримга келган кўнгилдир,  
Бировлар ҳеч қачон кутмаган.  
Оловда ҳам булбул булбулдир,  
Гулларни севгану ўпмаган.



Бандаларни бўлган гуруҳга,  
Ожизларни кўрган қудратли,  
Шарпалар ўлгандир руҳимда,  
Тонгни қаршилайман журъатли.  
Миноралар огоҳчи даста,  
Ҳақдор ҳузурингга шошаман.  
Иймонсизлар қолган ҳув,пастда,  
Оқ лайлакман,тоғлар ошаман.  
Менга тил бергин,бергандек кўнгил,  
Қалам бергин,бергандек қароғ,  
Имкон бергин,берганингдек йўл!  
Қарз ўртайди, катталашган доғ...

3.

Қорлар авжлайверар тобора,  
Ёмғирлар кўзимни очирмас.  
Йиғлатган ҳақиқат рўпара,  
Унут изтироблар берар сас.  
Севгим кўмилиб-да кетади,  
Орзум билан кимнинг иши бор?  
Қайрағочлар таклиф этади:  
Шохларимиз афсонавий дор.  
Муз остида шафақ титрайди,  
Қуёш қанча кунлар занжирбанд.  
Рухият атиргул истайди,  
Тушларимда йиғлар Самарқанд.  
Аччиқ хотирларга тўлгайман,  
Наҳот ростдир содир бўлгани.  
Онамни ўртаниб ўйлайман,  
Тулкилар келади қулгани...  
Дўстим баҳор, ахир,ўлмаган,  
Хурмасанг-чи,бунчалик довул.  
Бир шоирман,кўнгли тўлмаган,  
Кетмоқчиман, кўрсата қол йўл!..



4.

Орзиқтирар бошқа бир дунё,  
Қор остида ухлаганларим...  
Хат ёзаман, қайтмайди садо,  
Йўқлолмайди йўқлаганларим.  
Кимдан хафа бўлай астойдил,  
Нетай, тўзондаги йўлчиман...  
Қиш ишлайди ҳалол ва одил,  
Мен баҳор юртидан элчиман.  
Кўрганларим эртақ биламан,



Яшамайин қайси фаслда.  
Замҳарир юракни тиламан,  
Ҳаёт оппоқ қордир аслида.  
Ҳеч ким боқмаса ҳам майлига.  
Бир дайдидай кўрса ҳам шаҳар.  
Салом дейман музлар хайлига,  
Сут кўраман май тутсалар гар...  
Қувалайман қор парчаларин,  
Акаман қунишган қушларга.  
Ўргиламан тул арчаларни,  
Бор меҳримни тутдим шуларга.  
Деразадан боқар ойимлар,  
Кўчаларин қулдай қурайман.  
Кўтариб Алпомиш ёйини,  
Кўнғир айиқлардай юргайман.  
Қулча нондай тансиқдир кўзим,  
Тамшантирар қайрағочларни.  
Муסיқадай таралар сўзим,  
Ҳовлиқтирар кўнгли очларни.  
Умид кўзин тиккан юртим бор,  
Онамнинг ноласи кўксимда.  
Пистоқи дардларим беғубор,  
Йўлга чиққан менинг бўғзимда.  
Ўзимга виқорли сабр тилайман,  
Ҳаволар тиллашган қалбим-ла.  
Зор Фарбда ҳур Шарқни англайман,  
Муқарраб бўлдимми Раббимга?!

5.

Мен бир чувалчангман, мен бир чувалчанг,  
Кўчаларда сабо ила тунадим.  
Эй ҳур, наҳот ишқим қонаган яранг,  
Динимдан чиқарди, элдан ҳайдади.  
Соҳир ҳисларингни ўйнадим...

Тонггача туш кўрмас юлдуз ташишман,  
Қандай қавм билан қўшилди ризқим?  
Гуноҳ истаб келган наҳот осийман?  
Бобом меҳр билан атаган исмим  
Бегона, бегоналар учун йиғладим...

Жанубга тортқилади қолган бўлагим,  
Музларни оралашдан нигоҳим толди.  
Мовий ўнгирларда сўнган юрагим,  
Унут орзуларин эслаб уялди...  
Қайдасан керакмасим – афиф тилагим?

6.

### МУҲОЖИРНИНГ ТУШИ

Қорлар рақс тушади, шамол ўйинчи,  
Қалбига йўлатмайди бегона шаҳар.  
Согинганим учун сўрар суюнчи,  
Олислардан мени йиғлатган дилбар.

Кун келар, юрагимни ёқар бўлак куй,  
Кузатгиси келмас қадрдон шаҳар...  
Кўнглимда бинафшалар таратади бўй,  
Хаёлимни қучиб йиғлайди дилбар...

7.

Табрикларни бир-бир қабул қил,  
Ғанимларни тингла беозор.  
Бу дамларни хуш, ганимат бил,  
Кутганлар бор қанча интизор.

Қушлар каби қўчармиз бир-бир,  
Елкамизда фидолар ҳақи.  
Ҳаётимда чақнади чақин,  
Бахтиёрман Худойим ҳаққи.

Яшадим-ку тилсиз неча йил,  
Йўлсиз тонгда йиғлади дардим.  
Ечилдими юракдаги гул,  
Ғуруримни ўлдирган Қадрим.

Оламларни айланаман шод,  
Дўстлар келар, ёди бегубор.  
Куйчиларин унутган ҳаёт,  
Мавжланади кўнглимда такрор.

Мусибати, ҳайрати улуг,  
Кўчалари қўноқ ҳурларга.  
Орзулари ҳилтираган туг,  
Кўлимдами, боқдим нурларга.



Сенинг қайғунг билан ёнаман,  
Адоларинг кимни этмас гарқ.  
Шодлигимдан, оҳ, девонаман,  
Ўйгондингми, онажоним Шарқ?!  
Табрикларни бир-бир қабул қил.

8.

Бу ерларда ҳаққим қолмади,  
Шамолларда изладим омад.  
Дардларимни кимлар олмади,  
Шимол юрти, бўлгин саломат.

Гуллар очилганда ухладим,  
Хазонларни тердим битталаб.  
Қайинларни қучиб йиғладим,  
Оқ қорларга босиб ҳазин лаб.

Ҳамма жойда офтоб бир экан,  
Ёруғликка ташина одамзот,  
Дон ташиланган дунё тўр экан,  
Нималарни кўрмадим, ҳайҳот.

Эркалади эрка санамлар —  
Қушлар чуғурлади теграмда.  
Тарқаб кетди мунгли аламлар,  
Малҳам босди боғлар ярамга.

Ўйгонмоқда олам қайтадан  
Исо меҳри кўрсатди йўл гоҳ.  
Бир қарздор Муҳаммадийман,  
Қайтармогим восил эт, Аллоҳ.

Бу ерларда ҳаққим қолмади,  
Ҳайронлигим кечди аломат...  
Дардларимни кимлар олмади,  
Юрагимдан чиқмайди абад.

Москва





Акбар МИРЗО

# СҮНГГИ ЧОРА

Қисса\*



\* Журнал варианты

Кечки овқатдан сўнг болалар дарс тайёрлашга кириб кетишгач, Малика эрининг ёнида узоқ қололмади. Чарчадим, дея ётоғига шошилди.

Ташқаридаги чироқ нурлари иккинчи қаватдаги хоналарга ғира-шира тушгани боис, ётоқхона ичи хирагина ёришиб турарди.

Кўзларини юмди. Шу қўйи анча ётди. Аммо уйку қаёқда. Кўзларини қандилга тикаркан, юрагига нечундир ғулғула солган, уни ногоҳ ташвишга қўйган бугунги учрашув ҳақида ўйлай бошлади. Аслида бу ўй тушдан кейин уни бир зум тарк этмаган, ҳозиргина эри билан хонтахта атрофида ёлғиз қолишганида ҳам хаёлида эди. Эри нечундир бир-икки қараб қўйганда беихтиёр безовталаниб қолди. Яна озгина ўтирса худди иш ҳақида сўз очилиб қоладигандай, бугунги куни қандай ўтганини сўраб-суриштирадигандай чарчаганини рўқач қилиб ўрнидан турдию дастурхонни йиғиштира бошлади.

Тан олмай иложи йўқ. Бу кутилмаган учрашув уни анча шошириб қўйди. Институтда бирга ўқишган, аммо ўн уч йилдан буён бирор марта ҳам кўринмаган Баҳром исмли йигит худди шу бугун – тушдан кейин тўппа-тўғри хонасига кириб келса-я! Юраги «шиғ» этиб, кўрқиб кетди, лекин буни сездирмасликка ҳаракат қилди. Таажжубга тушди, ҳайрон ҳам бўлди, аммо тезда ўзини қўлга оларкан, совуқина қаршилади. Бироқ қўл узатиб кўришаётганида бармоқлари билинар-билинемас титраганини сизди, жойига ўтириб столи устидаги кичкина думалоқ кўзгуга кўз қирини ташлаганда эса ранги ҳам бир оз оқарган экан. Ички кўрқувни енгиб, эски танишига қараркан бутунлай хиҷолатга тушиб қолди: чанқоқдан силласи қуриган йўловчи, ногоҳ бир хўплам сувни кўриб ташналигини тезроқ қондирмоқ учун унга бор вужуди билан талпингандай, Баҳром ҳам жойида ўтиролмас, тинмай ёнига келишга интилар, кўзлари чакнаган бу одам қўйиб берса, ҳеч нарсадан тап тортмай, уни бағрига босгудек ҳис-ҳаяжонда эди. Буни сезгани учун ҳам хавотирга тушди. Индамай келиб шарт ўпиб олганда нима бўларди? Худди шу ҳолатга бирортасининг кўзи тушиб қолганда-чи?

Малика, балки бу нарсалар ҳақида ўйламаслик керакдир дегандай, ёстигининг остидан кеча сотиб олган «Ҳазрати аёл» номли китобни олди. Лекин уни ўқиш учун чироқни ёқиш керак эди. Туришга эринди. Нариги хонага қулоқ тутди. Болалар ё муккасидан кетиб дарс тайёрлашяпти ёки жимгина ўтириб шохмот ўйнашяпти. Унча катта бўлмаган ошхонада эса эри ҳамон телевизор кўряпти шекилли, қандайдир футбол ўйинининг шовқини эшитилиб турарди.

«Йўқ, яхшилаб ўйлаб олишим керак. Агар у тенг эртага яна келадиган бўлса, орани очиб қилмасам бўлмайди, – Малика эшик томонга бир қараб қўйди-да хаёлидан кечаётган фикрларни қувиб етди. – Бунақада одамни шарманда қилиши ҳеч гапмас. Худди қамоқдан чиққан кишига ўхшайди-я. Бунинг устига эртага албатта келаман, дегани нимаси?»

Ҳа, Баҳром ўйлаб ўтирмай эртага келаман, деб кетди. «Ахийри сени топдим, – деди у мушт бўлиб тугилган кўлларини кўкрагига қайта-қайта уриб. – Буни бирор ерда ўтириб, нишонламасак бўлмайди. Ҳечам бўлмайди, Малика! Мен, эртага албатта келаман!»

...Малика Баҳромни яхши танирди. Ўзидан бир курс юқорида ўқиган бу қора қош йигит танишганига узоқ бўлмай, дарҳол севги изҳор қилган. Ўшанда Малика учинчи курсда ўқирди. Ҳайрон. У билан на айланишга

чиққан, на бирор тадбирда ёнма-ён ўтирмаган бўлса, қандай севиб қолиши мумкин? Бир-икки ётоқхонага бирга қайтмаганини айтмаса, тузук-қуруқ танишмаган ҳам. Аммо севги изҳоридан сўнг Баҳромнинг тинчи йўқолди шекилли, дарсдан сўнг ё йўлини пойларди ёки ётоқхона атрофида айлангани айланган эди. У ҳар кўрганда кинога ёки бир оз айланиб келишга таклиф қилар, рад жавобини олиб ҳафсаласи пир бўлса-да, барибир келишни канда қилмасди. Баъзида гулдаста, баъзида эса шokolод кўтариб келарди. Олмаса, хонасига ташлаб кетарди. Уни тушуниш қийин эди.

Бироқ ўқишни битиргач, Баҳром ўз шаҳрига – Янгийўлга ишга кетдию қизнинг қулоғи тинчиди. Аслида жудаям тинчимасди. Баҳром тез-тез Тошкентга келиб турар ва ҳар гал ётоқхонага кириб ўтарди. Малика ўқишдан қайтганда хонасида – ўз тумбочкаси устида энди одатдагидан анча катта гулдастани, ундаги турфа гулларни кўрардию Баҳром келганлигини биларди. Кейин хонадошлари ўртасида пичир-пичир, ҳазил-ҳузул авж оларди.

«– Ҳозир қайтиб келаркан, кейин биз чиқиб тура-миз, хўпми, қизлар».

«– Вой, қизлар, кечкурун қолмасмикин, ишқилиб?»

«– Жа, унчаликка боришмас»

«Бу галги гулдастанинг катталигига қараганда, ошиқ йигитнинг шашти анча баландга ўхшайди. Бир кеча холи қўйсақ, нима бўпти?»

Малика қизлар атай ғашига тегиш учун гапиришаётганини билса-да, лекин негадир жаҳли чиқарди. Буни кўришиб, қизлар баттар ҳиринглаб кулишарди.

Нафсиламрни айтганда Баҳром унчалик ёмон йигитга ўхшамасди. Баланд бўйли, оппоқ юзида қора қошлари дарҳол кўзга ташланадиган Баҳром доимо башанг кийиниб юрарди. Талаба қизлар уни гоҳ «Олифта», гоҳ «Ошиқу беқарор» деб аташарди. Бироқ шундай йигит негадир Маликага ёқмасди. Йўқ, қиз ундан-да, гўзал бўлгани, йигитни менсимагани учун эмас, балки: «Сиз одам билан гаплашасизу аммо хаёлингиз бир жойда бўлмайди, кўзларингиз доимо ўйнаб туради» деб жиддий ҳисобламагани боисми, кўпам хушламас эди.

Оқ халатни ечиб елкасига ташлаб олган Баҳром эса гапдан қолмасди: «Қара, ҳамма қизлар оппоқ халатда, – дерди у баъзан ўқишдан қайтаётганларида. – Уларни бир-бирдан ажратиш жуда қийин. Тўғрими? Мен эса йўлимда учраган қизларни сенга таққослаб кўраман, холос. Аммо ҳеч бирлари сенга ўхшамайди. Гўзалликда, латофатда сенга тенг келадигани йўқ! Бемалол ҳаммаларини бир чеккага йиғиштириб қўйиш мумкин. Тўғри, мен уларга қарайман, лекин бирортасиям аҳамият бермайман, чунки диққатимни тортмайди. Ўлай агар, ёлғон гапирсам!».

Малика барибир унга рўйхушлик бермасди.

Ҳа, бугун ногоҳ ишхонасига кириб келган киши – ўша ошиқ Баҳром эди. У бир оз тўлишган, виқор билан юришини қўймаган, қарашлари жиддий туюлса-да, уни аввалдан яхши билган одам ҳамон нигоҳлари ўйнаб туришини пайқай оларди.

– Сени топиб келганимга ҳайрон бўляпсанми? – сўради Баҳром стулга ястаниб ўтираркан.

– Йўқ, нега ҳайрон бўлишим керак. Телевизорда кўриб қолгансизу... Қани, бир кўриб келай-чи, Тошкентда нима қилиб юрибдидикан, деб келавергансиз.

– Тўппа-тўғри, бирдан кўриб қолдим у ёнингга чопдим. Қарасам, Юнусободдаги бу поликлиника ҳақиқатан ҳам машҳур экан. Кўчада кимдан

сўрамай, дарров кўрсатиб беришди. Офарин! Малика Қўзиева... фамилиянгни тўғри айтдимми? Узр! Малика Қосимжонованинг иши бўлса керак. Қойил. Бунақа ишлар сенинг кўлингдан келади. Эсимда. Амалиёт ўтаётганинда ҳам врачлардан қолишмайди бу қиз, дейишарди. Ҳақ гап экан. – Баҳром хона ичига назар ташлаб бошини қимирлатди. Сўнг Маликага айёрона боққанича сўради: – Давлат ёрдам бераяптими ёки хомийларинг кўпми?

– Унисиям, бунисиям.

– Қойил, Малика. Бу ишлар ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Омадингни берсин.

– Раҳмат.

– Яхши. Демак, ишларинг зўр! Ҳа, айтгандай, эринг қаерда ишлайди?

– Шуни билгани келдингизми?

– Тўғрисини айтсам... сени кўргани келдим. Телевизорда кўрдиму юрагимдаги чўғ ҳамон ўчмаганини сездим. Ўзи... ростданам унутолмай юрардим.

– Энди бу гапларнинг фойдаси йўқ. Ундан кейин бола-чақали одамларга асло ярашмайди.

– Болалар ўз йўлига, Малика! Биласан, мен сени қаттиқ севардим. Ўйлаб кўрсам, ҳозир ҳам севарканман. Лекин шу пайтгача қаерда яшашингни билолмай юрардим. Қара, ниятим холис экан, яна топдим. Аммо мен... ўзимга ўзим қилдим, Малика. Сени мен-симаганим панд берди. Барибир менга тегади-да, деб ўйлабман. Ўшанда гапинга қулоқ солмай, совчи юборишим керак эди. Мен аҳмоқ тайёр ошни оғзимдан олдириб ўтирибман. Энди шундай алам қияптики, асти қўяверасан. Бунинг учун ўзимни асло кечиролмайман, кечиролмайман, Малика!

– Ўтган ишга салавот.

– Йўқ, ҳали ҳам кеч эмас, ҳаммасини бошқатдан бошлашимиз мумкин.

– Нималар деяпсиз? Мен кўчада қолганим йўқ. Худога шукр, бошимда эрим, олдимда уч фарзандим бор. Ҳовли бўлмаса-да, уч хонали квартирада яшайман. Бунақа гапни бошқа гапирманг. Агар... кечирасиз, мен ҳозир йиғилиш ўтказишим керак.

– Ҳайдаяпсанми? – жаҳли чиққан Баҳром аста ўрнидан кўзгалди. – Наҳот олдинда заррача ҳурматим йўқ бўлса?

– Ҳурматингизни қилиб кутиб олдим. Анча-мунча гаплашдик ҳам. Узр сўраб, мажлисим борлигини айтдим. Яна нима қилишим керак? – Энди анча ўзини тутиб олган Малика меҳмоннинг қизаринган кўзларига дадилроқ тикилди.

– Ахийри сени топдим. Буни бирор ерда ўтириб нишонламасак бўлмайди. Айт, қай пайт келай, Малика?

– Мен ҳеч қаерга бормайман. Ундан кейин бу ўтиришимизни бошқалар кўрса, нима деб ўйлашади?

– Сен у ёғидан хавотир олма. Биз ҳеч ким кўрмайдиган жойда ўтираемиз.

– Раҳмат. Менинг вақтим йўқ. Ишим бошимдан ошиб ётибди. – Малика ўрнидан туриб эшик томонга йўналди.

Баҳром ноилож унга эргашди. Аммо йўлакка чиқиш олдидан Маликанинг кўлидан шарт ушлади.

– Энди мени ҳайдаб кеткиза олмайсан! Мен эртага албатта келаман. Кўришгунча!

У шундай дедию кўзини қисиб қўйди ва шитоб билан хонадан чиқиб кетди...

Малика шулар ҳақида ўйларкан, Баҳромнинг бу ташрифи тинч, осойишга ҳаётига раҳна сола бошлаганини ҳис қилди. Юраги бесаранжон бўлди. Ахир бу

пайтда болажонларига қўшилиб дарс қилаётган ёки кундан кунга бўйи чўзилиб хуснига ҳусн кўшилаётган қизи Дилрабо билан пичир-пичир суҳбат қуриб ўтирган бўларди. Баъзида уларнинг гаплари ярим кечагача чўзилиб кетарди. Она қизига ҳавас билан тикиларди. Чиройига кўз тегмасин, деб ўзича дуо қилиб кўярди. Наҳот, бугунги учрашув буларнинг барчасига нуқта қўйса? Энди Баҳром қачон келиб қоларкин, деб юрагини ҳовучлаб ўтирадимми?

Малика ёнбошига ўгирилди. Баҳром эртага келса, нима дейман, қандай жавоб қиламан, деб ўйлаган сари ўйининг охирига етолмасди. Қайсар Баҳромнинг келиши эса – аниқ. Ишқилиб, қизининг бўйи етиб турган бир пайтда гап-сўзга қолмасайди. Агар бу миш-мишлар эрининг қулоғига етиб борса... Малика у ёғини ўйлашга кўрқди. Музаффарнинг ичи қора, рашк деганда биринчилардан борганми, сал нарсага «лов» этиб ёниб кетади. «Севган одам ўз ёрига ишониши керак, дейишади. Аммо бу кишини ҳеч тушуниб бўлмайди. Тавба, бир пайтнинг ўзида ҳам севиб, ҳам рашк қилиши мумкинми?» – хаёлидан ўтказди тинчини йўқотган аёл.

Маликанинг бундай олий туйғуларни ҳамон тушунолмаганича бор. Баҳромни ёқтирмагани тўғри. Аммо у Музаффарни ҳам севмаган. Фақат бу йигитнинг севгиси ҳақиқий – чин маънодаги ишқ-муҳаббат эканлигини сезгани, юрак-юрақдан ҳис қилгани учун ҳам турмушга чиқишга рози бўлганди. Янгилишмаган экан, Музаффар уни бутун борлиги билан суяди, еру кўкка ишонмайди.

Бешинчи курслигида учратиб қолган Музаффарни ҳам аввалига «ўткинчи ошиқ»лардан деб ўйлади. Бир кўришда ёқтириб қолиш, деган гапларга асло ишонмасди. Аммо бу нарса ҳаётда бор экан. Камгап, бироқ бир илҳоми келса, у ҳали эшитмаган алақандай китобий гапларни қалаштириб ташлайдиган Музаффар ҳам уни кўрибдию севиб қолибди. Кейин тез-тез келиб турадиган бўлди ва ҳар гал ўзи ёзган шеърлар билан қалбига оҳиста кириб келганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Китобни севган, айниқса, шеърлар ёза оладиган кишининг юраги ҳам тоза бўлади, деб ўйлаган Малика жаззаҳлик бу йигитнинг севгисини рад этолмади. Ўша севги кучи ҳамон сўнмаган, вақт ўтган сари аксинча, кучайиб, оловланиб борардики, охиروқибат бир қалбдаги меҳр-муҳаббат иккинчи юракка ҳам кўчган эди. Малика эрини севмаса-да, энди унга қаттиқ ўрганиб қолган, болаларининг отаси сифатида эъзозлар, ёру биродарларининг олдидан эса ҳурматини жойига қўярди. Кейинги йилларда яна бир нарсани ҳис қилди: Музаффар бирор вилоятга хизмат сафари билан кетгудек бўлса, бир оз жаҳли чиқадиган, йўқ кунлари эса соғинадиган бўлиб қолди. Нима бу? Малика аввалига тушунолмади. Кейин ўзича хулоса қилди: эрини яхши кўриб қолган. Соғиняптими, демак, яхши кўради. Наҳот? Шунча йилдан кейин-а?

Умуман олганда Музаффар тўғри айтган экан «Ҳечқиси йўқ, менинг севгим иккимизга етади» деб. Ҳар ҳолда яхши кўриш ҳам севгига яқинроқ туйғу-ку. Балки яна йиллар ўтиб эрини ҳақиқатдан севиб қолар. Ахир ҳаётда нималар бўлмайди.

Тўғри, бу кўҳна дунёда нималар бўлмайди. Мана шу бугунги воқеа ҳам ҳеч қутилмаганда рўй бердику. Баҳромни яна учратаман, деб асло ўйламаганди. Бироқ... «Қаёқданам телевизорга чиқдим-а?» дея ўзини ўзи қойиб бошлади. Аммо журналистлар ҳолижонига қўйишмади-да. «Яхши ишларни тарғиб қилиш

бизнинг вазифамиз!» дейишиб, бир ҳафтагача вақтини пойлашди. Охирги гапдан ўзи ҳам хижолатга тушди: «Ҳамма телевизорга чиқиш учун таниш-билиш қидирсаю сиз биздан қочиб юрсангиз.» Қараса, бўлмайди, ноилож розилик берди.

Мана, энди ўн беш дақиқалик кўрсатув деб оғирмаган бошини оғритиб олди. Агар шундай бўлишини билганида асло кўнмаган бўларди. Шунча йиллар ўтиб гердайган Баҳром ёдида қолибдими? Аллақачон унутиб юборган. Ишини ўйлайди, болажонларининг келажаги ҳақида қайғуради. Бошқа нарсаларни хаёлига келтирмасди. Аёл кишининг бахти оиласида! Энг муҳими, уни жони дилидан севадиган, меҳрибон эри бор. Майли, рашк қилса, қилаверсин. Севганидан кейин рашк ҳам қилади-да! Малика ана шуларни ўйларди.

Балки шу боисми, Малика Музаффарнинг бирор гапини икки қилмасди. Асаб касалликлари шифохонасида ишлаб юривди. Лекин орадан уч йилдан сўнг «Менга бу шифохонада ишлашинг тўғри келмайди, айниқса, кечаси навбатда қолишинг!» деб қолди Музаффар бирдан. Малика ўйлаб ўтирмади. Эри шуни хоҳлабдими, демак, райига қарши бормаслик керак, дедую шарт ариза ёзди. Шундоқ ёнгинасидаги поликлиникада шифокор бўлиб ишлай бошлади. Кейин тўрт йил ўтар-ўтмас бош шифокор бўлди-қолди. Кўнгли тўқ Музаффар эса ҳозир янаям меҳрибон. Малика йиллар ўтиб севги ҳам ўз кучини йўқотиб борса керак, деб ўйларди. Йўқ, янгилишган экан, Музаффарда бу туйғу аксинча, аста-секин кучайиб бараётгандай туюларди унга. Ҳа, эрдан ёлчиди.

Бироқ... Бугунги учрашув ёки Баҳромнинг эртага яна келиши тўғрисидаги гап-сўзлар Музаффарнинг қулоғига етиб борса нима бўлади? Ҳам севги дардига, ҳам рашк балосига бирдан мубтало бўлган эри ўзини ўзи еб қўйиши, анави шилқим Баҳром билан ёқа олишиши турган гап! Жаҳл устида бир нима қилиб қўйса...

«Туф-туф, Худо асрасин-а!» – Малика кўрқиб кетди. Бошини ёстиққа ташларкан кўзларини юмди. Лекин шу пайт йўлакда қадам товуши эшитилди. Малика эри келса ҳамон ухламаганини кўриб албатта гапга татишидан ҳадиксираб шарт ўрнидан турди. Қўлтиғига катта сочиқни қисиб ювиниш хонасига ошиқди. Эшик олдида... эри билан дуч келганда, ё тавба, сочиқни тушириб юборди.

– Ҳа, тинчликми? – сўради Музаффар бир оз хаяжонланаётган Маликанинг ҳолатини сезиб.

– Устимдан муздек сув қуйиб чиқмасам...

Малика эрининг олдидан секингина ўтди-да, ўзини ювиниш хонасига олди. У атай узоқ ювинди. Зора, чиққунимча ухлаб қолсалар, деб ўйлади. Ҳа, ўйи тўғри чиқди. Ётган жойида китоб ўқиган Музаффар аллақачон хуррак отарди...

\* \* \*

Поликлиникага ишга ўтибдики, азалдан мавжуд бўлган бир фикр уни жуда қийнади. Аваллари эътибор бермаган эканми ёки ўзи ҳам шунақа деб ўйлармиди, ишқилиб қулоғига чалинадиган: «Қўлидан иш келмайдиган врачлар ишлайдиган жой!» деган гапларни эшитиб эшитмаганга олиб кетаверди.

Дастлабки пайтлари унчалик билинмади, аммо кейинроқ бутунлай тоқат қилолмай қолди. Бош врач бўлиб ишга киришган биринчи куниданоқ бутун ўй-хаёлини поликлиникага бўлган бу совуқ муносабатни ўзгартириш керак, деган қатъий бир фикр қамраб

олди. Бу поликлиника ишини тубдан яхшилаш, малакали врачларни жалб этиш, одамларнинг тасаввури ва таассуротларини жиддий ўзгартириш дегани эди.

«Беморлар бу ерга ноиложликдан келишмасин, бунақада поликлиника ишини асло яхшилаб бўлмайди. Ўзимнинг, оиладагиларимнинг соғлиги ҳақида қайғурадиган жой, дейишмагунча бариси бекор. Шунга эришиш учун ҳаракат қилишим керак!»

Салкам уч йил ичида бормаган ташкилотию учрашмаган устозлари қолмади. Атрофдаги гап-сўзларга эътибор қилиб ўтирмади. Яхшилиқни, янгиликни кўра олмайдиганларга психолог дугонасининг доно маслаҳатлари билан яхши гапларни аямади. «Оилавий поликлиника» деган гаплар чиққандан кейин эса маҳалладагиларнинг муносабати ҳақиқатан ҳам анча ўзгарди. Энди бу ерга ҳатто соғ кишилар ҳам келишар, врачларнинг илиқ муомаласи, қўйинчаклиги, маҳалладагиларнинг соғлиги ҳақида доимий қайғуришлари ҳамманинг ҳавасини келтира бошлаган ва маҳалла оқсоқоллари бу ҳақида газетага ёзишар, телевидениега телефон қилишарди.

Бозор шароити, бозор муносабати деган ҳаракатга солувчи куч ҳаммани бирдай қимирлашга мажбур этгандай тиниб-тинчимас Малика энди юқори идораларнинг эшигини дадил очиб кирарди. «Сиз врачмисиз ёки тадбиркорми?» деган саволга «Мен тадбиркор врачман!» дея дангал жавоб қайтарарди. Бора-бора у шахсий ташаббус билан чиқиб, баъзи кичикроқ шифохоналар учун бемалол тенглаша оладиган оилавий поликлиника ярата олди. «Бу маскан ўз номига муносиб бўлиши керак. Даволаш клиникасининг ярим ишини бажармаса, оддий қишлоқ тиббиёт пунктидан фарқи қолмайди-ку. Қаерга бориб даволаниш кераклигини бизсиз ҳам беморлар яхши билишади. Мен поликлиникамизни чин маънодаги биринчи шифо кўрсатадиган даргоҳга айлантirmoқчиман. Хўш, сиз бунга қаршимисиз!» Малика масалани ана шундай жиддий кўярди.

Ишлар юришиб кетди. Катта мақсадларни режалаштираётган бош врачнинг бугунги нияти агар қонун чекламаган бўлса, поликлиникани давлат ихтиёридан чиқариб, хусусий даволаш масканига айлантirmoқчи эди. Ярим йилдан буён юристлар билан мунозара олиб бораётган Малика бир дунё муаммоларга, тўсиқларга дуч келса-да, кайфиятини туширмаган, бу қийинчиликларга табиий бир ҳол деб қараш керак, деб ўзини ўзи овулар эди.

Адлия вазирлигидан сўнг шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига ўтган Малика иши битмагач ортига қайтди.

«Давлат муассасасини ким сизга бериб қўяди?» деган саволни қайта-қайта беришди. Малика ҳам билганича жавоб қайтаради: «Агар поликлиникалар иши яхши йўлга қўйилса, шифохоналардаги беморлар сони икки марта камаяди. Одамлар, айниқса, бизнинг ўзбеклар қачон касал бўлиб, ётиб қолгандан сўнггина шифохонага боришади. Бу, айни ҳақиқат. Хўш, энди биргина беморни даволаш учун қанча дори-дармон кетади, нечта врач, қанча қариндош-уруғлар овораи-сарсон бўлишади? Агар поликлиникадаги врач ўз участкасидаги одамларни яқиндан билса, уларни соғлигида кўридан ўтказиб турса ва биз поликлиникаларни жаҳон андозаларига мос келадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозлай олсак, нур устига аъло нур эмасми?»

«Ишланг, ким сизга тўсиқлик қиляпти. Бизда соғлиқни тиклаш масаласи пулли эмас. Давлат поликли-



никасида ишлаб туриб ҳам ўзингизни кўрсатишингиз мумкин! Шифохонадаги беморлар сони икки марта камаяр эмиш-а. Хўш, шунча касалхонадаги врачлар ишсиз қолишса, қаерга боришади? Ҳар йили институтларни битириб чиқаётган минглаб талабалар-чи? Нега жимсиз? Бу давлат миқёсидаги масала. Сиз кимлигингизни унутманг. Бориб ўз ишингиз билан шуғулланинг!»

Ҳафсаласи пир бўлиб ишхонасига қайтган Малика столи устида бир кучоқ келадиган гулдастани, унинг ёнида турган каттагина шоколад қутисини кўрдию... баттар қони қайнаб кетди. Илдам бориб гулларни идишдан суғуриб олди ва бурчакдаги ахлат челақка қараб... отмоқчи эди, шайтонга ҳай берди. Енгилтаклик қилишни ўзига эп кўрмади. Котибани чақирди.

– Нега бу ёққа киритдинг?

– Жудаям қайсар одам эканлар-да, – ўзини оқлаган бўлди котиба нима дейишни билмай. Сўнг астагина кўшиб қўйди – Ўзлари икки-уч кундан сўнг кириб ўтарканлар.

– Яна маълумотинг борми?

– Яна... телефонингизни сўровдилар... бердим.

Энди бу гап ортиқча бўлди. Асаблари толиққан бош шифокор ишхонада эканлигини унутишга бир баҳия қолди. Агар кўзлари жовдираб турган котиба қиз нигоҳларини олиб қочмаганида, ўзи эса оғир бўл, деган ички бир нидога қулоқ тутмаганда анчагина аччиқ гап-лар оғзидан чиқиб кетиши аниқ эди.

– Агар яна бир марта шунақанги совғалар қабул қилсанг ёки эшитиб қолсам ҳам аризангни ёзавер. Тушундингми?

– Ҳа.

– Унда гулни ҳам, шоколадни ҳам хонамдан олиб чиқиб кет!

– Малика опа, – котиба қиз ишдан ҳайдалмаганидан севиниб кўзларини пирпиратганича бош шифокорга юзланди. – Мени кечиринг. Бошқа қайтарилмайди. Фақат жаҳлингиз чиқмаса бир гап айтсам. Биласиз, олдингизга жуда кўп меҳмонлар келади. Ҳар қалай... анча машҳур бўлиб қолдик. Конфетни уларнинг олдига кўярсиз. Ахир у... пора эмас-ку.

Малика жойига ўтирар экан, кечагина билим юртини тамомлаб келган чуваккина қизга синчиков назар ташлади. Бош врачнинг бир зум жим қолганлигини ўзича тушунган котиба орқасига юришдан аввал сўради:

– Кетаверайми?

– Мен айтган нарсаларни олиб кет!

Котиба индамай ишни бажарди.

Малика беихтиёр ўйга толди. «Наҳот энди тинч қўймаса?... Бунинг устига телефонимни ҳам билиб олибди. Шу етмай турувди. Ҳали уйимникиниям ёзиб олган бўлса-я?» Котибани чақириб сўрамоқчи бўлди, аммо фикридан қайтди. Ўрни келганда билиб оларман, деди ичида. Лекин у ўзини ҳар қанча хотиржам тутишга уринмасин, хаёлига бостириб келаётган талабалик йилларидаги ўйлардан қочиб қутулолмади.

«– Нима қилсам менга тегасан, Малика?» – сўради Баҳром бир куни унинг йўлини тўсиб.

Бироқ тақдирнинг тақозосини қарангки, орадан шунча йиллар ўтиб у Маликанинг ҳаёт йўлида яна «лоп» этиб пайдо бўлди. Бу нима, тасодифми ёки пешонасига шундай бўлиш азалдан битилганми? Баҳром ўшанда нега «Қаерда бўлсанг ҳам излаб топаман. Қани, ўшандам қаршилиқ қилиб кўр-чи!» деган экан-а? Нима, барибир излаб топишини олдиндан билганмикин, ё шунга умид қилиб юрганмикин?

Нима бўлганда ҳам Малика бу учрашувни кутмаган эди. Турмушга чиқаётганда ҳам, ундан кейинги йилларда ҳам қорасини кўрсатмаган Баҳром унинг хаёлидан кўтарилган, талабалик пайтларидаги воқеаларни эса йигитларнинг шўхлигига, билиб-билмай қилган ошиқона ҳазилига ёхуд нари борса, уларнинг аламига йўйиб қўйганди холос. Лекин ёлғон бўлмасин, бир марта ўйлади. Ўйлаганда ҳам жуда кўрқиб кетди. Унда асаб касалликлари шифохонасида ишларди. Эрталабданоқ «Сизни вазирликдан чақирингиз!» деб қолишди. Малика ўзи билмаган ҳолда ҳаяжонга тушди. «Вазирликдан келишибди» деса, бўлим бошлиқларидан тортиб касалхона бош шифокоригача оёғини қўлга олиб қолишарди. Шундан билардики, у ерда катта билимга, салоҳиятга эга бўлган тажрибали, шу билан бирга жаҳлдор ва қаттиққўл раҳбарлар ишлайди. Улар билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб гаплашиш даркор. Яхшиси, вазирликдан узоқроқ юрган маъқул.

Бундай гапларни кўп эшитган Маликанинг юрагини ваҳима эгаллади. Вазирликдан ким чақиртириши мумкин? Нима масалада? Бунинг устига нега дарҳол етиб бориши керак?

– Ким экан телефон қилган? – ниҳоят ўзини қўлга олиб сўради Малика.

– Шодиқулов, – қисқагина жавоб қилди бош шифокор бир оз норози оҳангда.

– Шодиқулов деганлари ким, домла? – зўрға ботиниб сўради Малика вужудидаги титроқни босолмай.

– Билмадим, янги ишга келганмиш. Вазир ёрдамчиси экан.

Бу гапни эшитган Малика баттар кўрқиб кетди.

– Сизга нима бўлди, Қосимжоновна?

Қўл остидагиларни фамилияси билан чақирингизга одатлаган бош шифокор ранги оқарган Маликага ҳайрон бўлиб тикилди.

Малика бир зум жойида туриб қолди. Бош шифокор саволини қайтаргандагина ўзига келди. Узр сўраб, ташқарига чиқди.

«Шодиқулов? Ахир бу Баҳромнинг фамилияси-ку!» Қайси бир курсдошдан эшитгандай бўлвди, Баҳром вазирликка ишга келяптикан, деб. Наҳот, рост бўлса? Агар бу гап тўғри чиқса, Баҳромнинг менга кун бермаслиги аниқ. Ана энди, аламини олишни бошлади. Бир вақтлар айтгандай, тегмаганимга пушаймон қилади. Ёки ишимдан бўшатиб юборармикин? Э, Худо, бу не кўргилик, – ўйлаганди ўшанда Малика вазирликка етиб боргунча, – Тинчгина ишлаб турувдим-ку. Ниётига етолмаган аламзада йигитни нечун яна рўпарў қилдинг? Айт, гуноҳим не?»

Малика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қандай етиб келганини билмайди. Мухташам бино унинг нозик ва айни пайтда титраб-қақшаб турган қалбига баттар кўрқув солди. Бироз баланд зинапоядан кўтарилиш анча қийин бўлди, ҳатто энди чиқиб бўлай деганида оёқлари чалишиб йиқилиб тушишига бир баҳия қолди.

«Наҳот, одамзод шунчалар оғир бўлса?»

Бинога кириб чиқаётганларнинг тикилиб турганлигини кўриб уялиб кетди. Унинг учун бу ерга етиб келиш ҳам, зинадан чиқиш ҳам бирдай туюлди. Ичкарига қадам босиш эса ундан-да қийин кечди. Бир кўнгли қайтиб кетишга ундарди: «Кимга рўпара келаётганингни билияпсанми? Яна қандай лавозимдаги одамга-я! Нақ вазирнинг ёрдамчиси экан-ку. Шошма, яхшиси, ортинга қайт. Сени кўрса, эски дардлари яна кўзиб,

дилигни вайрон қилади. Ундан кўра ишингни ҳам йиғиштир-да, ариза ёзиб, бўшаб кет!»

Энди ортага юрганда қандайдир куч тўхтатгандай бўлди: «Шу ерга келганда қайтиб кетасанми? Кир, кир-равер, кўрқма! Ёрдамчи вазир эмас-ку».

Малика ниҳоят ичкарига қадам босди. Навбатчидан Шодикуловни сўраганда эса... у на кулишини, на йиғлашини билолмай узун йўлакнинг бир четида узоқ туриб қолди.

Шодикулов деганлари бутунлай бошқа одам экан, яъни ўздан уч йил аввал ўқишни битирган йигит бўлиб, унга бир-икки гап отган, аммо Малика томонидан «Безори» деган танбехдан сўнг «Бор-е!» деб қайтиб гапирмай қўйган, лекин яқинда касалхонада яна ногоҳ учратиб, ўзини таништириб қўйишга чақиртирган экан. Малика ҳеч нарсага тушунмади.

– Тўғриси, сизга миннатдорчилик билдириб қўймоқчи бўлдим?

– Нега? – баттар тажжубланди Малика.

– Опамларга яхши қарабсиз.

– Опангизга?

– Ўтган ой Саидмуродова деган беморни даволадингизми?

– Ҳа.

– Ўша аёл манинг опам бўладилар. Сизни танидим, аммо касалхонада гапириб ноқулай ҳолатга қўймай дедим. Мана, энди, бемалол гаплашсак бўлади.

– Аксинча, ҳозир ноқулай вазиятга тушиб қолдим.

– Нега?

– Чунки, мен кундалик ишимни бажардим холос. Бунинг учун вазирликка чақиртириб алоҳида миннатдорчилик билдириш шарт эмасди.

– Танишиб қўйсак, ёмон бўлмас. Ҳа, айтгандай мендан нима ёрдам керак бўлса, тортинманг. Мана бу, визиткам. Любой пайтда телефон қилаверинг.

Малика бу ерда кўп қололмади, вазирлик биносидан ғалати бўлиб чиқди. Зинадан тушаётганда эса қадамлари оғирлашганини сезиб «Тавба» деб қўйди ўзига ўзи...

Бироқ, айна пайтда ҳам унинг бутун вужудига кўрғошин қўйилганга ўхшарди. На иши кўпаяди, на юриши. Шу боисми, кўп нарсага етадиган ақли, энди қандай йўл тутиш кераклиги ҳақида аниқ бир қарорга келишга ожиз. Воқеа чигаллашмай, чуқур илдиз отмай туриб эрига айтсамикин? Балки тўғри тушунар. Ахир турмушга чиқишдан олдин Музаффарга шунга ўхшаш гапларни бемалол айтган-ку. Агар янглишмаса, «Менинг орқамдан жуда кўп йигитлар юришади. Улар ичида ғолиб бўлиш сизга насиб этармикин?» деганди.

– Сиз албатта меники бўласиз! – доим қатъий фикр билдирарди Музаффар.

Малика бу гапларни эслар экан, мийиғида кулиб қўйди. Чунки ўшанда ичидан биринчи марта «Шу мулоҳазали, оғир-босиқ йигитга эрга тегсаммикин» деган ўй ўтганди. Бундай олиб қараганда шу арзимас хаёл кейинчалик унинг ҳаётини ўзгартириб юборди: Музаффар ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлди ва охири-оқибат унга турмушга чиқди. Ҳозирча икки ўртадаги ўзаро ишонч унинг қалбида доимий хуш кайфият уйғотарди. Ишидаги қийинчиликлар, ҳечам тугамайдигандай туюладиган муаммолар асабларини толиқтирса-да, уйдаги меҳр-муҳаббатга тўла вазият бирдан юрагини тўлқинлантириб юборарди. Ойижон, дея гирдикапалак бўладиган болажонлари жонига оро киради. «Келдингми, соғинтириб юбординг-ку» дея эҳтирос билан қўлоғига пичирлаб қўядиган эри

бутун чарчоғини ёзиб юборади. Баъзида дам олиш кунлари айланишга чиқиб Музаффарни оҳиста қўлтиклаб олганда эса янада яйраб-яшнаб кетгандай бўлади...

Малика хаёллар дарёсига ғарқ эди. У бир Баҳром билан бўладиган тўсиқлар ҳақида, бир эса бу гап-сўзлар Музаффарга етиб боргудек бўлса, эрига нима ваз кўрсатиш тўғрисида тинимсиз ўйларди. Бугунги югур-югури, иши битмай кайфияти бузилиб қайтгани эсидан чиқиб ҳам кетди.

\*\*\*

Кутгандан ёмони йўқ. Хоҳ дўстми, хоҳ душманми, шарт келиб-кетгани маъқул. Бўлмаса, одамнинг диққати ошиб бирор касаллик орттириб олиши ҳеч гап эмас. Бутун ўй-фикрлари алғов-далғов бўлиб кетган Малика ҳафтани хавотир билан ўтказди. Хонасининг эшиги очилса бўлди, дарров у томонга юзланади. Ногоҳ телефон жиринглаб қолса ҳам чўчиб тушади. Лекин унинг бу хатти-ҳаракати Баҳромдан кўрқаётганини англамасди. У ҳамкасбларининг олдида ноқулай аҳволга тушиб қолмай, дея хижолат тортарди, холос. Катта бир поликлиникадаги ходимларнинг деярли барчаси хотин-қизлар. Эрталабки салом-алиқдан сўнг яхши-ёмон хушхабарлар шунчалик тез тарқалдики, Малика ҳайрону лол.

Бўлмаса у бош шифокор сифатида хонама-хона гап ташиб ёки миш-миш тарқатиб юрадиган учта ҳамширани аллақачон ишдан бўшатиб юборган. Қатъий тартиб-интизом ҳам ўрнатган. Аммо... бу аёллар қачон бир-бирлари билан гаплашишга улгуради, у ҳечам билолмасди.

Аслида гап-сўзлар ҳам майли, бундай олиб қараганда барчаси арзиманган майда-чуйда оилавий можаролар. Маликанинг хавотир оладиган жойи аёлларнинг зийрак ўткир кўзлари. Бу нигоҳлардан ҳеч нарса қочиб қутулолмайди. Бегона эркак бир марта, бор ана икки марта келиши мумкин, лекин учинчи бора ташриф буюрдими, демак, «Бир балоси бор» дейишади.

Ҳамма гап ана шу «бир балоси»да. Бало ўз номи билан бало. Кишининг тилини қисадиган, обрўига путур етказадиган, соғлигидан айириб, тўшакка михлайдиган, охири-оқибат эса ақл-хушидан кетказадиган бу бало – энг хавфли душман. Оддий миш-мишдан бошланади-да, катта жанжал билан тугаши ёки қўйди-чиқдига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун бундай балодан Худонинг ўзи асрасин!

Маликани ташвишга солаётган нарса ҳам шунда. Баҳром бу ерда кўп ўралашмаслиги керак. Агар ҳадеб келаверса, гап-сўз тарқалиши аниқ! Шунинг учун Баҳром яна келгудек бўлса, яхши гапириб орқасига қайтариб юбораман. Агар кўнмаса, хотинингизга айтаман, десам зора обрўсини ўйлаб келмай қўйса, деб хаёл қилганди. Баҳром эса яхши гапга кўнадиганлардан эмас эди. У қандай шитоб билан хонага қадам қўйган бўлса, шундай тез Маликанинг ёнида пайдо бўлди. Ўпиб кўришишга чоғланди: Маликанинг елкаларидан ушлаб ўзига тортди. Бироқ кутилмаган зарбдан орқасига гандираклаб кетди.

– Вой-бў, намунча кўрқмасанг...

Баҳром келибоқ Маликани хафа қилишдан чўчиб тилини тиллади. Кейин ҳеч нарса юз бермагандай бо-риб диванга ўтирди.

– Тўғриси айт, орқангдан қанча юрдим. Икки йилча сарсон қилдинг-а? Энди ҳайдама мени. Сендан ажраладиган аҳмоқ йўқ.

– Нима деганингиз бу? – жойига ўтираётган Малика Баҳромнинг чақчайган кўзларига бир қараб қўйди.

– Буми? Бу сенга уйланмоқчиман, деганим.

– Оилангиз йўқми?

– Бор! Аммо хотинимга ажрашаман, деб келдим.

Уни ҳеч қачон севмаганман, сева олмайман ҳам. Мен йўқотган муҳаббатимни қайта топдим. Тушундингми? Қай-та топ-дим. Энди уни йўқотишни истамайман. Шунинг учун сен ҳам ажрашасан! Ва биз янги оила қурамыз.

Малика кулгудан ўзини аранг босди.

– Ақлингиз жойидами, ишқилиб? Бу гапни қаердан олдингиз?

– Аввал жойида эмас эди. Худога шукур, ҳозир жойида. Айниқса, сени яна кўриб қолганимдан буён жуда тиниқлашиб кетган.

– Бошимда эрим, атрофимда учта фарзандим борлигини айтганмидим. Мен уларнинг юзига оёқ босадиган аёллардан эмасман. Бунақа кўрнамаклик қилиш менинг табиатимга тўғри келмайди, Баҳром ака. Сиз ҳам шайтоннинг гапига кирмай, оилангизга қайтинг? Обрўингизни ўйланг.

– Сен мени аврамай қўя қол. Аввал эди кўнглингга қараганим. Бунинг учун ҳамон ўзимни кечира олмайман. Ношудлик қилмаганимда балки мен ҳам одамларга ўхшаб бахтли ҳаёт кечираётган бўлардим.

– Нечта фарзандингиз бор?

– Тўртта.

– Тўртта фарзанди бор ота, бахтсиз бўладими?

– Хотиндан ёлчимадим, бахтсизлигим шунда, Малика. Аслида сенга аччиқ қилиб шарт уйланиб кетувдим. Ҳаммаси ҳам аёл-ку, туғишни билса бўлди-да, деб ўйлабман. Бироқ қаттиқ янглишган эканман. Хотинним сал-пал яхши кўриш керак экан. Ёшлиқда билинмас экану, аммо ёшинг ўтаверган сари... айниқса, атрофингда қизлар гирдикапалак бўлса... бошинг ҳам айланиб қоларкан. Мана шунақа пайтда керак бўлар экан севги-муҳаббат. Агар хотинингни севсанг, атрофдагиларга эътибор ҳам қилмайсан, мабодо кўнглинг йўқ бўлса... Э, нимасини гапирай. Лекин сени Худонинг ўзи йўлиқтирди менга. Тўғрисиям, кейинги вақтларда сени кўп ўйлаётган эдим, қаердан қидирсам экан, деб бошимни қотирардим. – Баҳром бир оз тин олгач, гапиди давом этди. – Жиззахга кетиб қолгансан, деб хавотирда эдим. Буни қара, Тошкентда экансан. Сени топганимдан беҳад шодман. Тўғриси, хурсандлигимни чеки йўқ. Энди, яна бир тилагим қолди холос.

– Нима экан у? – ажабланиб сўради Малика.

– Сенга уйланиш.

– Илтимос, кулгумни қистатманг. Бу ниятингиз ҳеч қачон амалга ошмайди.

– Ошади!

– Ошмайди!

– Гаров боғламоқчимисан? – Ўрнидан туриб столга яқинлашди Баҳром. Сўнг икки қўлини унга тираб Маликага бир зум тикилиб қолди. «Йўқ» деган жавобни эшитгач, яна жушқин кайфиятда гапини давом эттирди: – Унда тортишма. Бу сафар аҳдим қатъий. Мен телба ошиқдан хафа бўлмайсан. Энди, менсимаганинга қараб ўтирмайман.

Малика қайсар Баҳром билан баҳслашиб, гапни кўпайтириш бефойда эканлигини тушунди: тезроқ хайрлашмаса, бўлмайди. Нима қилса экан-а? Бундан ортиқ яхши гапириш мумкинми?

– Хўш, таклифимга нима дейсан? – қайта сўради Баҳром столга ўрнашиброқ ўтираркан.

– Яхши, эрим билан маслаҳатлашиб кўрай-чи.

– Нима, энди майна қилишга ўтдингми? Керак бўлса, эринг билан ўзим гаплашаман.

– Қўрқмайсизми?

– Нега қўрқим керак! Сени яхши кўришимни, аввалдан мен билан юришингни, шу пайтгача учрашиб туришимизни айтай-чи, қандай кўйга тушаркин.

– Ҳали шунақа тўхмат ҳам қиласизми?

– Агар тегмасанг... бундан баттар бўлиши мумкин.

– Сизни одам деб ўйлагандим.

– Майли, нима десанг ҳам. Лекин қайсарлик қилма.

– Кетинг бу ердан!

– Тегмайсанми?

– Ҳеч қачон.

– Унда мен билан юрасан!

– Нима! – Малика сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Қизишма. Яхшилаб ўйлаб кўр, ҳар замонда учрашиб турсак, олам гулистон. Сенга кўлимдан келгунча ёрдам бериб тураман, ҳеч нарсага зориқмайсан...

– Агар ҳозироқ кетмасангиз, одамларни чақираман.

– Чақир, чақиравер. Жанжаллашсак, кимга фойдаю кимга зиён. Билиб қўй, мен ҳеч нарса йўқотмайман. Сен эса жуда кўп нарсалардан айрилиб қолишинг мумкин. Эринг, болаларинг, ишхонангдан, маҳалла-кўйдаги обрў-эътиборингдан... санаверайми? Кейин афсус қилганингнинг фойдаси йўқ, Малика. Хотинимга сен билан ажрашаман, деб келганман. Ҳатто Тошкентдан иш ҳам топиб қўйдим. Танла: иккидан бири, ё менга тегасан, ёки...

– Ростдан ҳам мени севасизми? – сўради бирдан юмшаб қолган Малика.

– Севмасам, шу гапларни гапирармидим, Малика, – Баҳром қандай қилиб тик турганини ўзи ҳам билмай қолди. – Аҳмоқ бўлиб Янгийўлдан келармидим, ишқингда адои-тамом бўлдим-ку.

– Унда, сиздан биргина илтимосим бор.

– Бош устига! Биттамас, мингта бўлсаям гапирарвер!

– Мени тинч қўйинг, шунда сиздан кўпроқ миннатдор бўламан. Хаққингизга дуо қилиб юраман.

– Йўқ, бу илтимосингни бажара олмайман, – Баҳром ўзини стулга ташлади. – Қўлимдан келмайди. Эндиям ношудлик қила олмайман. Агар таклифимга рози бўлмасанг... эрингни ўлдириб кетишдан ҳам тоймайман. Қамалсам, йўлини қилиб уч-тўрт йилда қутилиб чиқаман-да, барибир олдингга келавераман. Энди мендан ўлиб ҳам қутила олмайсан! Бир марта эди, ҳайдаганимга аччиқ қилиб кетиб қолганим. Бас, энди аҳмоқинг йўқ!

– Биринчидан, эримни ўлдириш қўлингиздан келмайди, – Малика хотиржам гапирди. – Иккинчидан, эрсиз қолганимда ҳам ниятингизга етолмайсиз.

– Мен бу гапларни сени қўрқитиш учун айтаётганим йўқ. Олдингга аввалги ландавур Баҳром тургани йўқ.

– Гапириб бўлдингизми?

– Нимаиди?

– Мени ишдан қўйяпсиз.

– Розимисан?

– Сиздан нафратланаман!

– Нафратланасан?! Нима учун?

– Мард эркак бировнинг аёлига кўз олайтирмайди. Ундан кўра ўз хотинининг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилади. Фарзандларига тарбия беради, улар-

га тўғри йўл кўрсатади. Одоб-ахлоқ бобида намуна бўлади.

– Фалсафангни қўйсанг-чи, Малика. Мен бу ерга лекция эшитгани келганим йўқ. Бир вақтлар кўлдан чиқариб юборган муҳаббатимни қайтариб олиш учун келдим, билдингми? Энди бу йўлда менга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Бир марта!

– Агар тўғри маслаҳатга кўнмасангиз, ўзингиз биласиз. Бироқ мен энди сиз билан бошқа гаплашмайман.

– Гаплашасан. Гаплашишга мажбур қиламан. Обрў учун, болаларингни келажаги учун шундай мажбур бўласанки...

– Сиз ҳақиқатан ҳам нафратга лойиқ одам экансиз. Сизни танламай тўғри қилган эканман.

– Ҳали шунақами? Нафратланадиларми? Нафрат қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман, сенга! Ундан кўра таклифимга рози бўл. Ҳар замонда бир учрашиб турсак, тинчгина яшайверасан. Мени бошқа...

Баҳромнинг гапи оғзида қолди. Шу пайт эшик очилиб ўрта ёшлардаги жувоннинг хижолатомуз юзи кўринди. Малика аёлни ўйлаб ўтирмай ичкарига таклиф қилди. Гапи чала қолган Баҳром нима қиларини билмай лабини тишлаганча Маликага қаттиқ тикилди. Сўнг ноилож эшик томон юраркан, ғарибона бир товушда деди:

– Сиздан илтимос, дўхтир, дардимга шифо топинг? Бўлмаса, телба бўлиб қолишим ҳеч гапмас. Мен яна келаман.

Эшикни очган аёл дарди оғир «бемор»га йўл берди. Малика қимматбаҳо халатга тўлишиб турган, калта сочлари хафсаласизлик билан таралган, юзлари бироз сўлғин, рангпар аёлдан миннатдор бўлса-да, аслида у шу тобда ёлғиз қолишни, ўзини сурбетларча тутган Баҳром билан бўлиб ўтган суҳбатни қай тарзда кечганлигини, нималарни айта олдию ўйлаб қўйган қайси гаплари ичида қолиб кетганлигини қайта хаёлидан ўтказмоқчи, ўзича мулоҳаза қилиб кўрмоқчи эди. Кўзларини лўқ қилиб ўзининг шаҳвоний ҳис-туйғуларини яшира олмаган, димоғи баланд ошиқнинг олдида ғурурини, номусини сақлай олдимми ёки ранглари оқариб шалвираб қолдимми? Таклифига нима деди? Жавоб қайтара олдимми?

Малика кўринишидан ўттиз ёшлар чамасидаги жувонни ўтиришга таклиф қилди, аммо ўзи хаёлида кетма-кет чақмоқдек «ялт» этиб пайдо бўлаётган саволлар гирдобидан қутулолмади. Бош шифокорнинг ўйчан ҳолатини гапларимни диққат билан тингламоқчи чоғи, деб тусмол қилган жувон дардини шошмасдан тўкиб соча бошлади. У кўлидаги кичкина рўмолчани қайта-қайта тахлар, ҳар замонда гапираверайми, дегандай шифокорга тезгина нигоҳ ташлаб олар, баъзан ийманиб, баъзида эса фикрини очиқроқ ифодалашга тиришар эди.

Малика аёлнинг узул-юлуқ гапларидан исми Назокатлигини, эндигина йигирма уч ёшга кирганлигини, бефарзандлиқдан алам чекавериб юракбағри эзилганини ва яқинда поликлиника атрофидаги «Бўстон» маҳалласига кўчиб келганини англаб олди. Лекин унда ҳеч қачон бундай бепарво муносабат бўлмаган эди. Келган ҳар бир беморни иложи борича қабул қилишга, касалини аниқлашга, даволанишига ёрдамни аямасди. Энг муҳими, майин табассуми ва бир оғиз ширин сўзини асло дариф тутмасди. Бу сафар унга нима бўлди? Ие, бармоқлари

нега титраяпти? Ҳали ранги ҳам оқариб, кўриниши бир ҳолатдадир?

Малика ўрнидан туриб кетганлигини сезмай қолди. Бу пайтда гапини тамомлаб бош шифокорнинг оғзига қараб турган Назокат ҳам беихтиёр жойидан кўзгалди.

– Нима маслаҳат берасиз, опа?

– А-а! – савол Маликани хушёр торттирди. Ноқулай вазиятга тушиб қолганини сезиб дарҳол кўлига қалам олдида бир парча қоғозга нимадир ёзди. Сўнг жилмайишга ҳаракат қилиб деди: – Гапингизни тушундим, синглим. Мен бир танишим билан гаплашиб кўраман. Эрта-индин вақти бўлса, бориб учрашасиз.

Бош шифокорнинг ҳолатига тушуна олмаган Назокат қайта-қайта «рахмат» айтиб чиқиб кетди. Малика ўрнидан турганда шкафнинг ичидаги катта ойнага ўзини солмоқчи эди. Шу тобда бу нарса хаёлидан кўтарилди – аста юриб келиб ўзини диванга ташлади.

«Демак, бу сафар келишида асл қиёфасини намоян қилди. Аввалига севаман, деб яхши гапириб кўрди, бўлмади. Кейин қўрқитишга ўтди, эпполмади. Энди эса... ҳар замонда учрашиб турсам бўлди, эмиш. Вой, аҳмоғ-ей! Ўзини ким деб ўйлаяпти? Демак, у аввалдан ҳам севаман».

Малика хаёлан ўзи билан ўзи гаплаша бошлади. Бироқ бирдан эшик очилиб котиба қиз ичкарига мўралади.

– Нима гап?

– Агар манда зарур ишингиз бўлмаса...

– Тинчликми?

– Тикувчимникига ўтиб келмоқчидим. Кейинги ҳафта... дугонам турмушга чиқаяпти.

Малика нима ҳам дерди. Тўйга янги кўйлак кийиш керак, албатта. Айниқса, келиннинг ёнида юрадиган бўлса... Рухсат олган Барнонинг кўзлари порлаб кетди. Эшик қандай очилган бўлса, шундай оҳиста ёпилди. Малика орқасига суянди. Кўзларини юмди. Бироқ хаёлига келган аёвсиз фикрдан унинг шаҳло кўзлари чарақлаб очилди.

«Тўхмат қилса-я?!»

Маликанин ғуруридан асар ҳам қолмади, у тўхмат тошининг зарбини яхши билар, ҳаётида бундай балога учраган одамлар билан кўп гаплашган, уларнинг аянчли тақдирдан, ғам-ғуссага ботган қора кунларидан хабардор ҳам эди. Бу офатдан Худонинг ўзи асраманса, жуда қийин. Банданин кўлидан баъзан ҳеч нарса келмайди. Унинг қаршисида шундай ночор аҳволга тушиб қоладики, ҳақиқатни рўёбга чиқаргунча она сути оғзига келади. Гоҳида курашиб мағлуб бўлиш ҳам ҳеч гапмас...

\*\*\*

Кузнинг изғирин шамоли таъсир қилдимми, хонага кирган Малика анчагача плашини ечмай ўтирди. Ишни нимадан бошлашни ўйлади. Аслида у эртанги бажариладиган юмушларни қоғозга ёзиб кетишга одатланган эди. Бунга ўргангани учун эрталаб режа тузишга бош қотирмас, келардию ғайрат билан ишга киришиб кетарди. Мана уч кундирки, столи устидаги қоғоз оппоқ. Унда на бирор белги, на бирор сўз йўқ.

Ногоҳ эшик тақиллади. Малика бошини кўтарди.

– Редакциядан келишибди, Малика опа. – деди котиба қиз ичкарига киргач негадир мамнун қиёфада, – Хотин-қизлар журналидан экан.

– Шунинг учун хурсандмисан?

– Ахир биз тўғримизда ёзишса, ёмонми?

Маликанинг қошлари туташди. Унинг мухбирлар билан учрашишга, газета ёки телевиденияга интервью беришга умуман хоҳиши йўқ эди. Ҳаётида бир марта телевизорда кўриндию бошига бир дунё ташвиш ортириб олди. Энди ундан қутулолмай юрганда, яна нима си бу?

«Шу етмай турувди, – ўйлади Малика ноилож ўрnidан туриб плашини ечаркан. – Журналдан келишган бўлса, ҳойнаҳой расм ҳам сўрашади. Агар суратим Баҳромнинг қўлига тушиб қолса... яна келишини давом эттираверади. Эй, йўқ, менга ҳеч қанақа мақтов керак эмас!».

– Кирсинларми?

Жойига келиб ўтирган Малика бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг чуқур «ух» тортди-да, котибага юзланди.

– Майли, кирсин-чи.

Малика тўғри ўйлаган экан. Журналда бўлим бошлиғи бўлиб ишлайдиган ўрта ёшлардаги аёл атай ўзи келибди, очерк ёзармиш, тадбиркор аёл, тажрибали шифокор, меҳрибон она сифатида таърифлаб каттагина суратни ҳам босиб чиқарармиш. Ўзини Сожида Бону деб таништирган мухбир аёл бир зумда ёзилажак очеркнинг мазмунини айтиб, қаҳрамонини қизиқтира олдим, деб ўйлади. Бироқ, бош шифокорнинг ўйчан қиёфаси уни лол қолдирди. Кўпни кўрган мухбир аслида очерк қаҳрамонини бироз уялишини (номига бўлсада), журналнинг муқовасида катта рангли сурати берилишини эшитиб кўзлари севинчдан порлашини, поликлиникадаги яхши ишларни кўрсатишга шошиб қолишини кутганди.

Лекин Малика хотиржам эди. Гўё ёнига ҳеч қанақа мухбир келмаган, аксинча, қандайдир бемор ташриф буюриб ўз дардларини шоша-пиша айтмоқдаю шифокор унинг сўзларини жимгина, сиполик билан эшитиб ўтирибди.

– Хўш, нима дейсиз. Режам сизга маъқулми? – Ниҳоят ҳамроҳининг фикрини билишга қизиқди мухбир.

– Очерк деганларида мақтов кўпроқ бўлади-да. – Малика мухбир аёлга синчков назар ташлади.

– Нима, бу ёмонми?

– Йўқ, ёмон эмас албатта. Лекин мен сизнинг муаммоли мақола ёзишингизни истардим. Яъни...

Шу пайт котиба қиз чой кўтариб кирди. Малика гапни нимадан бошлашни ўйлагунча яна чиқиб келган Барно қўлидаги шоколад қутини диван олдидаги мўъжазгина ишланган хонтахта устига қўйди, чойнакдаги иссиқ чойни икки марта қайтарди. Кейин майин табассум ила бош шифокорга юзланди.

– Малика опа, диванга ўтиб бемалол суҳбатлашинглар. Қани, меҳмон, марҳамат!

Маликанинг юзига ним табассум югурди. Ўрnidан тураркан, мухбир аёлни диванга таклиф қилди. Котиба аввал меҳмонга, сўнг мезбонга худди келинлардек чиройли қилиб чой узатди. Бош шифокор яхшилаб ювилган, эримай артиб-тозаланган чойнак-пиёлага разм солиб қўйгач, аста гап бошлади.

– Очеркни мен тўғримда эмас, аксинча, мени қийнаётган масалалар, олдимда турган муаммолар ҳақида ёзсангиз. Ёки бир текширув ўтказсангиз, буни сизларда журналист тадқиқоти ёки журналист текшируви деб аташади. Яъни шу кейинги икки йил ичида поликлиникамизга қарашли маҳаллалардан шаҳар шифохоналарига нечта бемор мурожаат қиладию уларнинг қанчаси ётиб даволанди. Агар иложини қилолсангиз, ўша беморларнинг ётган кунларини, даволанишга қилинган сарф-харажатларини ҳам ўргансангиз. Кей-

ин уларни аввалги йилларга таққослардик. Менимча, шунда масала ойдинлашади-қўяди. Биз яхши ишлаган бўлсак, демак, худудимиздан камроқ беморлар борган, агар ишимиз қониқарсиз бўлса, шифохоналарда ётганлар сони кўп. Бу тадқиқот мен учун жуда зарур, Сожидахон.

Маликанинг ҳолатида ўзгариш бўлди. Ҳар замонда чойдан хўплаб қўяркан, юрагининг тубига чўккан шижоати, ғайрати аста юзага чиқа бошлади.

– Тунов куни вазирликка боргандим. Катта амалдорлардан бири, биз поликлиникаларни қисқартиш устида иш олиб бораёямиз. Маълумингизким, бозор иқтисодиёти шароитида иложи борица воситачилардан воз кечишга ҳаракат қилинади. Демак, биз ҳам ўз соҳамизда воситачилик вазифасини ўтаётган поликлиникалар хизматини кескин равишда қисқартиришимиз керак. Бу янги давр талаби. Бемор касалини текшириши учун поликлиникага қатнаши, навбат кутиб вақтини бекорга сарф қилиши шарт эмас. Эндиликда улар тўғридан-тўғри касалхоналарга бориб бемалол мурожаат қилаверишлари мумкин. Агар шунга эришолсак, биласизми, қанча штатларни қисқартиришимиз, давлатнинг миллионлаб маблағларини тежашимиз мумкин, деб қолдилар.

Лекин мен бошқача фикрдаман. Тўғри, ёмон ишлаган поликлиникалар йўқ эмас. Уларда тепса тебранмас, қуруқ йўл-йўриқ кўрсатишдан бошқасига ярамайдиган врачлар ҳам бор. Бироқ бу барча поликлиникаларни қисқартириш, бутунлай йўқ қилиш дегани эмас-ку. Балки уларнинг ишини қайта кўриб чиқиш керакдир, участка шифокорларининг масъулиятини ошириш лозимдир. Зарур бўлса, аттестация ўтказишсин, сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб боришсин. Ахир бу каби ишлар вазирликда ўтирган ўша амалдорларнинг биринчи галдаги вазифаси-ку!

Сиз балки ишонмассиз, биз атрофдаги маҳаллаларда яшайдиган одамларнинг поликлиникага бўлган муносабатини ўзгартира олдик, деб ўйлайман. Ҳозир поликлиникамизни оилавий поликлиника деса ҳам бўлади.

Аммо юқоридагиларнинг поликлиникаларга воситачи деб муносабат билдирилаётганига ҳайрон бўламан. Нима дейсиз, шу муаммоларни кўтариб чиқсангиз бўладими? Бу ерда бизни мақташнинг ҳечам кераги йўқ. Аслида вазифамизни сидқидилдан бажаряпмиз холос. Мақсадимиз одамларга биринчи тиббий ёрдам бериш. Сиз буни баландпарвоз гаплар, деб асло ўйламанг. Иш тажрибасидан келиб чиқиб тиббиёт тизимини бутунлай кенгроқ маънода тушуна бошлаяпман холос. Мен унинг асл моҳиятини энди-энди англаяпман. Яъни мен одамларни даволаш эмас, балки касалликнинг олдини олиш тарафдориман. Биз катта-катта шифохоналаримиз, уларнинг сони, биратўла юзлаб беморларни бирданига қабул қилишларию касални даволашга кетган сарф-харажатларнинг улканлиги билан мақтанмаслигимиз керак. Буни соғлиқни сақлашга берилаётган катта эътибор эмас, аксинча лоқайдлик деб таърифлаган бўлардим. Қани, ўзингиз айтинг, Сожидахон, ёнғинни олдини олиб, худудида бирор марта ўт қалоси чиқишига йўл қўймаганими ёки олов ичида болган уйни қанча куч ва техника сарфлаб ёнғинни маҳорат билан ўчирган ходимни мақташ керакми?

Сиз журналист бўлсангиз, шулар ҳақида ёзинг. Ахир поликлиникалар иши ҳам худди шунга ўхшаб кетади. Биз маҳалладаги ҳар бир хонадонга кириб, уй эгаларининг соғлиғини назорат қилиб турсак, бошла-

надиган касалликни олдини олсак, ўйлайманки, шифохоналарга оғир аҳволдаги беморларнинг бориши кескин камаяди. Соатлаб операция қилишга, ўлим билан олишишга кўпам ҳожат қолмайди. Менимча, тиббиётнинг асл мақсади шунақа бўлиши зарур.

Малика сўзини тамомлаб мухбир аёлга кўз қирини ташлаб қўйди. Орадаги сукут узоқ чўзилмаслиги учун яна ўзи гап бошлади.

– Бу гаплар очеркка мавзу бўлармикин?

– Нима ҳам дердим, мақсадингизни тушундим, муаммоларни ёритишга ҳаракат қиламан. Лекин сиздан анча нарсани ўрганса бўларкан.

– Кўп гапириб бошингизни оғритиб қўймадимми, ахир. – Бирдан ҳушёр тортди бош шифокор. – Узр, агар зериқтириб қўйган бўлсам.

– Нега унақа дейсиз, Маликахон. Шундай эҳтирос билан гапирдингизки, мен ҳам тўлқинланиб кетдим. Бир томондан эса шундай мавзуларни ёритмаганимдан хижолат тортдим. Кўрдингизми, хонадан чиққандим, сиздай ажойиб шифокорни учратдим.

– Мен Музаффар акамга доим гапирман. Журналистлар ҳам бирор касбга жиддий ихтисослашиши керак, деб.

– Кечирасиз, у киши ким?

– Музаффар Қосимжонов. Эшитганмисиз?

– Ёшлар журнали бош муҳарририни назарда тутаяпсизми? Ҳм, у киши сизнинг турмуш ўртоғингизми? Жуда ажойиб учрашув бўлди-да, Маликахон. Танишганимдан беҳад хурсандман. Буни қаранг, ҳеч ўйламагандим. Унда... расмингизни муқованинг биринчи бетига берсак ҳам бўларкан.

Аёлларнинг самимий кулгиси янгради. Эшик очилиб котиба қиз кўринди.

– Чойни янгилаб келайми, Малика опа?

– Йўқ, раҳмат. – Мухбир ўрнидан кўзгаларкан, миннатдорчилик билдирди. – Қизғин суҳбатингиз учун сизга ҳам катта раҳмат, энди поликлиника билан таништирсангиз дегандим.

– Бажонидил.

Малика йўл бошлади.

\*\*\*

Котиба эшикни очди...

– Сизни сўрашяпти, Малика опа.

– Ким?

– Танимадим. Қандайдир... эркак киши.

Малика гўшакни кўтарди. Котибанинг эшитмаётганига ишонч ҳосил қилгач, овоз берди. Аммо... кейин афсусланди, тутоқиб кетди.

– Яна нима дейсиз? Тинч қўясизми-йўқми?

– Тинчлик истасанг, яхшилаб гаплашиб олишимиз керак, – овоз келди гўшакдан.

– Мен сиз билан гаплашишни истайман!

– Шошма, шошма, Малика. Биринчидан, аввал гапимга қулоқ сол. Иккинчидан, муҳим бир нарсани ҳал қилиб олишимиз зарур. Кўрқма, бегона жойга таклиф қилмайман. Аввал эшитсанг-чи! Муҳим бўлмаса, телефон қилармидим. Ҳа, айтгандай, эртага бошқармада йиғилиш бор-а. Биламан, таклиф этилгансан. Боришинг шарт. Мажлис уч соатлар давом этса, роса бирларда тугайди. Демак, сени бир яримда Ўрдадаги Анҳор кафеда кутаман. Агар ишхонанга бориб тўполон қилишимни истамасанг, албатта келасан. Бу сафар кўп вақтингни олмайман. Хўп, кўришгунча! Кутаман!

Алоқа узилди. Баҳром Маликанинг жавобини ҳам кутмай атай гапни қисқа қилди. Рад жавобини эши-

тишдан кўрққанлиги аниқ. Буни Малика ҳам тушунди. Бироқ у айна пайтда жуда таажжубда эди. Бошқармага таклиф этилганлигини, йиғилиш қачон бошланиши соат нечада тугашини қаёқдан билдийкин?

«Наҳот Барнодан ҳамма гапни билиб турган бўлса? Арзимайдиган совға-саломга сотилдимикин-а?» Малика бу гапларни кўнглидан ўтказар экан, аччиғланди. Ҳозироқ котибани чақириб уришмоқчи бўлди. Лекин... у яна Раҳмоннинг гапига қулоқ тутди. Подадан аввал чанг чиқариш маъқул эмаслигини ўйлаб фикрдан қайтди.

У эндигина дераза ёнига келганда, хўжалик мудир Карим ака рухсат сўраб ичкарига кирди. Қўлидаги қоғозларга қўл қўйдиргач, мулоимлик билан «Соғ бўлсинлар», деди-да хонани тарк этди.

Малика кундалик юмушларини давом эттирмоқчи бўлди. Аммо қаёқда. Баҳромнинг ногоҳ қўнғироғи, кун режаларидан хабардорлиги уни яна ўйлашга мажбур этди.

«Энди, осонликча ундан қутула олмайман, шеклли. Нима қилсам экан-а? Музаффар акамга айтсаммикин?... Бироқ гапимни тўғри тушунармикинлар? Ёки бироз шошмай турайми? Уф, бу хира пашшадан қандай қилиб қутуламан энди?»

Хаёллар гирдобига қолган Малика эртанги учрашувнинг натижасини кутишни маъқул топди. Қани, Баҳром бу гал нима деркин?...

\*\*\*

Тушлик вақти бўлгани учунми, кафедра одамлар кўп эди. Малика атрофга синчков нигоҳ ташларкан, хаяжонланаётганини, кимдандир кўрқаётганлигини сездирмасликка ҳаракат қилди. У зинадан тушгандаёқ ўрнидан туриб олган Баҳромни кўрганди, бироқ атай кўрмаганга олди. Эрим учраб қолса-я, деган ўйда шундоқ кираверишда бироз туриб қолди. Таниш чеҳрага кўзи тушмагач, ҳавотири ортга чекинди. У энди аста бир четдаги столга – Баҳром олдига яқинлашди. Истамайгина бош ирғаб саломлашди.

– Қани, марҳамат, ўтирсинлар, – илтифот кўрсатди Баҳром жилмайганча.

– Кўп ўтиришга вақтим йўқ, нима гапингиз бор? – Малика курсидан жой оларкан, стол устидаги нарсаларга тезгина нигоҳ ташлади. Бу ерга азиз бир меҳмон келадигандай тайёргарлик кўрилган эди.

– Аввало келганинг учун минг бор ташаккур. Сен гўзал ва латофатли бўлиш билан бирга ақлли аёл ҳамсан. Мендан қанчалар жаҳлинг чиқмасин, барибир мулоҳаза қилиб иш юритишинга ишонардим. Қани, мана булардан ол-чи, – Баҳром гап орасида Маликани тамадди қилишга чорлар, гоҳ яхна шарбатдан, гоҳ чойдан қўйиб узатар, икки кўзини қимтинибгина ўтирган аёлдан узолмас эди. – Энди сенга ростини айтай, бир даргоҳда ўқиганимиз, ўтмишга айланган бўлса-да чи-накамига яхши кўрганим ҳурмати, сенга асло ёмонлик истайман. Тунов кунги аҳмоқона гапларимни унут. Олдинга қандай бориб қолганимни, нималар деб алжирганимни ўзим ҳам билмайман. Тўғриси... ўша кунлари хотиним билан ит-мушук бўлиб юрвдим. Аламимни кимдан олишни билмай турганимда ногоҳ телевизорда сени кўриб қолдим. Ҳаётимда менга шундай бадбахт хотин учраганига, турмушим заҳар-заққумга айланганига, умрим шу шаллақи аёл билан ўтаётганига сени айбдор деб ўйладим-да, уйдаги бор нарсаларни остин-устун қилиб юбордим. Аслида эса... бунга ўзимнинг ношудлигим, сен учун курашганим

сабаб эди. Ҳа, айб ўзимда. Аммо бу ҳақиқатни тан олиш жуда оғир кечди, Малика.

Баҳром бир зум тин олди. Бўш қадаҳларни ароққа тўлдиргач, бирини Маликага узатди. Аёл афтини буриштирди. Баҳром мажбур қилмади. Қўлига қадаҳни олиб, унга тикилиб турди-да қайтиб жойига қўйди. Яна Маликага тикиларкан, бир ютиниб қўйиб гап бошлади.

– Кейин... кейин кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди. Шаҳарда қолганингни, қаерда ишлашингни билдим-у тўғри олдингга келдим. Ўшанда шайтоний хаёллар ақлимни ўғирлади. Сен ҳақингда турли бўлмағур ўйларга бордим. Кимга турмушга чиқдйкин? Эри қанақа одамийкин? Ахир у ҳеч кимни севмасдику, эри билан аллақачон уришиб қолгандир, балки ажрашгандир ёки бирортаси билан... э, нимасини айтий сенга. Бошим айланиб, ақлимни йўқотдим. Шунинг учун аввалига яхши гапирдим, кейин юрагинга кўрқув солдим. Ваҳима қилсам, таклифимга рози бўларсан, деб ўйлабман-да. Ўша пайтдаги бирдан-бир мақсадим сени бағримга босиш, нима қилиб бўлса ҳам сенга етишиш эди. Аҳмоқлик ҳам шунақа бўладими? Буларни айтишга... ҳа, майли, ўтган гапларни унут, Малика. Бу ерга таклиф қилганимнинг сабаби битта, у ҳам бўлса – сендан кечирим сўраш. Ҳа, ўша куни тўғри айтдинг, севган одам бунақа қилмайди, деб. Ҳақиқатан ҳам шайтоннинг гапига кириб тинчингни буздим, юрагинга озор етказдим. Энди ўйлаб қарасам, катта хатога йўл қўйган эканман. Мен севган одамнинг эмас, аламзада эркакнинг ишини қилибман. Илтимос, мендан жаҳлинг чиқмасин. Агар кечиролсанг ўзимни бахтли ҳисоблардим. Негаки, сенга дўст тутинаман деб нафратингга учраб ўтирибман. Мен аҳмоқлигимни энди билдим.

Сен... ҳамон ўша мен билган гўзал ва вафодор Маликагингча қолибсан. Сенга бахт тилайман, Малика, ҳақиқий бахт. Энди сенга яна етишолмагач, хотиним билан ярашишга, ўша шаллақи билан яна муроса қилишга тўғри келади. Сен ҳақ гапни айтдинг, тўртта болада нима гуноҳ. Яна уларнинг уволига қолмай. Ҳа, айтгандай, хотинга мана бу совғани олувдим. Бир кўрчи, сохта эмасмикин?

Малика секин оқаётган анҳордан кўз узиб Баҳромга қаради. Бу ўша кунги кўпол, шиддаткор, нияти бузуқ Баҳромми ёки... Наҳот бир ҳафтанинг ичида шунчалар ўзгарган бўлса? Балки ростдан ҳам уни си-наб кўриш учун ҳар хил гапларни айтгандир. Ахир бир гап сўхбатда эри ҳам худди шундай гап қилганди: «Эркакнинг табиати шунақами, гўзал хонимларни кўрганда атай гап ташлаб кўради. Қандай аёллигини билишга қизиқса керак-да». Демак, Баҳром шундай йўл тутди-микин? Энди қўлга киритолмаслигига ақли етиб «кечирим» сўраётганмикин?

Бироқ унинг кўзлари бу сафар ҳам алдамаяптимикин? Бир текисда, худди ёдлаб олгандай майин ва таъсирчан сўзлари юракданми ёки бу чекинишнинг ортида қандайдир сир бормикан? Баҳромнинг узр сўрашини ўзига мулоҳаза қилиб кўраётган Маликанинг хаёлида турли ўй-фикрлар чарх урарди.

У айна пайтда ўзини ор-номуси топталган, ноҳақ хўрланган одамдай ҳис қилар, муз қотган юраги ғазаб ва нафратга тўла эди. Бу жажжи юракдаги муз қатлами шу қадар улкан, шу қадар чексиз эдики, унинг атиги бир четини, бир бўлагини илитмоқ жуда мушкул эди.

– Мен бунақа нарсаларни тушунмайман.

– Ҳар қалай аёл кишисан-ку, бир кўр-чи? Қўрқма, сенга бераётганим йўқ-ку.

Баҳром тилла занжирни осилтириб тураверди. Малика ноилож қўлини чўзди. Кейин бир зумгина кўрган бўлдию дарров эгасига қайтарди.

– Ҳақиқийми?

– Шунақа бўлса керак.

– Раҳмат сенга.

Баҳром бир зумга гапидан тўхтади. Официант аёл икки косада яримлатиб қўйилган иссиқ овқат келтириб қўйиб кетди. Малика назарини солиб ҳам қўймади. Тобора тўлқинланиб бораётган Баҳром гапи узилганидан жаҳли чиқди, лекин «ёқимли иштаҳа» тилаган фартукли аёлга индолмади. Маликани овқатдан ичишга ундади. Кейин яна гапини давом эттирди.

– Агар хафа бўлмасанг, бир нарсани сўрасам. Аввало, бундай бўлишини асло хоҳламайман. Лекин мобо-до, эринг сенга хиёнат қилганини билиб қолсанг...

– Музаффар акам сиз ўйлаган эркаклардан эмас!

– Бунинг учун минг раҳмат унга. Мен фақат мабодо деб сўрадим, холос.

– Ажрашармидинг ёки сенам юриб кетасанми, деган саволларингиз ҳам бордир?

– Умуман...

– Бунақа нарсаларнинг ташвишини қилмай қўя-қолинг. Ҳар қандай шароитда ҳам сизга ишим тушмайди.

– Ҳозир гапириш осон, Малика. Чунки бунақа воқеа бошинга тушмаган. Ундан кейин эрингни бе-гона аёллар билан дон олишиб юганини билмай-сан. Агар эшитсанг, ўзингни қаерга қўйишни билмай қоласан. Дунё кўзингга қоронғу кўришиб кетади. Юриш-туришингда ҳаловат йўқолади, еб-ичишингда эса маза-матра бўлмайди. Ҳатто болаларинг ҳам сенга юпанч бўлишолмайди. Шундай руҳан тушиб кетасанки, ниҳоят, ўзингни ўзинг ўлдиришга қасд қиласан. Бироқ... ўлдиролмайсан. Охиратинг куйиб кетишидан кўрқасан. Бу ёмон нарса, Малика. Аввало бошинга тушмасин. Тушса, сен меҳр қўйган, покдамон эр деб юрган азиз киши юзингга ноҳақ тарсаки туширгандай ёки бошлаб туфлаб юборгандай бўлади. Кейин эса... бу дунёда ёлғиз қолган етим кўзидек бошингга не ташвиш-у маломатлар, не-не кўргулигу жабр-жафолар тушишини билмай сарсон-саргардон кезасан.

– Шифокорлик касбини ташлаб, фалсафадан дарс бермаяпсизми мабодо?

– Сен кулма, Малика. Бу шафқатсиз дунёда нималар бўлмайди, дейсан. Кутилмаган воқеалар, ноҳақлигу бахтсизликлар олдида бош эгиб қолишинг мумкин. Билмадим, ўшанда ҳам кулармикансан ёки...

– Нимага шама қиялсангиз? – Малика олдида қўйилган косадаги овқатни нарига олиб қўйди.

– Озгина ичсанг-чи! Қўрқма, куф-суф қилинмаган.

– Худди бирор нарсани биладигандай бемалол гапирганингизга ҳайрон бўляпман-да.

– Ҳайрон бўлма, шунчаки сўрадим-қўйдим. Эрингга ишонганинг яхши, албатта. Фақат... жуда қаттиқ ишонаверма, демоқчиман, холос. Ҳа, айтгандай, сендан яна бир нарсани сўрамоқчи эдим.

– Йўқ, раҳмат, энди мен тураман.

– Ҳозир, бир дақиқа. Сўнг иккимиз бирга тура-миз. Мен сени кузатиб қўяман.

– Керак эмас! Мен ўзим кетаман.

– Ҳа, яхши.

\* \* \*

Малика ёлғиз қолди дегунча ўзи билан ўзи гаплашадиган бўлиб қолди.

«Нахот Музаффар акам менга хиёнат қилаётган бўлса?» Уйда тинимсиз чарх ураётган бу гумондан кутулишнинг чораси йўқ.

Кечалари уйқунинг ўрнига шу шубҳа пайдо бўларди.

– «Оила ва жамият» газетасида «Энди нима қилай?» деган мақолани ўқидингизми? – сўради Малика дам олиш куни эридан гап олиш мақсадида.

Тушлиқдан сўнг энди диванга ёнбошлаган Музаффар эринибгина хотинига жой бўшатди. Малика эрининг ёнига ўтираркан, кўлидаги газетга термулди. Эрхотин бундай мақолалар юзасидан тез-тез фикрлашиб туришлари боис, бу аслида одатдаги савол эди. Аммо шу сафар Музаффар пешонасини тириштирди. Сўнг кўлини Маликанинг елкасига аста ташларкан, норози қиёфада деди:

– Ке, қўй, бировларнинг муаммосини. Ишдан ҳам гап очмасанг, жуда яхши бўларди.

– Нега энди? – ажабланди Малика эрининг кўлини елкасидан оларкан. – Ёки ўзингиз ҳаётини бирор воқеани гапириб берасизми?

– Қанақа воқеани?

– Дейлик, сизни бир аёл ёқтириб қолди. Уйланганингизни, ҳатто фарзандларингиз борлигини ҳам билди. Аммо шуларга қарамай ёқиб қолдингиз. Бу ҳақда ноқулай бўлса-да у сизга гапирди. Хўш, нима қилган бўлардингиз?

– Ёқтиришини давом эттиришини сўрардим.

– Нима учун?

– Бу унинг шахсий иши. Истаганича ёқтираверсин.

– Ҳазил қилмай гапирсангиз-чи!

– Ҳазили йўқ, – жиддий оҳангда жавоб қилди Музаффар. – Мениям аёллар ёқтирса, бу яхши гап-ку?

– Ёқиб кетдимми, дейман. Балки, сиз ҳам бирортасини ёқтириб қолгандирсиз?

– Нега энди бирортасини, масалан, менга кўп аёллар ёқади.

– Ростданми? Демак, менга хиёнат қилаётган экансиз-да...

– Ёқтириш билан хиёнат ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, – Маликанинг гапини чўрт кесди Музаффар.

– Кечирасиз, менимча, ораси бир қадам, халос.

– Нахот?

– Ҳа, шунақа.

– Лекин сен бу гал баҳслашмоқчи бўлган рақибга ўхшамаяпсан қандайдир... Ўзингни ғалатиноқ тутяпсан-да. – Музаффар оёқларини йиғиб бутун вужуди билан хотини тарафга қараб ўтирди.

– Сизга кўп аёллар ёқишини билмаган эканман.

– Рашк қилаяпсанми?

– Нега энди?

– Аёл киши ўзининг чиройли одоби, муомаласи, юриш-туриши билан ўзга эркакнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлиши мумкин. Бу муносабатларнинг севги ёки хиёнатга умуман алоқаси йўқ.

– Қайси бир китобда: мутлоқ вафоли эркакларни «Қизил китоб»дан қидириш керак, деб ёзишган экан.

– Балки бу гапни ишхонангдаги ғийбатчи аёллардан эшитгандирсан?

Малика эрига тезгина қараб оларкан, китобдан ўқиганини таъкидлади. Музаффар хотинига яқинроқ сурилди.

– Шу бугун тинчгина дам олсак бўлмайдами?

– Бўлмайди.

Кузнинг гоҳ илиқ, гоҳ изғиринли кунлари қизгин иш билан ўтиб борарди.

...Қиш бошланган кунларнинг бирида эндигина тушлиқдан қайтган Малика столи устида дафтар ҳажмича келадиган оч жигарранг конвертни кўриб таажжубга тушди. Бир кўнгли Барнони чақириб сўрамоқчи бўлди, аммо тезда фикрдан қайтди. Аста жойига ўтираркан, кўлига қайчи олди.

– Расмларми?

Малика конвертни ёнидан очиб унинг ичидан анчагина суратларни олди. Кейин уларга кўрқибгина нигоҳ югуртираркан, бирдан бўшашиб кетди: гўё устига кимдир муздек сув кўйиб юборди. Бироз ўзига келгач расмларни битталаб кўра бошлади. Аммо энди унинг кўзлари катталашиб, юпқа лаблари титрашга тушди. Сўнг ичида нимадир оловланди, ҳарорат бутун вужудини қиздира бошлади. Шарт ўрнидан туриб кетди. Расмларни стол устига ёйиб ташлади. Нигоҳи суратдан-суратга ўтаркан қандай қилиб бақириб юборганлигини ўзи ҳам сезмай қолди:

– Вой, ифлос-ей!

Малика ичидан тошиб келаётган ғазаб ва нафратни боса олмади: столи устини сидириб юборганди, расмларга кўшилиб турли қоғозлар ҳам полга ёйилди. Ногоҳ орақасига юрганди, курси ағдарилди. Гурсиллаган овоздан хавотирландими, эшикда котиба қиз кўринди.

– Ёп эшикни!

Эшик қандай шошиб очилган бўлса, шундай тез ёпилди. Фигони фалакка кўтарилган Малика бир зум нима қиларини билмай қолди. Сўнг билинар-билимас титраётган кўллари билан столга таянди. Аммо бу ҳолатда кўп туриш мумкин эмасди. Истаган пайтда хонага кимдир кириб қолиши... Худо кўрсатмасин, мабодо расмларга кўзи тушса... Малика ақлини йиғди, тишини-тишига босганича суратларни тўплаб, яна конвертга жойлади. Иш жойини бироз тартибга келтирган бўлди, кейин аста диванга келиб ўтирди.

«Вой ўлай, энди нима қиламан!». Малика ичида бошланган ғалаённи босиш учун кўзларини юмди, бошини диванга қўйди. Йўқ, у хаёллар гирдобидан кутулолмади.

... Шаҳд билан ётоқхонага кирган Малика янглишмаганди. Ишдан келган Музаффар кийимларини алмаштиргач, одатдагидай бир зум дам олиш учун ўрнига чўзилган эди. Малика эшикни зичлаб ёпгач, кўлидагини эрига отди. Музаффар эпчиллик қилиб илиб олмаганда, ярим килоча келадиган конверт «шап» этиб юзига тушиши аниқ эди.

– Нима бу? – хотинининг кутилмаган зардасидан жаҳли чиқса-да эр ўзини қўлга олди. Тўғриси, ранги оқариб титраб-қақшаб турган Маликанинг тажовузкор ҳолати аччиқланишига йўл қўймади.

– Сиз, сиз мунофиқ, экансиз. Билдингизми?

– Мунофиқ!

– Ҳа, ундан ҳам баттарсиз. Сиздан нафратланаман! Уятсиз! Хотинбоз! Хўш, ким у? Қайси ўйнашингиз?!

– Қаердан олдинг буларни? – ниҳоят тилга кирди Музаффар. У ўсал бўлганидан шунчалар қизариб-бўзарлиб кетгандики, умрида ҳеч қачон бунақанги аянчли аҳволга тушмаган эди.

– Нима ишингиз бор? Нима, хотиним менга ишонгани, орқамдан пойлаб юрмайди, истаган пайтимда маишат қилавераман, деб ўйлаганмидингиз! Одамлар гапиришганда ишонмаганим, энди ўз кўзим билан кўриб турибман. Кеч бўлсаям, кўзимни мошдек очиб





кўйишди. Афсус, шунча умрим бекор кетди. Танлаб-танлаб хотинбоз бир шоирга эрга тегибман-а!

– Бўлди, бир пас шошмай турсанг-чи!

– Э-э, йўқ, энди, сиз шошмай тулинг. Мени шу пайтгача лақиллатиб юргангиз етар. Наҳот, умид билан бир ёстиққа бош кўйган, бунинг устига севиб уйланган эр фоҳиша бир аёл билан кўча-кўйда кучоқлашиб, ўпишиб юрса? Ҳали, бошқа ҳолатдаги суратларингиз ҳам бордир? Уларни қачон оламан!

– Нималар деяпсан, Малика! – Музаффар расмларни отиб юборди – Булар ғирт тухмат-ку! Мен умуман бегона аёл билан бўлмаганман!

Бу гапни эшитиб Малика баттар тутоқиб кетди. Расмлар ичидан бирини қўлига олди-да бармоғи билан ниқтаб деди:

– Унда, мана бу қайсидир кўл бўйида яланғоч аёлинг устида ётгангиз ҳам ёлғонми? Ана шу фоҳиша билан машинада ўпишиб тургангиз-чи?

– Ҳозир сенга ҳаммасини тушунтириб бераман. Ўтир, – Музаффар ўрнидан туриб Маликанинг қўлидан ушлаб ўтқазмоқчи бўлди.

Малика шарт қўлини тортиб олди.

– Кераги йўқ, шундоқ ҳам ҳаммаси ойдек равшан! Энди сиз билан яшашга ор қиламан. Марҳамат, мард бўлсангиз, уйни бўшатиб қўйинг. Бўлмаса, мен кетаман. Болаларимни оламану, бошим оққан томонга жўнайман!

– Малика, Малика, – хотинини тинчлантиришга уринди Музаффар.

– Сиз билан бошқа гаплашмайман. Уруш-жанжал ҳам қилмайман. Яхшиликча ажрашаман-кўяман.

– Гапимга қулоқ солмайсанми?

– Йўқ.

– Аввал эшитсанг-чи? – астойдил жаҳли чиқди Музаффарнинг.

– Агар мен номусимни сақлай олмаганимда, қўлингизга бегона эркак билан ўпишиб турган расмларимни бериб кетишганда сиз нима қилган бўлардингиз? Мени кечирармидингиз? Гапиринг!.. Яна шунақа, пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга! Гап тамом! – Бевафо эрнинг кераги йўқ, менга.

– Шунақами? Тушунишни истамайдиларми? Яхши, кейин афсус қилмайдиларми?

– Афсус қилсам, эрсиз ўтарман.

– Нимаям дердим, – бир оз ўйланиб турган Музаффар эшик томонга йўналди. – Аммо кетиш олдидан бир гапни айтиб қўяй. Мен бу аёл билан умуман бирга бўлмаганман. Хоҳла ишон, хоҳла ишонма. Бироқ атай уюштирилган қандайдир бўлмағур расмларни деб ажралиб кетишимиз бу ғирт аҳмоқлик. Қўяётган шартинг аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Кимдир бизни уруштириб қўймоқчи. Ажраб кетишимизни хоҳлапти. Мана бу расмларга қараб шундай хулосага келдим. Сен эса қайсидир ғаламиснинг бўҳтонларига дарров ишоняпсан, ўйламай-нетмай лаққа тушяпсан.

– Суратлар тухмат эмас. Сизнинг жирканч башарангизни фош қилувчи ҳақиқат улар! Ўзингизни оқламай қўя қолинг. Сиз билан бир дақиқа ҳам яшай олмайман.

– Болаларни тирик етим бўлишини истайсанми?

– Уларга ҳам хотинбоз ота керак эмас. Агарда мана бу расмларни кўришса борми, бир умр афтингизга қарашмайди.

– Жинни бўлдингми?

– Унда тинчгина кета қолинг.

– Демак, охири гапинг шу!

– Ҳа!

Музаффар ноилож костюмини елкасига ташлади. Малика нимадир демоқчи бўлган илтижоли нигоҳлардан кўзини олиб қочди.

Эшик «Қарс» этиб ёпилди.

Бироқ хиёл ўтмай эшик қайта очилгандай бўлди. Малика «Уф» тортиб йўлакка чиқаркан «Яна нега қайтдингиз?» деб эрига жаҳл қилмоқчи эди, бироқ... тили гапга айланмади: ланг очилган эшик олдида тиржайганча Баҳром турарди.

Малика турган жойида қотиб қолди. Қўрқиб кетгандан ранглари оқарди. Ўзига келиб эшикни ёпмоқчи бўлганди, нимагадир қоқилиб йиқилиб тушай деди. Шунда у сесканиб кетдию...

Хаёлини йиғиб олди.

Ичига туфлаб қўйгач, аста ўрнидан турди. Хондан чиқар экан, ўйлади: «Наҳот, бу расмлар рост бўлса? Баҳромнинг ёз бўйи қилган иши шумикин ҳали?. Нима қилсам экан-а? Аввал текшириб кўрсаммикин? Ҳа, айтгандай, аввал Бахтигул билан маслаҳатлашсаммикин?»

Малика уйга етиб келгунча тузган режасини ҳозирча сир тутишга қарор қилди.

\* \* \*

У ишдан шунчалар ҳориб қайтдики, на кечки овқатни ейишга, на болалар билан гаплашишга кайфияти бўлмади. Ўзини қўлга олишга қарор қилгани рост, бироқ ички бир изтироб, дарз кетган юрак туғени етилиб келаётган вулқонни эслатарди.

Соат ўн бирга яқинлашганда эшик қўнғироғи чалинди. Болалари ухлаб қолган шекилли, қўнғироқ қайта овоз берди. Малика ноилож ўрнидан турди. Қовоқлари осилган, овзои бузуқ эрига кўзи тушиб ҳайрон бўлди ва истар-истамас салом берди-да ошхона томонга ўтиб кетди.

Тишини тишига қўйиб чой қўйди, қизи тайёрлаган овқатини иситди. Бироқ Музаффар ҳадеганда ётоқдан чиқавермади. Одатда у ишдан кеч келишига қарамай, уйга қувноқ кайфиятда қадам ранжида қиларди. Кийимларини тез алмаштирарди-да «Хўш, жоним, бугун қўлларидан қандай таом еймиз?» дея ошхонага кириб келар, сеvimли ёрини елкаларидан кучиб (агар болалар бўлмаса), бўйнидан аста ўпиб қўярди. Бунга ўрганиб қолган Малика шу тобда аччиқланган ҳолатда бўлишига қарамай бироз хавотирланди. Кейин ўйлади: «Расмларни кўрдимикин? Балки шунинг учун кайфияти йўқдир?».

Малика дастурхон ёзишдан аввал, нимадир баҳона қилиб хоналарига кирди. Кирдию ишдан қандай кийимда келган бўлса, шундайича ўринга ташлаган эрини кўриб баттар таажжубланди. Дим тушганча ётган Музаффар оёқ товушини эшитса-да ўгирилиб ҳам қўймади.

– Нима ётиш бу, Му..., – ниҳоят тилга кириб сўради зардаси тошган Малика, бироқ у эрининг исмини айтиб чақирришдан ўзини тийди.

– Нима гап? – Бироздан сўнг яна қайтарди Малика.

– Ишдан бўшатишди, – деди Музаффар бошини салгина кўтариб, лекин унинг овози жуда заиф эшитилди.

– А-а...

Малика тилини тишлади: сал бўлмаса «Ажаб бўпти!» деб юбораёзди.

– Нега бўшатишди? – ўзини хотиржам тутишга уринган Малика беихтиёр дераза раҳига суянди.

Музаффар истамайгина ёнбошига ағдарилди. Сўнг хотинига кўз қирини ташларкан, ғижиниб гап бошлади.

– Бир фирибгар аёл мени тоза болади. Биз уни туппа-тузук шоира деб юрсак, учига чиққан ғирт кўчирмачи экан. Зулфиянинг шеърларини фақат сарлавҳасини ўзгартириб олиб келса, қарамасдан босиб юборибмиз. Мана, – Музаффар ён чўнтагидан икки букилган журнални олиб оёқ томонига ташлади. – Падарингга минг лаънат.

Малика журнални варақлар экан, унинг ўрта саҳифасида жилмайиб турган аёлга нигоҳи тушди-ю... бирдан қути учиб кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

– Ахир бу, бу... – нафрат туйғуси шунчалар кучли эдики, у бирданига портлагани туфайли Маликанинг бўғзига тикилди.

Музаффар ялт этиб хотинига қаради. Малика расмларни ўзи билан олиб келмаганига жуда афсусланди. Агар ёнида бўлганда роса мавруди келган экан-да: суратларни битта-битта эрининг башарасига отарди. «Манави ўйнашингиз-ку бу аёл!» деб шармандасини чиқарарди.

Малика журнални беихтиёр ғижимлай бошлади. Музаффар унинг бу қилиғини тушунмай анграйиб қолди. Вужудини нафрат туйғуси эгаллай бошлаган аёлнинг хаёлидан айни пайтда. «Алдаган бўлса, жуда бошлабди. Сизга ўхшаган хотинбозларни худди шунақа қилиб таъзирини бериш керак. Тавбасига таянтириш зарур!» деган фикр кечди.

– Сенга нима бўлди, Малика? – ўрнидан туриб кетган Музаффар хотинига яқинлашди.

– Қайтар дунё деб шуни айтсалар керак-да. Бировни алдамоқчи бўласан-у, аммо ўзингни ўзинг алдаётганингни билмайсан. Қилган гуноҳимни ҳеч ким кўрмаяпти, деб ўйлайсан. Аммо бир кун келиб шундай шармандаи шармисор бўласанки...

– Нима деганинг бу?

– Тушунмадингизми?

– Йўқ.

– Қизиқ... шу нарсани деб ишдан бўшатишдимми?

– Ҳа.

– Аввал танимасмингиз бу аёлни?

– Бир-икки кўрганман, – деди Музаффар анча синиқ овозда. Бироқ сал ўтмай қиёфасига жиддий тус берди. – Менинг ўрним кимгадир керак бўлган. Бўлмаса, бунақа материалларни назм бўлими тайёрлайди. Шеърларни текшириш ҳам уларнинг вазифаси. Аммо... калтак негадир менинг бошимда синди. Ҳа, майли, бу кунлар ҳам ўтиб кетар.

Музаффар хотинининг қўлидаги журналга қўл чўзар экан, ҳамон ҳайратда эди. Кўзларида ғазаб учқуни сачраётган Маликанинг айни пайтдаги ҳолати ваҳимали эди. Унинг нимадир демоқчи бўлиб турганлигини Музаффар ички бир туйғулари ила сезиб турарди. Ғижимлаб ташланган журнал, гоҳ қимтилган, гоҳ билинар-билимас титраган нозик лаблари, баъзида маъюс, баъзида эса чақнаб турган шаҳло кўзлари Музаффарни таажжубга солар, гўё у қандайдир сирдан воқиф, ниманидир биладию, аммо айтишга қийналаётгандай тутарди ўзини.

– Журнал менда туради.

– Нега? – баттар ҳайратланди Музаффар.

– Сизни ишдан олишган кундан эсдалик учун. Ундан кейин мана бу аёл менга ёқиб қолди. Баъзида суратини кўриб тураман.

– Устимдан куляпсанми? – деди Музаффар бироз саросимага тушиб.

– Нега энди? Менинг эримни шарманда қилиб обрўсини туширган, жонажон ишидан кетишга мажбур қилган сохта шоира билан бир учрашмоқчиман.

– Нима? Э, қўйсанг-чи бўлмагур гапни. Мен ўзим...

– Тилингиз қисик жойи йўқми, ишқилиб? – Малика хонадан чиқаркан, эрининг гапини бўлди.

– Йўқ, – деди Музаффар бўғиқ овозда.

Малика эрининг ёнидан ўтаркан, кўзларига разм ташлади. Музаффар доска олдида саволга жавоб бера олмаган ўқувчидай бирдан қизариб кетди, сўнг негадир ютиниб қўйди.

Малика бошқа индамади.

Хонадан чиқиб кетиши билан Музаффар ўзини яна ўринга ташлади.

\*\*\*

Кейинги кунларда Маликанинг қўли ишга бормай қолди. Гўё кимдир унинг орзу-умдларини чилпарчин қилган-у энди келажакдан нажот йўқ. Раҳбарнинг ғайрат-шижоати сўнганини ходимлар аллақачон пайқашган, ишдан кетган эри тўғрисидаги миш-мишларни ҳам эшитиб улгуришган. Аммо булар ҳақида ҳеч ким гўё гаплашмайди. Бир қарашда ҳар ким ўз вазифасини бажариш билан банд: ортиқча гап-сўз эшитилмайди, бекорчи югур-югур кўзга ташланмайди.

Малика ҳамкасбларининг самимий муносабатларини сезиб турса-да, лекин назарида улар сал бошқачароқ бўлиб қолгандай туюларди. Аслида у ўзини қийнар, ичидан зил кетар, меҳр қўйган эри хиёнат қилганига сира чидай олмайётган эди. Фигони кўкка кўтарилган пайтларда «ҳозирча жим туриш керак» деган қарорни бузиб, эри билан орани очиқ қилиб олгиси келарди. Шунда сал ҳовуридан тушармиди, алами босилармиди.

Шубҳа-гумон аёлнинг ичини кемириб борарди. Ўйлаган сари ўйининг адоғига етолмасди. Тунов кунги суҳбатдан кейин эридан бутунлай кўнгли қолди. Демак, ўзини шоира деб таништирган анави аёлни аввалдан яхши билган. Пинҳона учрашиб турган, шунинг учун шеърларини журналда чиқарган. Вой писмиғ-ей, яна тилим қисиклик жойи йўқ, дейди-я? Эридан нафратлана бошлаган сари, қандайдир куч унинг қўлоғига шивирлай бошлади.

«Эрингга бўш келма, шарт бориб ёқасидан ол. Расмларни кўрсатиб, шармандасини чиқар. Нимани кутяпсан? Сени менсимай, оёқости қилган бевафо эркакни нега аяб ўтирибсан? Хиёнатини фош этмайсанми? Гапларига ишониб ўтирибсанми? Топган баҳонасини қара, бўлимдагилар айбдор эмиш. Ахир расмлардан кўриниб турибди-ку бу аёлнинг кимлиги. Тили қисик бўлгани учун ҳам ўзи кўрсатма берган, ҳатто кўриб, текшириб чиқишларигаям вақт қолдирмаган. Бошлиқнинг дағ-дағасидан кўрққан-да у бечора ходимлар ҳам. Ҳа, бу ерда эринг айбдор. Буни ўзинг ҳам билиб турибсан. Шундай экан, уни аяб ўтирма! Хиёнат қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўй. Нима, сенинг орқандан юрганлар йўқми? Бутун бойлигини оёғининг остига ташлайман деганлар қанча. Ҳамон гул кўтариб келиб турганлар ҳам бор. Сен бўлса, ўзингни фақат эрингга бағишлаб юрибсан-а... Қадрингга етмаган одамнинг боридан йўғи яхши. У ҳам хор-зор бўлиши керак. Кўрқма, эрсиз ўлиб қолмайсан. Қани, тур, ўйланма!»

Малика бундай нохуш ўйлардан базўр қутуларди. Баъзида юраги эзилиб, кўзларидан шув этиб ёш оқарди. Кейин бирортаси кўриб қолмасин, деб шоша-

пиша артишга тушарди. Ўзини қўлга олганда эса яна бир қандайдир куч уни ёвуз фикрлардан воз кечишга ундарди.

«Сабр қил. Шайтоннинг гапига қулоқ солма. Сен ҳали қаердан биласан, балки буларнинг барини ҳақиқатдан ҳам кимдир атай уюштиргандир? Ҳамма расмларда, ҳатто журналдаги суратда ҳам ўша аёл экан, бу бир кишининг душманлик иши эканлигига наҳот ақлинг етмаяпти? Эрингни ишдан бўшатиш, сенинг мустаҳкам иродангни синдириш, номусингни булғаш учун атайлаб қилинган бўлса-чи. Яхшилаб ўйла, Малика. Бир томонда фарзандларининг бўйи етиб турибди. Олдинда қатор-қатор тўйлар бор. Агар ажрашсанг кунинг кимга қолади? Нияти бузуқ Баҳромгами? Бу кўнгилсиз воқеаларни у содир қилаётганини наҳот пайқаматган бўлсанг? Агар ёдинда бўлса, «Исботлаб бераман» деганди. Мана қандайдир йўллар билан исботлади ҳам. Хўш, энди унинг гапига, у олиб келган беҳаё расмларига ишонишинг керакми? Сен ақлли аёлсан. Етти ўлчаб бир кесишинг зарур. Кейин афсус-надомат қилганингни фойдаси йўқ. Ойла муқаддас нарса. Уни асраб-авайлаш кўпроқ сен каби оқила аёллар қўлида. Душманнинг синов учун берган ёлғон зарбидан дарров ўзингни йўқотиб қўйма. Ақл билан иш тут. Сабр таги олтин, деб бекорга айтишмаган. Сабр-қаноатли бўл, Малика!»

Шўрлик Малика икки ўт орасида қолганди. Нима қилиш кераклигини билолмай, ҳайрон. Сабр қилай деса, эрини кўрган сари ёниб кетарди. Ёқасидан олай деса, сал нарида тиржайиб турган Баҳром кўзига кўринарди...

Алламаҳалгача қизининг ёнида ётган Малика беихтиёр марҳума онасини эслади. Раҳматли бир гапни кўп такрорларди. «Эшит, – дерди қизини ёнига ўтказиб олиб.

– Инсоннинг икки елкасида биттадан фаришта ўтиради. Чап елкасидаги фаришта гуноҳ ишларини, ўнг томондагиси эса қилган савобу яхшиликларини ёзиб туради. Яратган эгам ўз бандаларига меҳрибон зот. Буни қара, агар бандаларим савоб иш қилса, дарҳол ёзинглар, деб ўнг елкада ўтирадиган фариштага кўрсатма берган экан. Мабодо гуноҳ қилиб қўйса, чап елкадаги фариштага сабр қилишни уқтирган экан. Яъни «Эрталаб гуноҳ иш қилса пешингача, агарда кундузи содир этса, кечқурунгача ёзмагин, балки бандам ўз гуноҳига дилдан иқрор бўлиб, астойдил тавба қилса, мен уни мағфират қилувчиман», деб амр қилган экан. Бу гапларда ҳикмат кўп, қизим. Одамзот шайтоннинг эмас, раҳмоннинг гапига қулоқ солиши зарур. Шундагина қилган ишларидан пушаймон бўлмайди. Доимо сабрли бўл, она қизим!»

Малика марҳума онаси билан хаёлан гаплашганича тунларни бедор ўтказарди. Фақат тонгга яқингина кўзи илиниб бир зумгина ором оларди. Бироқ у уйқусида ҳам тинч ётмасди, тушида кимлар биландир урушиб чиқарди, эрталаб турганда бутун вужуди зирқираб оғир, баттар толиққан, баттар эзилгандай ҳис этарди ўзини. На кечаси, на кундузи тинчлик йўқ эди бечора Маликага.

Баъзида кечалари бўладиган аёз гўё қаттиқ қишдан дарак берарди...

\* \* \*

Йўқ, энди бундай яшай олмайди. Қачонгача қўлу қовуштириб ўтиради. Юрагини эзиб, ўзига ўзи азоб бергани етар. Турмуши қандай осуда эди-я. Тинч ҳаёт

йўлида безори Баҳром пайдо бўлдию ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди. Энди ишининг қизиги ҳам, елиб-югуришининг маъноси ҳам йўқолгандай. Эридан-ку бутунлай кўнгли қолди. Расмлар минг уюштирилган бўлса-да ўша беномус аёлни сувдан кўтариб чиққани, қирғоққа ётқазиб ўпгани рост эмасми? Ахир ҳаммаси аниқ-тиниқ кўриниб турибди-ку. Яна қанақа исбот керак?

Эрининг беҳаё қилиқлари муҳрланган суратларни ўйлар экан. Малика тутоқиб кетарди. Шундай пайтларда юраги зардобга тўлиб кетган аёл шарт ўрнидан туриб рақиби билан курашга отланганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳа, ҳеч нарсани кутмайди, ортиқча сабр ҳам қилмайди. Энди унинг йўқотадиган нарсаси йўқ, ҳозироқ бориб Баҳромнинг ёқасидан олади.

Энди эшик тутқичини ушлаган пайтда қандайдир куч уни яна тўхтатди. Сабр қилишга ундади. «Сабр! Ахир қачонгача! Ундан кейин нимани кутаман? Эрим, отаси қариб қолганлигини баҳона қилиб Жиззаҳга кетиб қолган бўлса, Баҳромнинг келишини, юрагимни тиглаб кетишини кутайми? Ахир бардошим тугаб боряпти-ку. Дардимни кимга айтай? Кимдан ёрдам сўрай?»

Малика кўз ёшларини тиёлмай, йиғлаб юборди. Ноилож ортига қайтди. Ўтирса, беаёв ўй, шафқатсиз хаёллар яна фикру зикрини яна ўғирлашини билиб, деразадан ташқарига – кеча ногоҳ ёғиб ўтган биринчи қорга термулди.

Мактабдан қайтаётган болаларнинг шодон қийчуви оламни бузарди. Ўғил болалар қор баҳона қизларнинг ортидан югуришади. Гоҳ узоқдан қор отишади, гоҳ яқин келиб юзига муздек қорни ишқаб кетишади. Гўё шу билан ўзларининг борлигини маълум қилгандай, қандайдир эски аламлиридан: балки ёзган хатларини ўқимай йиртиб юборганми ёхуд берган гулларини олмаганми, ишқилиб ҳам жаҳл, ҳам меҳр аралаш аяб-аямай хуморидан чиқиб олишаётгандай. Лекин қизлар ҳам анойи эмас чоғи, ўчини олиш учун ҳаддидан ошган болаларни қувлаб кетишади.

Беғубор ёшлик, меҳр-муҳаббат тўла нодонлик. Ҳазил-хузил ила ўтаётган бетакрор дамлар. Малика бу қувнок манзарага тикиларкан, мийиғида қулиб қўйди.

Бироқ унинг хаёли тиниқланган дамлар узоққа чўзилмади. Эшик очилиб ҳеч қутилмаганда остонада Баҳром пайдо бўлди. У сипо кийинган, юриш-туришлари аввалгидай шиддаткор эмас, ўзини босиқ тутишидан анча қуйилиб қолганга ўхшайди.

– Ниятингизга етдингизми? – деди Малика саломга алик олиш ўрнига.

– Қанақа ниятимга? – аллақачон диванга бориб ўтириб олган Баҳром пешонасини тириштирди.

– Расмларни ким жўнатди менга? Бу сизнинг ишингиз! Одам дегани ҳам шунақа пасткаш бўладими?

Ҳамон дераза ёнида турган Малика кесиб-кесиб гапирди. Баҳром ўзини ҳеч нарсадан хабари йўқдай тута бошлади.

– Расмлар? Нималар деяпсан, Малика.

– Сиз нима қилган бўлсангиз, шуни гапиряпман! Лекин бу номарднинг иши, билиб қўйинг! Яна севаман деб оғиз кўпиртирасиз-а? – деди жаҳл билан Малика.

– Севешим рост. Фақат...

– Бас қилинг! Чиқинг, хонамдан!

– Хафа бўлдингми? Сен мендан эмас, жонажон эрингдан хафа бўлишинг керак. Агар билсанг, менга раҳмат айтишинг лозим. Кўзингни мошдек очиб қўйдим, қандай аблаҳ одам билан яшаётганингдан огоҳ этдим.

Музаффарни хиёнаткор, разил одам эканлигини, сенга бевафолик қилиб юрганини исботлаб бердим. Хўш, гапимга энди ишондингми? Куппа-кундузи бегона аёл билан кучоқлашиб, ўпишиб юриш севган одамнинг ишими? Мана, яна бир марта кўриб қўй. – Қизишиб кетган Баҳром костюмининг чўнтагидан бир даста суратлар чиқариб Маликага узатди, – Ма, ол! Хўш, гапир. Сени бирор марта чўмилишга олиб борганми? Мана бу аёлга ўхшаб, меҳр билан икки қўллаб кўтарганми? Ёки «Мовий гүмбоз»га олиб бориб қўлларингдан ушлаб ширин суҳбат қўрганми?

Малика томоғига тиқилган тахир нарсани аранг ютди. Баҳромнинг қўлидаги расмларга қарагиси, эрининг янги саргузаштлари бўлса, томоша қилгиси келди. Бироқ...

– Шунақа пасткашлик қилишдан уялмайсизми?

– Бу пасткашлик эмас. Агар билсанг, бу – бир вақтлар меҳри тушган ва севиб қолган, аммо унга етишолмаган аёлни бевафо эридан ҳимоя қилиш дейилади. Ке, қўй, Малика, Музаффар ўзи сенга муносиб эмасди. Фақат чиройли гаплари, севдим-куйдим деган шеърлари билан бошингни айлантиргани холос. Ширин сўзларга маҳлиё бўлиб қандай турмушга чиққанингни ўзинг ҳам билмасанг керак. Мендек ғурури баланд, тўғри сўз, ҳақиқий севган йигитлар эса паст кетмаганмиз. Хўш, мендан устун қўйган эринг, шуми?

– Сизнинг ишингиз бўлмасин, билдингизми? Марҳамат қилиб, хонани бўшатиб қўйинг.

– Ҳайдамасанг ҳам кетаман. Лекин мендан бекорга ранжияпсан. Ўшанда гапимга ишонмагандинг, мен фақат уни исботлаб қўйдим холос. Мана, эрингни кимлигини билиб ҳам олдинг. Нима, ёмонми? Ахир у сени бир умр алдаб юриши мумкин эди-ку. Қуда-андала бўлганда билиб қолсанг, нима бўларди? Бундай шармандаликка чидай олармидинг? Билсанг, мен сени ботқоқдан чиқариб қўйдим. Кўрнамак эрингни кимлигини вақтида билиб олдинг. Энди нима қилиш кераклигини ўзинг биласан. Ҳа, айтгандай, Музаффар билан ажрашмадингми?

– Ажрашгандир, деб ўйладингизми? Бечора Малика эрчис қолган бўлса, борақолай деб келибсиз-да.

– Бирга яшаяпсанми?

– Ҳа.

– Ёлғон гапирма. Мен ҳаммасини биламан. ЗАГС га ҳам бориб келдим. Ажрашди, дейишди. Кечагинда уйингга телефон қилиб ўғлингдан сўраб олганман. Эринг аллақачон кетиб қолибди-ку, кимни алдаяпсан?

Маликанинг юзига ним кулгу югурди. Шкаф томонга қараб аста қадам ташларкан, режаси тўғри чиққанлигидан ичида хурсанд бўлди. Демак, «Никоҳ уйи»га бориб тўғри қилган экан. Яхшиям ҳар эҳтимолга қарши деб у ердагиларни огоҳлантириб қўйгани. Ўғли ҳам уқтирган гапларни айтибдики, боплабди. Малика психолог дугонасидан яна бир бор миннатдор бўлди. Тўғри айтган экан. Наҳот шундай иш бўлишини олдиндан сезган бўлса?

Шкафни очган Малика у ердан конвертни олди-да келиб Баҳромнинг олдига ташлади.

– Олиб кетинг! Энди ҳаммаси кундай равшан.

– Мендан хафа эмасмисан?

– Йўқ, раҳмат сизга. Кўнглингиз жойига тушган бўлса, марҳамат, кетинг энди.

– Менинг мақсадим бунақа эмасди, Малика. Сенга дўстликни таклиф қилгандим.

– Ҳаётимни заҳарлаган одамни кўрарга кўзим йўқ.

– Ҳаётинг ҳали олдинда, Малика, – Баҳром расмларни конвертга жойлагач, ўрнидан туриб стулга келиб ўтирди. – Фақат мени ёнингдан ҳайдамасанг, бас. Сен учун жонимни беришга тайёрман.

– Кетинг!

– Бир марта бағримга босмагунимча тинчимайман.

– Кетасизми-йўқми?

– Сен яна жаҳлимни чиқаряпсан, – Баҳром бирдан юмшади. Қўлидаги конвертни стол устига ташлаб ичидан расмларни қайта чиқарди. Шошмасдан кўраркан, ҳам ачиниш, ҳам пичинг, ҳам ғараз аралаш гапида давом этди. – Аслида эринг билан ажрашганинг чакки бўлибди. Сал шошибсан. Бу нохуш манзараларни атай суратга олганимни сезмадингми? Сезгансан, бироқ Музаффарни кечирмагансан. Лекин мана бу аёл «Шоира қиз» ролени тоза боплаб ижро этди-да. Сув тегса борлиги билинмайдиган чўмилиш кийимлари билан сени доғда қолдирди. Атай ўзини чўкканга солса, эринг бечора уни икки қўллаб қўтқариб юрибди. Қирғоққа чиққач соддалик қилиб нафас олишини текширса, шоира қизимиз уни шарт ўпиб олади. Сўнг бағрига тортади. Қандай ажойиб кўриниш. Мана, бучи? Машинада ҳам сценарий бўйича бўйнига осилган ва ўпиб олган. Хуллас...

– Гапингизни ғирромлик билан исботлабсиз-да.

– Агар хоҳласанг ҳаммасини ёндириб ташлайман. Ҳали сендан бошқа ҳеч ким билмайди. Истасанг, кечирим сўрайман. Тиз чўкишга ҳам тайёрман, Малика. Қилган гуноҳимни оқлай, хўп, де. Мен аҳмоқ қайсарлигингни билардим, аммо ироданг синса, қийналсанг, таклифимга рози бўларсан, деб ўйлагандим.

– Ҳеч қачон!

– Эрингни ишига қайта тиклаб қўйсам-чи?

– Керак эмас!

– Яхшилаб ўйлаб кўр, Малика.

– Жуда яхшилаб ўйлаганман. Энди ўч олиш навбати менга келди. Сизни ҳам шундай шарманда қилайки, бировнинг ширин оиласини иккинчи бузмайдиган бўласиз. Мен бу ишга ҳеч кимни аралаштирмаган эдим. Энди керакли одамларни ишга соламан. Яланғоч ҳолатда дарвозангиз тепасига осиб кетишди сизни! Бола-чақангиз, кўни-қўшнилари бир томоша қилишсин. Бўйингизга шундай хат ёзиб илиб қўяйки, ўқиганлар афтингизга туфлаб ўтишсин. Шунақа, энди орқага қайтиш йўқ. Мард бўлиб майдонга чиқдингизми, бу ёғига ҳам чидайсиз!

Малика Баҳромнинг ранги ўзгара бошлаганини кўриб гапини тугатди ва ҳеч нимага қарамай шарт хонадан чиқиб кетди.

Бундай гапларни кутмаган Баҳром хиёл вақтгача ўрнидан қўзғала олмади. Сўнг ҳозир қўлга тушиб қоладиган ўғридай секингина поликлиникани тарк этди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Тошкент ҳалқа йўлида пайдо бўлган «Мерседес» русумли машина Янгийўл шаҳри томон шиддат билан бурилди...

\* \* \*

Орадан уч-тўрт кун ўтиб қабулхонада яна телефон кетма-кет жириглади. Беихтиёр трубкани қўлоғига тутган Маликанинг қовоғи уюлиб, пешонаси тиришди.

– Яхшимисан, Малика... Баҳромнинг таниш товуши эшитилди гўшақдан. – Нима ишим бўларди. Соғ-лигингни, тинч юрганингни билмоқчийдим... яхши бўлса, хурсандман... Йўқ, шошмай тур. Сенда зарур ишим бор. Телефонда айтиб бўлмайди.

Кўришим керак. Қачон борай?... Йўқ дема, бўлмаса, огоҳлантирмай кириб боравераман. Нима, ишхонангда жанжал кўтаришимни хоҳлаяпсанми? Кўрарга кўзинг йўқ бўлса-да, кўрасан! Гапларимни эшитасан! Эртага албатта бораман. Алло, нега индамайсан? Алло, гапирсанг-чи?

– Яна нима истайсиз мендан?

– Яхшилаб гаплашиб олишимиз керак.

– Истамайман!

– Унда, эрталабдан бориб оламан-да, «Малика, менга турмушга чиқ!» деб бақира бошлайман.

– Бу ҳафта ишларим жуда кўп.

– Унда кейинги ҳафта бораман. Хўш, душанба оғир кун, сешанба... сешанба бемалол. Алло, эшитяпсанми? Сешанба кун албатта бораман, келишдикми? Нега энди, кечга яқин? Менга фарқи йўқ! Бўлди, бўлди, келишдик.

Баҳром гўшакнинг пешонасидан ўпиб, аста жойига қўйди. Оғзининг таноби қочди. Наҳот, Малика ўзгариб қолган бўлса? Ундан осонликча қочиб қутулмаслигини билдимикин? Ёки эрига аччиқ қилиб... қизиқ? Лекин у дарров таслим бўладиган аёллардан эмасди-ку? Нима жин урдийкин?

Айланма курсида ҳузур қилиб ўтирган Баҳром гоҳ таажжубга тушса, гоҳ ширин хаёлларга берилди. Ишни ўйламаслик учун котибани чақириб, бирор соат безовта қилмаслигини тайинлади.

«Малика, Малика. Наҳот таклифимга рози бўлсанг? Ахир сен ор-номусни ҳар қандай нарсадан юқори қўярдинг-ку? Нима бўлди сенга? Ёлғиз қийналдингми ёки пулга зориқдингми? Иш тугашига келинг, дейишингни тушунолмай қолдим. Ростдан ҳам мен билан гаплашгинг келяптими ёки атай шундай дедингми? Балки ўйлаб кўриб ҳамон яхши кўришимни тушунгандирсан-да. Лекин сени оғир ташвишга қўйдим. Тинчгина турмушингни бузиб, юрагингни тилка-пора қилдим. Сен мени асло кечирмасликка ҳақкинг бор эди. Ҳатто исмиمنى эшитишга тоқат қилолмасдинг-ку, Малика? Нима бўлди сенга?

Мен эса сендан асло хафа эмасман. Хира пашадек атрофингда айланаверсам-да, аслида сенинг ҳаракатларингни тўғри деб баҳолайман. Ичимда, ҳақиқий пок аёл шундай бўлиши керак, деб тан бераман. Эринга бўлган садоқатинга, меҳр-муҳаббатинга лол қоламан. Сени ўйласам, ишхонадаги кўз сузиб ишва қилаётган баъзи жувонлардан нафратлана бошлайман. Уларни эзиб ташлагим келади. Бачкана қилиқларини кўриб энсам қотади. Бир оғиз гапимга «йўқ» демай, «Ўйлаб кўриш керак» деб нозланишини кўриб, ёқамни ушлайман. Кейин менга нима, деб қўл силтайман-да, уларни майна қиламан, устидан куламан, бу кунингдан баттар бўл, деб хўрлайман. Сен эса... бутунлай бўлакчасан, Малика. Ўз қадрингни биласан. Уни хор қилмайсан, бировга ҳам хор қилдириб қўймайсан. Шунданми, олдинга интилавераман. Сен билан дилдан суҳбатлашгим, қилбимдаги дардларимни, ичимни кемираётган изтиробларимни тўкиб сочгим келди. Гўё фақат сенгина уларни тушунадигандай.

Хотинимни севмаслигим рост. Уйлан, дейишди, уйланганман. Бироқ кўнглимдаги аёл бўлиб чиқмади, шунданми, ҳамон бефарқман. Негаки, дилгир эмас, покиза эмас. Эркак киши бора-бора хотиннинг туруш-турмушига, табиатига кўникиб кетаркан. Мендай йигитга нега шунақа анқов хотин учрайди, деб баъзида ёниб кетаман. Уни сенга таққослайману ҳаётимдан

нолий бошлайман... Сен латофатли аёлсан, Малика. Сенга уйланганимда албатта бахтли бўлардим. Армонсиз яшардим. Не қилайки, тақдиримиз бошқа-бошқа экан.

Бироқ мен сени яна учратдимۇ қайтадан дарвеш бўлиб қолдим. Билмадим, бу севгиданми ёки хирсданми, ажратолмай ҳалакман, Малика. Қайсарлигинг, чўрткесарлигинг, менга бўлган нафратинг, оиланга чексиз садоқатинг ва ойдаи ҳусну жамолинг, ҳамма-ҳаммасини кўшганда ҳам сени унутолмаяпман. Нечун? Бунга ўзим ҳам тушуна олмайман! Қалбимдаги шу ғалаговур фикрларни сенга айтгим келади. Аммо... энди айтолмаслигимга кўзим етиб турибди. Ёмон кўриб қолдинг. Мени кўришни ҳам, эшитишни ҳам хоҳламайсан.

Аслида... сенга ёмонлик қилмай, бошиданоқ дўст тутинсам бўларкан? Шунда сенинг нафратингга эмас, ҳурматингга сазовор бўлармидим.»

Баҳром кунни шу тарзда кеч қилди. Алламаҳалгача ухлолмади. Хотини Малоҳатнинг «Ҳм, нега, ухламаяпсиз?» деб бир-икки туртиб қўйганига деярли аҳамият қилмади. Вақт эса шундай имиллаб ўтардики, ё тавба ўн бирми, энди, ўн иккими?..

\* \* \*

– Салом, салом. Наҳот, мени кутаётган бўлсанг? – ичкарига ошиққан Баҳром Маликага қўл узатди.

– Мен сиз билан сўрашмайман.

– Шундайми? Наилож.

Баҳром шундай бўлишини аввалдан билгани учунми, заррача хижолат тортмади. Бориб диванга ўтираркан, аксинча, қувноқлик билан гап бошлади.

– Шундай қилиб кўзларимга ишонмай турибман. Қаршимдаги ғурури баланд Маликами ёки тақдирга тан берган ожизами?

– Сиз билан охирги марта яхшилаб гаплашиб олмоқчиман, – совуққина жавоб қилди Малика ўз ўрнига ўтираркан.

– Нега энди охирги марта? – Баҳромнинг жилмайиб турган юзи бирдан жиддий тус олди. Маликанинг кўзларига синчков назар ташларкан, икки ёнга ташлаб олган қўлларини йиғиштириб, олдинга бир оз эгилди ва яна қайта сўради:

– Нечун охирги марта?

– Етар, шунча азоб-укубат етказганингиз. Ҳаётдан тўйиб ҳам кетдим. Бошимни қаёққа уришни билмайман. Бу бевафо дунёда кимга ишонишим керак ўзи? Умид билан бир ёстиққа бош қўйган эринг билдирмай сенга хиёнат қилса. Иш билан овунай десанг, олдинга юришга йўл беришмаса, кимдир эса пайтдан фойдаланиб, ўйнаш бўлишга ундаса!

– Мен сени ўйнаш бўлишга ундаган эмасман!

Ҳалитдан буён жим ўтирган Баҳром гап шу ерга келганда негадир ўрнидан даст туриб кетди.

– Нима, ёдингдан чиқдимми, эрингдан ажрашгин, сенга уйланаман, деганим. Унамадинг, тўғрими? Айб ўзингда. Рост, сенга ёмонлик қилдим, лекин буларнинг барчасига жаҳл устида, ўзимни билмаган ҳолда қўл урдим. Э, нимасини атай. Қани энди мени кечирсангу, ўлгунча бирга бўлсанг.

– Тўртта болани ташлаб, хотинингиз билан ажрашармидингиз?

– Бўлмасам-чи! Уни севолмадим, Малика, севолмадим! Ҳеч қачон севолмайман ҳам. Тушунаяпсанми, кўнглим йўқ унда. Айниқса, ҳозир шундай кўнглим совиғанки...

– Шу гапларни хотинингиз эшитиб қолса, нима бўлади?

– Эшитса нима? Қўрқадиган жойим йўқ. Кетса, яна яхши, – деди Баҳром қўл силтаб.

– Ажрашдим. Тошкентдан иш ҳам топиб қўйдим дегандингиз-ку?

– Лекин сен менга тегишга рози бўлмаясан-ку!

– Гапингиз ёлғон эканлиги ошкор бўлдимми?

– Бу мен учун муаммо эмас, Малика. – Баҳром столни айланиб ўтиб Маликанинг олдига келди.

– Яқинлашманг.

Баҳром бир оз ортга чекиниш ўрнига Маликанинг стули орқасига ўтиб уни елкаларидан кучмоқчи бўлди. Малика силтаниб ўридан туриб кетди.

– Тортинг қўлингизни. Сизда озгина бўлса-да инсоф борми? Оиламни буздингиз, эримни ишдан олдингиз! Яна нима истайсиз?

– Меники бўлишингни!

– Ҳеч қачон!

– Сени тинч қўйишимни хоҳлайсанми-йўқми? – Баҳром ўйлаб ўтирмай Маликанинг ўрнига ўтириб олди. – Гапир, хоҳлайсанми?

– Хоҳлайман.

– Унда икки таклифимнинг бирига кўнишинг керак.

– Қайси таклифингизга?

– Нима, ёдингдан чиқдимми? Ё менга тегасан ёки ҳар замонда учрашиб тураммиз.

– Ҳеч қачон!

– Унда, охири шартимни эшит. Агар шунга ҳам рози бўлмасанг, ўзингдан кўр.

– Яна қўрқитмоқчимисиз ё... пасткаш ишларингизнинг давоми борми? – деди Малика ғазаб билан.

– Нима деб ўйласанг, ўйлайвер. Мақсадим сенга уйланиш! Агар бунга кўнмасанг, мен билан бир марта бирга бўласан. Бошқа сени безовта қилмайман. Эрак-лик гапим шу! Охири шартим ҳам шу! Фақат бир марта!

– Мени зўрламоқчимисиз?

– Керак бўлса зўрлайман ҳам. Яхшиси, ўзинг рози бўл, Малика, – деди Баҳром безрайиб туриб.

– Озгина уялсангиз бўларди.

– Врачда уят нима қилади.

– Инсон сифати-чи? Ёки одамийлик қиёфангизни ҳам йўқотганмисиз? – сўради Малика овози титраб.

– Охири шартимни айтдим сенга.

Малика бир зум ўйга толди. Кейин дераза ёнига борди. Ўгирилиб Баҳромнинг кўзларига тикилди.

– Ниятингиздан қайтинг, Баҳром ака.

Исмани эшитган Баҳром ғалати бўлиб кетди.

– Қайтолмайман, Малика, – деб юборди суст кетиб. – Сен билан бир мартагина бирга бўлсам, бўлди, бу дунёдан армонсиз ўтаман.

– Шу ердами?

– Хоҳлаган ерингда!

– Ҳазиллашмаяпсизми?

– Янгийўлдан ҳазил учун келганим йўқ!

Малика Баҳромдан кўзларини олиб қочди. Буни ўзича тушунган Баҳром аста у томон кела бошлади. Малика «на чора» дегандай елкасини қисиб қўйди-да, столи устидан калитни олиб қаршисида кўзлари ёниб турган Баҳромга узатди.

– Сизга шу нарса керакми?

Баҳром бир зум анграйиб қолди. Тили гапиришга айланмади. Қаршисида маюсланиб турган аёлга ти-

қиларкан, нима қилишни билмай, қўллари билинар-билинемас титрай бошлади. У кеча Маликанинг учрашувга розилик берганига таажжубга тушган бўлганди, ҳозирги ишидан эса тамомила лол бўлди.

«Нима бўлди бу қайсар Маликага? Наҳот тақдирга тан берган бўлса? Ёки кейинги тинчи учун ноилож рози бўляптимикин?» Баҳром ҳамон ўйларини йиғиб ололмаётган эди.

– Хўш, тураверамизми шунақа қилиб?

Баҳромнинг ори келди. Маликанинг қўлидан шарт калитни олди. Аммо эшикни беркитишдан аввал йўлакка чиқди, атрофга ўғринча назар ташлади. ҳаяжонланаётган бўлса-да, кўнгли бир оз жойига тушди чоғи, эшикни ичкаридан қулфлади.

– Бошқа безовта қилмайсизми?

– Йўқ! Қилмайман. Фақат бир марта... бир марта...

Бўлақол, ечинсанг-чи? Ёки ўзим...

– Намунча ҳаяжонланаяпсиз?

– Бирдан... ҳеч қутилмаганда...

– Бўпти, унда, ҳеч нарса бўлмади.

– Ие, нималар деясан? Шу нарсани бир умр қутиб яшайман-ку. Наҳот, сенинг ойдаи жамолинга бугун етишсам? Фақат... бунақа вазиятда... Сен билан... Ҳа, майли, нима бўлса, бўлди.

Бир зумда Баҳром турсикчан қолди. Сўнг қизариб-бўзариб чироққа ишора қилди.

– Менга барибир.

Баҳром ичидан тошиб келаётган қалтироқни қандай босишни билолмай беихтиёр чироқни ўчирди. «Шуниси маъқул. Ёруғда унга яқинлашолмайман. Юрагим дов бермайди. Кўзларига тик қарасам... шарманда бўлишим аниқ! Кейин устимдан... Э, Худо, ўзинг куч-қувват бер. Мени шарманда қилма!» Баҳром шу билан кўнглига таскин бергандай бўлди ва Маликага аста яқинлашаркан, овози титрашига қарамай, сўз айтишга ўзида куч топа олди:

– Ечинмайсанми, нега турибсан? Сенинг навбатинг.

– Йўқ, энди менинг навбатим! – Деразага тутилган қалин парда бир томонга «шарақ» этиб тортилдию...

Баҳром турган жойида ҳайкалдек қотиб қолди. Юзига «тарс» этиб тушган шапалоқдан ўзига келди. Бироқ дами ичига тушиб кетганидан тили айланмади, оёқлари қалтираб ўтиришга жой қидирди.

Малоҳат бориб чироқни ёқди.

Ранги бўздай оқариб кетган Баҳром Маликага еб қўйгудек бўлиб хўмрайди. У хотининг олдида бунчалар шарманда бўлишини асло хаёлига келтирмаган эди.

Малоҳат стул устига ечилган кийимларни олдида, эрининг башарасига қараб отди. Баҳром кийина бошлади.

– Сен хотинбоз неча марта қасам ичасан! Янгийўл қолиб, энди Тошкентга ўтдингми? Бу ерда хотиним билмайди деб ўйладингми? Эракмисан ўзи, эракмисан! – Малоҳат жон ҳолатда эрининг ёқасидан тутиб силтади. Эндигина тақилган қўйлак тугмалари тирс-тирс узилди.

– Қасамхўр. Хотиним яна кечираверади, деб ўйладингми? Бу кунингдан ўлганинг яхши эмасми? Гулдай умримни ҳазон қилдинг-ку, касофатинг ўзингга ургур!

Малика бу гапларни кутмаган эди. Демак, Баҳром аввал ҳам қўлга тушган экан-да? Нега бу ҳақда кеча

индамади, Малоҳат? «Ўз кўзим билан кўрмоқчиман. Нима деса «хўп» денг» деб ялингани бежиз эмас экан-да.

– Қани олдимга туш. Мен энди буни шундай қолдирмайман. Маҳалла-кўй олдида, ота-онанг олдида шармандангни чиқараман!

Баҳром «Кўйвор!» деб силтанди. Афтидан у ўзини ҳўкиздай етаклаб олиб кетишларини истамади.

– Йўқ, мен билан бирга кетасан!

– Маликада бир оғиз гапим бор.

– Гапир!

– Ташқарига чиқиб тур.

– Менинг олдимда гапирасан!

– Чиқиб тур! – ўшқирди Баҳром.

Ранглари кўкариб, титраб-қақшаб кетган Баҳромнинг кўриниши на фақат Маликани, балки Малоҳатни ҳам бироз кўрқувга солди.

– Чиқ, дедим сенга!

Малоҳат ноилоҳ эшикни очиб, ташқарига чиқди.

– Уйга борибсан-да.

– Бордим. – Овози титраб чиққан Малика аста столга яқинлашаркан, кўзи қирини қайчига ташлаб кўйди.

– Ўч олмоқчи бўлдингми?

– Яхши гапга кўнмадингиз.

– Мени бопладим, деб ўйлаяпсанми? Шундай қилсам, Баҳромдан қутуламан деб, хомтама бўлдингми? Э, йўқ, мендан осонликча қутулолмайсан. Шарманда қилиш қанақалигини энди сенга кўрсатиб кўяман. Ҳа, айтгандай, эринг билан ярашиб олибсанми? Ажрашмаган экансан-да. Лақиллатмоқчи бўлганмидинг? Ҳа, яхши, мана буни табрик учун олиб кўй. Эрингга ўзим алоҳида юбораман. Омон бўл!

Баҳром шарт орқасига бурилди. Эшик «қарс» этиб ёпилди. Оёқларидан мадор кетиб ўзини зурға тутиб турган Малика курсига ўтириб қолди. Стол устига ташланган оддий конвертга кўрқибгина қараб кўйди. Кейин юрагига ғулғула тушди.

«Нима бўлиши мумкин ичида?» Чақмоқдек ялт этиб фикридан конверт кўзига катталашгандек кўриниб кетди. Бундан юрагини баттар ваҳима эгаллади. Ваҳима борган сари бутун вужудини қамраб олди. Йўқ, Малика жойида ўтира олмади. Ўрнидан отилиб турди, ҳозирок бориб конвертни ушлаб қолмаса, гўё унинг ичидан қандайдир кўрқинчли маҳлуқ чиқиб қоладигандай пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди ва шарт конвертга ёпишди. Қўллари титраганича бир амаллаб уни очдию бир қанча суратларга кўзи тушди.

Маликанинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Базўр ютинаркан, суратларга тез-тез нигоҳ ташлади: уларнинг бирида Баҳром Маликанинг қўли устига қўлини кўйиб турибди. Бошқасида Баҳром унга қандайдир тилла занжир узатяпти. Кейингисида Малика тақинчоқни кўлига олиб кўряпти. Ундан сўнг... Бирдан Маликанинг кўзи олди қоронғулашиб кетди. Оёқлари қалтираб аранг диванга этиб борди.

– Вой, ифлос-ей, буларни қандай ўхшатди экан? Фижимлаган суратда гўё Малика Баҳромнинг бўйнига осилиб олган, Баҳром эса уни маҳкам қучиб турибди. Бошқа биттасида уларнинг ўпишаётгани акс этган.

Малика қўлидаги расмларни нима қилишини билмай қолди. Уларни қанча ушлаб турган сари юрагини шунча ваҳима босар, ичида бирдан пайдо бўлган олов бутун вужудини тобора куйдириб, қовжиратиб борарди.

Бу расмлар Музаффарнинг қўлига тушиб қолса, нима бўлади? Бунақа пайтда эркак киши мулоҳаза қилиб ўтирармиди? Ҳамма нарсани остин-устинини чиқариб ташлайди-да, кейин ўйлаб кўради. Малика эрини билмаса экан. Балки Баҳром аллақачон эрига ҳам уни бадном қилувчи бу суратларни етказган бўлсачи? Ёки ҳозир йўл-йўлакай ташлаб ўтса-чи? Музаффар қандай кўйга тушдийкин? Тишини қайраб эшик олдида кутиб тургандир?

«– Мени Жизахга жўнатиб юбориб, нима ишлар қилиб юрибсан?! – Малика юзига тарсаки тушгандай сесканиб кетди. – Хўш, энди сен бу суратларга нима дейсан? Шу йўл билан мендан қасос олмоқчи бўлдингми? Садоқат, аҳду вафо ҳақидаги гапларинг чўпчак бўлиб чиқдимми?»

– Мен... мен бу одамдан занжир олмаганман.

– Унда, ўпишганинг-чи, у ҳам ёлғонми?

– Ёлғон! Ҳаммаси ёлғон!

– Мени лақиллатолмайсан! Йўқол, кўзимдан!»

Малика тамомила ўзини йўқотиб кўйди ва беихтиёр «Эй, Худойим, тухматдан ўзинг асра!» деб юборди. Кейин нафаси сиқилаётгандай бўғила бошлади. Бир зумда расмлар хиралашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Юрагини чангаллади. Нимадир демоқчи, кимнидир чақирмоқчи бўлди, бироқ овози хириллаб чиқди. Оғриққа чидолмай олдинга энгашди. «Йўқ, бу хавфли». Бундай фикр унинг хаёлидан кечдими ёки кимдир қулоғига шивирладими – билолмади. Малика амаллаб қаддини тутди. Энди унга яна озгина куч, салгина қувват керак эди: Малика сўнгги кучларини йиға бошлади: бармоқлари орасида қолган расмлар аста фижимланди, кўзлари қисилиб, пешонаси ажинга тўлди, қуруқшаган лаблари оҳиста пичирлади:

– Ифлос, тухматинг бошингни... есин!

Малика ўрнидан тура олмади. Юрагини ушлаганича диванга ёнбошлаб йиқилди. Қўлидаги суратлар полга тушди. Худди шу пайт хона эшиги очилиб, остонада фаррош аёл кўринди. Маликанинг бармоқлари суратларни бир амаллаб диван остига сура олди...

\*\*\*

Қиссанинг ушбу бобини ёзмоқчи бўлмаганимни энди англагандирсиз, Баҳромни беғуноҳ бир аёлга қилган ёмонликлари ўзи учун фожиага айланишини сира кутмагандим. У Маликанинг сўнгги огоҳлантиришидан тўғри хулоса чиқариб олди, деб ўйлагандим. Бироқ, Баҳром яна шайтоннинг васвасига учди. Маликанинг ёнига қайтиб борганида... минг афсуски, уни ажал қувиб келган экан. Хотини пойлаб келганидан жаҳли чиққан, аёллар ичида шармандаи шармисор бўлганидан фиғони фалакка кўтарилган Баҳром машинанинг мингга кўйиб учуриб кетди. Қоронғу тушиб қолганига, Малоҳатнинг «хай-ҳайи»га эътибор ҳам бермади: «Сенми мени пойлайдиган! Сенми ҳали мени шарманда қиладиган!» дея бақирди, ўшқирди, елкасидан итариб-итариб юборди. На светофорнинг қизил чироғига, на қаршисидан келаётган машиналарнинг «четроқ юр» дегандай қилган сигналига, чироғини ёқиб-ўчишига парво қилмади. Оқибатда эса... Янгийўлга кираверишдаги светофорнинг қизил чироғида бирдан тўхтаган «Камаз» машинасини пайқамай қолди.

Малоҳатнинг «Кўзингга қара!» деб қичқирғидан ўзига келганда эса... кеч бўлди.

Малоҳат болаларининг бахтига тирик қолди. Охири сонияда бошини сақлаш учун ўзини ён томонга ташлагани жонини омон қолдирди – Аллоҳнинг унга раҳми келди. Баҳром эса машина рулини чангаллаганича жон таслим қилди. Унинг чақчайган кўзлари очиқ қолди.

Тонгга яқин Тошкентдаги шифохоналарнинг бирида Малика ўзига келган бўлса, Янгийўлдаги шифохонада Малоҳат ҳушига келиб кўзларини очди.

Ҳожеадан беҳабар бўлган Малика дарҳол Малоҳат ҳақида ўйлади: уйига тинчгина етиб олдими-

кин? Шарманда бўлган Баҳром йўлда уриб-нетмадимикин?

Ҳуши ўзига келган Малоҳат шу ондаёқ Малика тўғрисида ўйлади: ўз номига, аёллик шаънига, муқаддас оиласига доғ туширмаган аёллар бор экан, ҳали уларнинг иймонига путур етмаган экан, дунё давом этади, этаверади! Қиёмат бўлмайди.

Бироқ... Қиёмат ҳақ гап.



## БИРИНЧИ УЧРАШУВ



Муниса ЖУМАНАЗАРОВА

# Бахтимни опичлаб қуйлаган бешик

### Ватан

Қўшчинор йўлимга кўз тикиб турар,  
Онамнинг дуоси унинг кафтида.  
Мени олисларга бошлади йўллар,  
Юрагим ранг олар соғинч тафтида.

Қишлоқ қўёшини қумсаган қалбим,  
Қушларга шивирлаб айтди розини.  
Қозоннинг қошида ўлтирибман жим,  
Тўқолмай юракнинг эътирозини.

Бахтимни опичлаб қуйлаган бешик,  
Онам алласига қориштиргай завқ.  
Толларнинг бошлари йўлимда эгик,  
Богларда қизариб юрибди шафақ.

Тупроқни ун каби элаган йўллар,  
Ҳар тонг ўпиб олар деҳқон пойини.  
Жисмимни қуйдириб кетгандек бўлар,  
Инсон соғинаркан ўсган жойини.

### Соғинч

Дарахтлар япрогини титратади куз,  
Майсалар фарёди дилни ўртади.  
Мен эса богларда юрибман унсиз,  
Келсайди менинг ҳам кутганим энди.

Хазонлар шивирлаб айтаяпти роз,  
Юракнинг тубидан кўчади ўкинч.  
Олис-олислардан янграган овоз,  
Ногоҳ кўзларимга тўлдирар соғинч.

Бу ўша бошимда гул сочган ўрик,  
Тушини сойларга айтган мажнунтол.  
Қўшчинор қартайиб қолибди шўрлик,  
Аёвсиз қийнайди кўнглимни савол.

Баҳор, сен қаяққа кетдинг адашиб?  
Қидириб юрибман илдизларингни.  
Умримни олдилар кунлар талашиб,  
Хазонлар яширди ой юзларингни.





Гулноз САТТОРОВА,  
Филология фанлари номзоди

## ЧЎПЧАКДАН МУДДАО НЕ?

(Назар Эшонқулнинг “Сибизга воласи”  
ҳикоясини ўқиб)

Йигирма биринчи асрда умуминсоний муносабатлар ўзига хос шаклу шамойилда намоён бўла бошлади. Бироқ минг йиллардан буён тилдан тилга кўчиб келаётган ривоятлар, чўпчагу афсоналар борки, уларнинг маъно-моҳияти ҳали тўлалигича англаб етилмаганга ўхшайди. Шунинг учун бўлса керак, бундай мифларга қайта ва қайта мурожаат қиламиз. Бу асотирлар зоҳиран жўн, ботинан эса дунёнинг ўзи каби турфа товланади. Ровий бир маънони сўзласа, тингловчи бошқа маънони англаши мумкин. Дарвоқе, воқеликни, инсон феъл-атворида бўлаётган ўзгаришларни, унинг фаолиятини бадиий шаклда қайта яратиш, ундан ижтимоий-фалсафий маънолар чиқаришга уриниш ёзувчиликнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Айниқса, мавжуд миф ва афсоналарни бадиий тафаккур тарзида асарга олиб кириш, турли ифода йўсинлари орқали давр руҳини, қаҳрамонларнинг қалб кечинмаларини ифодалаш, улар орқали китобхонни фалсафий мушоҳадага ундаш Назар Эшонқул услубининг етакчи принципларидандир. Шу сабаб бўлса керак, унинг “Шамолни тутиб бўлмади”, “Тобут”, “Хароба шаҳар сурати” каби ҳикояларида қадимий афсона ва ривоятлар нафасини ҳис этамиз.

Бизга маълум Искандар Зулқарнайн билан боғлиқ юзлаб афсоналар ичида унинг шоҳи борлиги ҳақидагиси машҳур. Ана шу қадим афсона ёзувчи Назар Эшонқул томонидан “Сибизга воласи” ҳикоясида яна бир бор қаламга олинган. Биламиз, адиб ҳикояларида кўпинча шаклий ўзига хослик устуворлик қилади. Воқеаларни рамзлар орқали бериш, ўтмишга мурожаат, мавҳумотнинг сири томон китобхонни етаклаш унинг ижодига хос. Бу ҳикояда ҳам адиб услубидаги шу жиҳатлар бир қадар кўзга ташлангандек туюлади. Аввалига ўқувчи ёзувчининг қадимий афсонага ёндашувидаги янгича талқинидан умидвор бўлади ва бу табиий. Ҳикоя бош қаҳрамони ҳам, ҳикоячи ҳам

сартарош. У эринмасдан воқеагача бўлган тафсилотларни баён қилади. Асарда шаҳар қисматига сартарошсиз қолиш фожеаси битилган, аслида инсонни ҳайвондан айирувчи асосий жиҳат ҳам соч-соқолини олиб, ўзига оро бериб юришидадир, у эса мамлакатдаги охириги сартарош. Ёзувчи ёвуз ҳукмдор асраётган сир фуқароларни орқага, жаҳолатга қайтаришга сабаб бўла бошлади, демоқчидек туюлади. Ҳикоячи ровий ҳикояни совуққонлик билан баён этади. Унинг Искандарнинг соч-соқолини олган сартарошларнинг номаълум ва ваҳимали қисматига бефарқ эмаслигининг ўзиёқ қандай қилиб бўлмасин ўз қисматида бурилиш ясаши, ўзини кутаётган фалокатга қарши чора топиши муқаррар эканини англатади. “... бадиий асар қаҳрамонларнинг таъсир кучи — уларнинг ижобий ёки салбий бўлишида эмас, балки бу қаҳрамонларнинг ҳаётлигида, яъни ҳаёт ҳақиқатида мослигидадир”-деб ёзганди атоқли адабиётшунос Иззат Султон. Мазкур ҳикояда ҳам ёзувчи ўқувчини афсонада акс этган ҳақиқатни англашга уринишини, интилишини истади ва асосий воқеа сартарош ва Искандар учрашганида рўй беришидан умидвор бўлади, бироқ минг йиллик ривоят яна аввалги ҳолида шууримизда қайта уйғонади. Хўш, ёзувчининг мақсади нима? Назаримизда, ёзувчи инсон феъллидаги азалий қусур — бировнинг сирини сақлай олмасликка диққатимизни тортаётгандай, неки бир кишига ошкор бўлса, сўнг ҳеч ким учун махфий бўлиб қолмагай, демоқчидек туюлади. Чунки ҳикоянинг асосий мақсади ҳам Искандарнинг сирини ҳатто қамиш ҳам кўтара олманлиги бўлса, яна бир жиҳати уни эзгулик тимсоли деб билган одамлар аслини билмасликлари, яъни у ёвузлик тимсоли эканини англаштириш истаги сартарош шуурини қамраб олганлигидир. Бу билан у инсониятни фалокатдан сақлаб қолишга уринади гўё. Зотан бутун бошли мамлакат фуқаролари Искандарни Ахурамазда (Яхшилик худоси)нинг боласи деб би-

лади. Сартарошни эса одамларга ҳақиқатни айтиш истаги азоблайди. Унда исёнкор руҳ уйғонади. "... бутун мамлакатни ёндирадиган аланга ловуллаб, мени тафтида қовуриб-қовжиратиб тургандай туюларди. Ичимдаги оловни ҳеч нарса билан ўчириб бўлмасди. Ўчириш учун фақат ичимдагини айтишим керак эди". Қаҳрамоннинг ички изтироблари беихтиёр яқин ўтмиш воқеаларини ёдимизга солади. Бир вақтлар бутун бошли СССР деган манфур давлатнинг фуқаролари Сталин отлиғ қаттолни илоҳ деб билмадиларми?! Сохта ғоялари учун жон тикмадиларми?! Кўр қудуқлар ютмадимми қанча дарду азобларни? Қамишлар ноласига айланмадимми улар? Бироқ инсон учун ўзининг жонидан кўра яқинлари: оила аъзолари, фарзандларининг жони азиз, уларнинг ҳаёти қадрли. Сартарош ўзи билган ҳақиқат йўлида уларни қурбон қила олмайди, гарчанд бу ҳақиқат одамларни жаҳолат чангалидан қутқаришга хизмат қилса ҳам. Тилсиз гунг қудуқларга дардини айтишдан бошқа чора топа олмайди. "Қамишлар шовурига қулоқ тут" деган ёзувчининг ишораси инсониятнинг адашишларига ишора. Аммо масаланинг яна бир жиҳатига диққатимизни қаратамиз. Ҳар ҳолда Назар Эшонқулдай анчайин катта ёзувчи мазкур ҳикояни ёзгани учун шундай фикрламаяпмизмикан... Қадимги миф ва афсоналарни бадиий ифодалаш усули замонавий ҳикоячилигимизда (Ш.Холмирзаев "Қадимда бўлган экан", Х.Дўстмуҳаммад "Жажман") кузатилган ҳодиса. Бу ҳикояларда ҳам адибларнинг фалсафий қарашлари рамзлар орқали ифода этилади. Улар билан қиёслаганда ёзувчи Назар Эшонқулнинг мақсади амалга ошмай қолгандай, назаримизда. "Сибизга воласи"да адиб ўз ғоялари, инсон ва жамият ҳақидаги қарашларининг бадиий ифодасини қадимдан барчага маълум ва машҳур бўлган ривоятга юклашга уринган, халос. Ёзувчи инсон ва ижтимоий муҳит муаммоларини маълум рамзлар зиммасига юклайди. Аслида бу ҳикояни бошловчи ёзувчи ёзганида: нега керак ҳаммага маълум бир ривоятни қайта ёзиш, фақатгина сартарошнинг руҳий ҳолатини очиш учунми, шундоғам бу ривоят ҳар бир эшитгучининг тасаввур қуввати ва тафаккур даражасига билан талқин этилган, мутафаккир аждодларимиз қамишлар ошкор этган сирнинг бу қадар боқийлиги ундаги инсоният табиатини англашиш мақсадининг ўзидагина эмас, балки ижтимоий юк залворидан эканлигини теран ҳис этганларига ишончимиз комил, деб энсамиз қотган бўлармиди...

Шуни таъкидлашни истардикки, миф ва афсоналарни ҳикоя даражасига кўтариш зарурияти ёзувчи топган талқиннинг қанчалар топилма эканлиги, яъни янгилигига боғлиқ бўлмоғи лозим. Жанр талаби деган тушунчани ҳам унутмаслик лозим. Ҳикояни ҳикоя даражасига кўтариб турадиган жиҳат энг аввал воқеада очиладиган образнинг маънавий-психологик ҳолатидир. Уни қанчалар очиб бера олиш эса бадиий тафаккур кудратига боғлиқ. Бадиий ифода йўсини эса ҳикоянинг асосини, ёзувчи мақсадини очиб бериш имконини беради, холос. Назар Эшонқулнинг фикр беришдаги мураккабликлари, жумлаларнинг ҳаддан зиёд узунлиги, эҳтимол, бизни шундай хулосага олиб келгандир. Асаримиз тепасига истаган жанрни кўйишимиз билан у шу жанрга хос бўлиб қолмайди. Искандар ва сартарош афсонаси жуда қадимий, уни ҳикоя даражасига кўтариш катта маъсулият талаб қилади. Ҳикояни унинг замонавий талқини сифатида ифода этиш мушкулоти унинг оммавийлашиб кетганлида ҳамдир балки.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, "Сибизга воласи" тил, ифода, тасвир жиҳатдан ҳам хийла заиф. Ортиқча сўзамоллик, гаплардаги тўмтоқлик, ғализлик ўқувчи ғашига тегади. Бундай нохушлик ҳикоянинг илк сатрларидаёқ кўзга ташланади:

*"Гўё ўз қилмишларини қуёшдан яширмоқчидай қалқонлари билан юзларини офтобдан тўсганча найзаларини қуёш нурида ялтилатиб, шаҳарнинг тош кўчаларини худди ноғора чалишаётгандай бир маромда ҳарбийчасига тўқиллатганча эринчоқлик билан келаётган учта соқчи ва оқсоқ дарбон..."*

Ушбу келтирилган мисолда, биринчидан, "офтобдан" деган сўз ортиқча, иккинчидан, юзини қуёшдан тўсиб келаётган одам яна қандай қилиб найзасини қуёшда ялтилатиши мумкин?! Балки "Найзалари қуёшда ялтираб", деб ифодалаш ўринлидир? Қолаверса, соқчиларнинг қадам товушларини "ноғора чалишаётгандай" деб таърифлаб бўлмайди. Ахир ноғора қўл билан чалинади, устига устак, қадам товушлари ҳеч қачон ноғора товушига ўхшамайди...

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ўзбек ҳикоячилигидаги изланишлар ҳали том маънода ўзини оқлапти дея олмаймиз. Қаҳрамон ички дунёси, руҳий эврилишлари, образнинг маълум бир ҳолатдаги ҳаракатларининг асосланиши юксак бадиий талқинларни бериш даражасига кўтарилма олмаяпти, бироқ уринишлар ёзувчиларимизнинг ўзига хос, айрича йўлларни қидираётганларидан дарак беради.



Муҳиддин ТИНИБЕКОВ

# СИНГИЛГИНАМ

Бир дили куйик дўстимнинг ҳасрати

Бадиа

Менинг дадам ҳарбий. Янги ишга тайинлангани боис биз Тошкентга кўчиб келдик. Мен янги мактабга қатнай бошладим. Бир куни дадам бизни мен ҳали билмайдиган бир қариндошимизникига олиб борди. Нотаниш қариндошимизнинг данғиллама ҳовлиси бор экан. Бизга соч-соқоли оқарган, кўзойнак таққан, ёқимли, истарали, бир донишманд пешвоз чиқди. Ҳарқалай ривоятлардаги донишмандларни мен шундай тасаввур қиламан. У ҳар биримизни алоҳида-алоҳида бағрига босиб, меҳр билан кўришди. Кейин бизни қуюқ меҳмон қилиб, бемалол яйраб ўйнашимиз мумкинлигини айтиб, иккита хонани кўрсатди. “Ҳоҳлаганларингга кириб ўйланглар”, деди. Мен ва укаларим бу оқсоқолнинг неваралари билан роса ўйнадик. Уларнинг энг каттаси мендан икки ёш кичик қиз экан. Унинг ҳаракатлари ҳам, менга бўлган муносабати ҳам ёқиб тушди. Бирор жойга меҳмонга боришга одатланмаган бизнинг оиламиз учун, айниқса, мен учун ўша кун зўр байрам бўлди.

Кейинчалик билсам, бу одам ота-онасиз, ғирт етим ўсган. Етимлик даврида иложсизликдан сарсонсаргардон юриб, бобомнинг қишлоғига бориб қолган. Бобом уни ўз паноҳига олган. Қўйларини боқтирган. Кейинчалик, уйлантириб қўйган, оёққа турғазган. Кейин у тузукроқ иш топаман деб оиласини олиб қишлоғимиздан кетган... Бир муддатлик овораю-сарсонсарчиликлардан сўнг пахтакор, кейин тадбиркор бўлган. Катта тадбиркорга айланиб пойтахтга кўчиб келган. Ҳозирги пайтга келиб, ишларини ўғлига топшириб, одамларнинг ҳожатини чиқариб юрадиган маслаҳатгўй бир оқсоқолга айланган. Бизнинг оиламизни ҳам қидириб топган. Бобомдан кўрган яхшиликларининг ҳаммасини бизга қайтармоқчи экан. Шу сабабли биз бу хонадонга тез-тез келиб турадиган бўлдик. Ҳар хил жойга тез-тез кўчиб юрганимиз, қариндошларимиздан узоқ бўлганимиз боис бизни деярли ҳеч ким йўқламас эди. Бу оқсоқол эса невараларини етаклаб бизни узлуксиз йўқлаб турди. Хизматдан фақат ухлаш пайтида уйга келиб, азонлаб яна чиқиб кетадиган, хизмат сафарларида кўп юрадиган дадамга билдирмасдан бу оқсоқол бизга берилган квартирани таъмирдан чиқариб берди. Менинг бу оилага меҳрим

янада ортди. Бу хонадоннинг болалари ўз укаларим ва сингилларим қатори бўлиб кетди. Ҳатто мен уларнинг ҳимоячисига айландим. Мактабларига бориб, уларнинг ҳақларини ажратиб бериб юрадиган бўлдим. Янги қариндошларим мени орқа қилиб юрадиган бўлишди.

Аммо бу кўпга чўзилмади. Дадамнинг зиммасига янги лавозим юкланди ва биз бошқа вилоятга кўчиб кетдик. Йиллар ўтиши билан бу хонадон билан бизнинг муносабатларимиз узилди. Аммо бу катта ҳовли, атир ҳиди ва илиқлик уфуриб турадиган, иссиққина катта-катта хоналар, улардаги чиройли безаклар, қалин ва юмшоқ гиламлар, хушмуомала хонадон соҳиблари, умуман бу ажиб муҳит менинг хотирамда муҳрланиб қолди.

Орадан йиллар ўтди. Мен пойтахтга келиб, институтга кирдим. Талабалик давримда бизнинг оилалар яна топишди. Оқсоқол оламдан ўтибди. Унинг ишларини давом эттирган ўғлининг анча пайт ишлари орқага кетибди. Ҳатто данғиллама ҳовлиларини ҳам сотишибди. Йиллар ўтиб яна ишини ўнглаб олибди. Отасининг васиятига кўра яна бизни суриштирибди. Менинг ота-оналарим бир неча марта бу ерга келишди. Булар ҳам биз томонларга боришди. Ҳар сафар ота-онам келишганда уларни кутиб олиб, қариндошларимизникига олиб бориб юрдим.

Бир куни онам уйимизга чақириб, мени ўша тошкентлик отахоннинг катта неварасига унаштириш ниятида эканликларини айтди. Менга у билан учрашиб, бир-биримизга мослашиб бориш вазифаси юкланди. Онам шундай хонадоннинг, шундай тарбияли қизини келин сифатида кўришса бошлари осмонга етишларини маълум қилди. Мен ҳайратдан донг қотдим. Чунки мен бу хонадон аъзоларини қариндошларимиз, уларнинг қизларини синглим деб билар эдим.

Ота-онамга уни синглим деб билишимни тушунтиришнинг имкони йўқ. Буни нафақат ота-онамга, балки бу ёруғ оламдаги бирор-бир инсонга тушунтириб беришнинг иложи йўқ. Чунки ўртада қариндошлик даражаси йўқ. Бир оила билан борди-келди қилинса, қариндош бўлиб, бу оиланинг қизи сингил бўлиб қолмайди.

Мен эса... мен эса... Менинг аҳволим, вужудим, шуурим боши берк кўчага кирди. Бу берк кўча зимистон туйнугига уланди. Мен турфа туйғулар исканжасида қолдим. Ахир, ҳис-туйғулар мудом бўлмасми? Вужудингдаги туғённи ўзгартириб бўларми? Ота-онага бўлган туйғуни ўзгартириб бўларми? Дўстга деган туйғуни ўзгартириб бўларми? Қариндош деган туйғуни ўзгартириб бўларми? Ёки ҳис-туйғуга содиқлик қусурми? Садоқатни сотиб бўларми? Қариндошлик риштасини узиб бўларми? Қариндош деб билганинга бошқа назар билан қараб бўларми?... ёки бу дунё фиғон эканми? Агар шундай бўлса унинг адоғи бор эканми?

Ота-она иродасини қобил фарзанд инкор эта олганми? Ёки у яхши тарбиядан бенасиб бўлганми? Ёки бирор киши ҳурматни, урф-одатни, интизомни инкор эта олганми? Ёки ҳарбий одамнинг сўзи икки бўлганми? Ёки саркарданинг буйруғи бажарилмай қолганми?

Наҳотки, олам одамга торлик қилса. Наҳотки, у сенга ҳамдам бўлмаса. Наҳотки, одам қариндошни ёстиқдошга айлантирса?...

Йўқ, бундай бўлмайди. Бу олам мени инкор этмайди. Бу оламда мен каби одамлар бор. Мен каби садоқат эгалари бор...

Бироқ ҳамма нарсанинг инкори бор. Инкори топилмаса “аммо”си бор.

Аммо мени тушунмадилар. Мени тушунмоқчи бўлганлар қондошлик даражаси бўлмаган қиз қандай қилиб қариндош бўлиши мумкинлигини ақллариغا সিғдира олмадилар.

Менинг фиғонимни олам эшитмади. Менинг фиғонимни одамлар эшитмади. Менинг фиғоним ўзимнинг ташвишини бўлди. Мен фиғонимни яширишга мажбур бўлдим. Вужудимни, жисмимни, ўзлимни жоловлашга мажбур бўлдим. Ҳис-ҳаяжонимни жоловлашга мажбур бўлдим. Ўз инкоримни ишга солдим. Барчасини инкор этиб бу қизга, бу синглимга уйлана олмаслигимни очиб билдирдим. Бироқ нима учун деган саволга жавоб топиб бера олмадим. Жавобсиз қолган бўшлиқни қистовлар эгаллади. Қистовлар жамланиб, учрашув жойига айланди. Учрашувда ўз инкоримни ишга сола оламан деб ўйладим.

Оламни тескари айлантиришга қодир бўлган “бирок” яна ўз кучини кўрсатди... Бироқ бу учрашув ота-онам фойдасига ҳал бўлди. Чунки... унинг чиройи ҳам, одоби ҳам, бекаму кўст эди. Ва буни ҳамма билар эди.

Бу қиз баланд бўйли, сарвқомат, сочлари қалин ва қуюқ, тим қора қошлари текис ва узун. Кўзлари катта-катта, қоп-қора, маъноли чақнаб туради. Юзи бироз чўзинчоқ, буғдой ранг. Лаблари қалин ва нозик. Кулганида оппоқ бир текис тишларининг деярли барчаси, иффати, бу оламга гўзаллик бахшида этади. У болалик даврида, уни илк маротаба кўрганимда ҳам шундай чиройли эди ва мен ҳар доим ёнимда шундай синглим бўлишини орзу қилардим.

Бундай қизни ёқмади деб ҳеч кимни ишонтириб бўлмайди. Чунки у аълочи, интизомли ва одобли. Уйда ҳар доим укаларига йўлбошчи. Данғиллама ҳовлиларининг файзи. Казо-казо меҳмонларни муносиб кутиб ола билувчи. Оилаларида қийинчилик юзага келса, суянчиқ бўла олувчи, хуллас, киройи келинликка мос қиз.

Бу оила донишманд бобонинг тириклигида ҳам, ундан кейин ишлари орқага кетган пайтларида ҳам, ҳар доим ибратли оилалардан бўлиб келган. Фарзандларининг барчаси ақл-идрок эгалари. Шунинг учун менинг бу оилага ҳурматим, меҳрим бошқача бўлган.

Учрашувдан шу нарсани уқдимки, бу қизнинг, бу синглимнинг менга турмушга чиқишга ҳеч қандай монелиги йўқ. Чунки унинг сарвқомат, баланд бўйига менинг баланд бўйим ва спортчилардек қадди-қоматим, унинг аъло баҳоларига менинг фан олимпиадаларидаги ютуқларим, унинг ақл-идрокига менинг топқирлигим ва ҳозиржавоблигим, унинг саришталигига мендаги ҳарбий одам берган тарбия мос келиши мумкин.

Вақт деб аталмиш ҳакам бир йил давомида ҳукмронлик қилди. Вужудимдаги фиғон оламга ёйилди. Дунё кўзимга тор кўрина бошлади. Энди кўчадаги одамлар ҳам хафанок бўлиб қолишган. Энди бу олам одамлари қовоқларини осиб юришади. Энди ҳеч ким бир-бирларининг кўзларига қарамайди. Энди барчанинг бошлари ҳам. Энди бошларини кўтариб юрадиганлар ҳам тунд ҳолда қаёққадир шошадилар... Энди кўчалар ҳам борган сари кўримсиз бўлиб бормоқда. Йўл четларида дарахларнинг барглари, сигарета қолдиқларига тўлиб кетган. Бекатлардаги елим қопчалар ўтиб кетаётган автобусларни қувлаб қолишади. Кир-чир юрган лўлилар қўлларини чўзиб, садақа сўраб безор қилишади.

Яна ўша қизни эслайман. Эслашга мажбурман. Уни эсламасдан тура олмайдиган аҳволга солиб кўйишди. Қиз боланинг қошлари шунча узун, кўзлари шунча катта бўладими!

Қошу кўзининг ўртамиёна бўлгани яхши. Киприкларнинг жуда қуюғи кўзни яна ҳам қорайтириб кўрсатади. Агар улар бўяб кўйилса, узоқдан пешонанинг тагига қоп-қора бир нарса ёпиштириб кўйишгандек ёки қора ниқоб тақиб олгандек туюлади.

Ёнимга яна қўлини чўзиб лўли қиз келди. Кир-чир юрган бу лўли қиз ўша мен уйланишим лозим бўлган қизга ўхшайди. Қалин сочлар... қоп-қора, катта-катта кўзлар...

Аτροφимдаги одамлар сен ҳақиқат деб билганининг акс, ҳақиқат деб ҳисобласалар, сенда уларга нисбатан нафрат ҳисси кучайиб кетар экан. Мендаги нафрат ҳам кўча-кўйларга, одамларга, бутун оламга жумладан, шу қизга ёйилди. Юриш-туришим ҳам нафратли бўлди.

Ким билан ҳамдард бўлишни билмайман. Охир оқибат дўстим Зокирникига отландим. Бор дардимни унга тўкиб дардлашиб олмоқчи бўлдим. Биз ақлзаковатда бошқалардан бир поғона устун юрувчи, ҳамма ҳавас билан қарайдиган икки қадрдон дўстмиз.

Унга бир йиллик дардимни тўкиб солдим:

– Сен синглим деб билган қизга уйланган бўлармидинг?

– Мен синглим деб билган одамга уйланмайману, бироқ сен нима учун уч-тўрт марта кўрган қизни синглим деб ҳисобляяпсан? Адашмасам, мен унинг укасини танийман. Сен ўз уканг қатори муомала қилиб юрадиган хушсурат, сен билан бизга ўхшаган келбатли бола. Опасининг ҳам ақлу-ҳуши, чиройи шунга ярашадир?

– Мен уларга болаликдан ўз укаларимдек муносабатда бўлганман.



– Энди болалигингни унут. Улғайганингдан сўнг йўригинг бошқа.

– Катта бўлсанг қайтадан туғилиб қоласанми ёки ўтмишингни унутиб қўясанми?

– Нима, сен осмондан тушдингми? Бир-икки марта кўрганинг синглинг бўлиб қолмайди. Мана, мени ҳам холамнинг қизига унаштиришмоқчи. Улар бошқа вилоятда туришганлари сабабли мен уни вояга етгунигача бирор марта кўрмаганман. Энди кўрдим. Менга маъқул бўлди.

Менинг бошимга қон қуюлди. Дунё зулматга айланди. Яқинларимнинг энг охиргиси, дўстларимнинг энг охиргиси душман бўлди. Қаҳр-ғазаб вужудимни қоплади.

– Сен холангнинг қизига уйланасанми?!

– Нима қипти. Авваллари холамини танигандирман, аммо қизини танимаганман. Бир неча марта кўрган бўлсам ҳам болалигида кўргандирман.

Қўз олдимни нафрат қоронғулиги қоплади:

– “Оналаринг вафот этса, холаларинг оналаринг ўрнини босади” деган гап бор. Сен ўз онангнинг қизига уйланасанми?

– Жуда ошириб юбординг, дўстим!...

– Ошириб юбориш мана бунақа бўлади...

“Эй дўстим, мен сени ақл-идрокли, фаросатли одам деб билар эдим. Сенинг келбатинг ҳам, ақл-фаросатинг ҳам бир пулга қиммат экан. Сени қандай шаклга келтиришни хоҳласалар шу шаклга кириб кетаверадиган хамир экансан”.

Мен бу оламдаги охирги қадрдонимни хамир каби ийладим. Аввал шўрвасини чиқариб, кейин оғзибурнидан қонини оқиздим.

Мен эса... мен эса... нима қилай... бу ёруғ оламдан узоқда яна бир олам бор эмиш, агар қуёш нуридек тез учсанг уч юз минг йилда шу оламга етиб борса бўлар эмиш. Йўлда ёруғлик тушса пўлат ҳам эриб буғга айланармиш, қоронғулик тушса пўлат ҳам совуқдан чатнаб парча-парча бўлиб кетармиш. Майли, буғга айланай, майли, совуқдан чатнаб минг бўлакка бўлинай, мен шу оламга йўл оламан. Менинг шижоатим бунга етади. Бироқ сенга уйланишга шижоатим етмайди. Шижоати йўқлар, ор-номуси йўқлар, ғурури йўқлар ўз сингилларига уйлансинлар. Мен эса бу иснодлардан олис-олисларга учиб кетаман.

\* \* \*

Қаёқдасан, эй дўстим Ботир! Қадрдон дўстим Ботир! Қиёматли дўстим Ботир! Мен сенинг дўстинг Зокирман! Нега ўшанда мени ташлаб кетдинг! Алпомидек дўстингни ер билан бир қилиб кетдинг! Хазонларга кўмиб кетдинг! Сени йигирма йилдан буён кутаётган дўстинг Зокирман. Фақат сенгина менга қадрдон эдинг. Биз бирга бўлсак ҳайбатимиздан тоғлар орқага тисланган, шижоатимиздан шамоллар тўхтаб қолган, топқирлигимиздан шоирлар лол қолган, заковатимиздан аҳли-донишлар лабларини

тишлаб қолган бўлар эдилар. Мен сени кўп қидирдим, аммо топа олмадим.

Мана йигирма йилдирки мен омад деб аталиш отни чоптирмоқдаман – агар шу омад бўлса – омад отида мансаб ва бойлик деб аталмиш улкан тоғларни забт этмоқдаман. Бу тоғларни ўз мулкимга айлантirmoқдаман. Менга таъзим қилишга интизор бўлганлар орқамда тизилиб туришибди. Қадам босмоқчи бўлган жойларимни супуриб юришибди. Сен эса йўқсан. Қаердасан? Бу жойларни ташлаб саҳроларга кетдингми ёки ўзга юртларга кетдингми, ёки дарвеш бўлдингми, ёки қайғу-аламга элтувчи бу дунёни тарк этиб, гўзал оламни макон тутдингми?

Мен эса қайғу-аламга етиб келдим. Шижоатим сўнди. Юрак-бағрим қонга тўлди. Қадрдоним бу килди. Зулматга чўқдим.


Менинг хотиним ўша сенга гапириб берган қиз (холамнинг қизи дейишга тилим бормайди) қон йиғламоқда. Фарзандларим қон йиғламоқда. Мен қон йиғламоқдаман. Фарзандларимнинг ҳаммаси – учаласи ҳам ногирон. Кимки ўз қариндошига уйланса, болалари, болалари бўлмаса неваралари ногирон туғилар экан. Катта фарзандим – ўғлим 17 ёшда. У туғилган пайтда қувончдан бир тоғни олиб бошқа жойга ўрнатмоқчи бўлдим. Бу тоғда хотиним ва нури дийдамга, фарзандимга атаб гуллардан қаср қурмоқчи бўлдим. Лекин қувончим узоққа чўзилмади. Аста-секин унда фалажлик аломатлари намoён бўла бошлади. Ҳозир у оёқ учларида, товонини ерга теккиза олмасдан, тиззаларини тўлиқ ёза олмасдан, билақларини тирсагидан букиб, акашак бармоқларини кўкраги ёнида тутиб, оғзини очиб, сўлаги оқиб, кўзларини олайтириб, силтаниб-силтаниб зўрга юради. Гапларига мен билан хотинимдан бошқа ҳеч ким тушунмайди.

Кейинги икки нафар қизим ҳам шундай бедаво касаллик билан туғилишган. Уларни олиб бормаган, даволатмаган жойим қолмади. Уларга сарфлаган пулларимга битта шаҳар қурса бўлади.

Аммо менга қайғу ғиштларидан қурилган шаҳар насиб қилди. Бу шаҳар менга макон бўлди. Менга бу шаҳарнинг қайғули туйғулари ҳамроҳ бўлди. Отанонга, дўстингга, қариндошларингга бўлган ҳис-туйғуни ўзгартириб бўлмас. Ҳис-туйғуга ҳам содиқ бўлиш керак экан-да. Бу садоқатни сотиб бўлмас экан-да. Қариндошлик риштасини ўзгартириб бўлмас экан-да. Қариндошингга бошқа назар билан қараб бўлмас экан-да. Қариндошингни ёстиқдош қилиб бўлмас экан-да. Акс ҳолда бу дунё фиғонга айланар экан-да. Бу фиғоннинг адоғи бўлмас экан-да...

Эй дўстим Ботир, мен ожиз дўстингни бир кўриб кет! Эй дўстим Ботир, мен гуноҳкор дўстингни бир уриб кет!!!

Эй дўстларим, эй қаддини рост тутган қадрдонларим, эй юраги уриб, қони жўшиб турган тенгдошларим, эй ғурури бор дўстларим, эй номуси бор дўстларим, фарзандларингни қариндошларга уйлантирманглар.



Али НИЁЗ

## Тиник томчиларнинг нафис шивири

### СОҒИНЧ

Ширин хаёлларга тўлиб бораман,  
Ўзимда сезаман сархуш истакни.  
Қаршимда баҳорим – сени кўраман,  
Қишдан чарчадим-а, қандайин гап бу...

Меҳринг офтоб, зиё чорлайди мени,  
Қуёш гоҳ кўринар, гоҳо яширинар.  
Булутлар рўмолин олсайди энди,  
Қара-я, соғиниб қалдирғоч келар...

Чапак чалаяпти тарновдан хуш ҳол –  
Тиник томчиларнинг нафис шивири.  
Баҳор келаяпти, сен ҳам кела қол,  
Ҳаётим мазмуни, қалбимнинг кўри.

\* \* \*

Тасаввур қилардим ўзимча ҳар гал,  
Шундай қиёфани, шундай жилони.  
Ўзимни тўтолмай эгилдим алҳол,  
Бағримга олгандай бўлдим дунёни.

Мен улуг бир ишққа ўшанда тўйдим,  
Хаёлимдан кечди ширин орзулар.  
Авайлаб юзинга юзимни қўйдим,  
Жилмайиб боқарди жодули кўзлар.



### ИШОНЧ

Руҳим чарчаб танам толиқди,  
Йўлларимга гов бўлди ҳижрон.  
Сабаб излаб фиғоним чиқди,  
Буни сенга айтаман, армон.

Агар менга бўлсайдинг йўлдош,  
Висол деган йўлга бошлардинг.  
Гумонларни тарқатиб сирдош,  
Йўқ қилардинг тана тошларинг...

Ишонч сенга, не керак сўроқ,  
Сен ва менга боғлиқ бу қувонч.  
Кел, яшайлик севишиб илҳақ,  
Ҳижронлардан кўкарсин ишонч.

\* \* \*

Қорачигим қорайиб кетди.  
Қора сочим оқарди, дўстим...  
Қиш ўзани баҳорга етди,  
Қаранг, яна бир ёшига ўсдим.

Улғайибман, улғаяр дунё,  
Далаларда шабада хур-хур.

*Баҳор ерни согинган гўё,  
Шивир-шивир ёгади ёмғир.*

*Осмон узра булут карвони,  
Сўзиб кетар шимолий шарққа.  
Узоқлардан умрим нарвони –  
Чорлаёттир мени қирғоққа...*

*Ўтар кунлар, ўткинчи баҳор,  
Қолди йиллар, қолди узоқда.  
Энди мени согинар кимлар –  
Шошаяпман нега қирғоққа?*

*Қорачигим қорайиб кетди.  
Қора сочим оқарди, дўстим,  
Қанча - қанча баҳорлар ўтди.  
Бугун яна бир ёшга ўсдим.*

\* \* \*

*Ёр ўзинг ёлғиз десам,  
Ёлгонларга учрадим.  
Ишқим изҳор этолмай,  
Ҳайронларга учрадим.*

*Ўйлаган ўйларимни,  
Етказолмай амрингга.  
Эй воҳ, мен не қилайин,  
Сарсонларга учрадим.*

*Бу аччиқ саргардонлик,  
Ишқида бўлдим тамом.  
Парча-парча бўлди жон,  
Вайронларга учрадим.*



*Бутун бўлмоқни истаб  
Қанчалар бўлдим ҳалак.  
Лек бутун бўлолмадим,  
Бўхтонларга учрадим.*

*Ўниб чиқдим во ажаб,  
Сен юрган йўлакларда.  
Ҳар тамонга гул тараб –  
Бўстонларда учрадим...*

\* \* \*

*Мен сеники бўлай,  
Сен меники бўл.  
Бундан ортигига,  
Борми керагим.  
Ахир англасанг-чи,  
Эй нозиктаб гул.  
Муҳаббат боғимда,  
Бўлгин малагим.  
Кўз қошингга қараб,  
Қувониб ёнай.  
Ўзимни ўзингга –  
Айлайин тортиқ.  
Ҳаёт гўзал дея,  
Бағримга олай.  
Меники бўлолсин,  
Бу дунё, борлиқ...  
Кейин осмонларга,  
Учиб кетайлик.  
Бизники коинот,  
Бизники олам...*



**Нозимжон СИДДИҚОВ,**  
Олий журналистика курси тингловчиси

## ФИКРЛАШ АЗОБИ

Дунёнинг машҳур адибларидан бири улкан кутубхона йўлагига туриб, замондошларига шундай хитоб қилган экан: “Қанча-қанча кунлар, уйқусиз тунларнинг меҳнати, қанчалаб ақл-қуввати, умид ва ташвишлар, бардош билан фақат изланишга бахш этилган қанча-қанча умрлар мана шу майда босмахона ҳарфларига жо этилган, теварагимиздаги торгина жавонларга йирилган”.

Дарҳақиқат, китоблар инсониятнинг боқий хазиналаридир. Бинобарин, уларнинг дунёга келиши оддий жараён эмас. Бунда ижодкор аталмиш заҳматкаш хилқатнинг руҳий изтироблари, қалб оғриқлари, ҳар бир сўзни, ҳар бир жумлани қоғозга тушираётган пайтдаги ўй-фикрлари мужассам. Таъбир жоиз бўлса, китобларнинг дунёга келиш жараёнини “фикрлаш азоби” деб аташ мумкин.

Китоб инсон ҳаётида жуда муҳим ўрин тутди. Сабаби китоб мутолааси киши онгида дунёга, одамларга нисбатан энг тўғри мулоҳазаларни пайдо этади. Китобларда инсоният тарихининг барча билимлари, маънавий бойликлари жам бўлган. Ҳар бир инсон китоблар ёрдамида ақл-заковат кошонасига дадил қадмлар билан кириб бориши мумкин.

Китоблар бизга буюк инсонларнинг фикрлари билан танишиш, уларнинг кўнгил оламига саёҳат қилиш имконини беради. Мутолаа онларида шууримизда ўша буюк инсонларнинг ўй ва фикрларига ҳамоҳанг мулоҳазалар пайдо бўлади.

Бир қарашда бадиий адабиёт моҳиятида инсоннинг ғам-андуҳлари ётгандек туюлади. Қандай асарни олиб қараманг, унинг қаҳрамонлари, хусусан, бош қаҳрамони албатта ҳаётнинг маълум бир қийинчиликларини бошдан кечиради. Айриликлар, хиёнатлар, алдовлар, қисматнинг турфа ўйинлари...

Ижодкор эса изтироб фарзанди. У ўзи яратган қаҳрамонларнинг ғам-андуҳи ортида руҳий юксалишни, ироданинг товланишини кўради.

Яхши китоблар инсон учун ҳамisha фойдали. Чунки бадиий адабиёт воситасида кўп билимларга эга бўлишимиз мумкин. Яхши китоб ухлаб ётган фикрларни уйғотади. Инсонни мушоҳадага ундайди. Улар воситасида умрнинг асл мазмунини топишимиз осон кечади. Халқимиз орасида машҳур бўлган “китоб ўқиган инсондан ёмонлик чиқмайди” қабилдаги сўзлар жуда содда туюлса-да, улар замирида теран маъно бор. Инсон бир нарсани нутмаслиги керакки, китоб ўқиш имконияти ҳар доим ҳам бирдек бўлавермайди. Ўсмирлик, ёшлик йилларидан, мана шу йилларнинг такрорланмас имкониятларидан фойдаланиб қолиш керак.

Ёшлиқда ўқилган китоблардан олинган таассуротлар дарахт танасидаги ёзувлар каби инсон хотирасига муҳрланади. Инсон улғайгани сайин ўша асарларнинг моҳиятини яхшироқ идрок эта боради. Тасавурларига ойдинлик инади. Ҳаёт ҳақиқатларига тайёр туришни ўрганади. Шу маънода китобларни инсон тарбияси йўлидаги беминнат мураббий деб аташ мумкин.

Қадим ватанимиз бундан узоқ асрлар олдин ҳам илм-фан ва маънавият ўчоғи саналган. Бизда кўплаб диний ва дунёвий билимлар пайдо бўлиши ва ривожланиши билан бир қаторда адабиёт ва кутубхоначилик ҳам тараққий этган. Доно боболаримиз китобнинг қадрини жуда яхши англаганлар. Ҳали ғарб олами маънавият нима эканидан бебахра бўлган бир пайтда шарқда маънавият бешиклари пайдо бўлган. Бу улғувор тушунчанинг шаклланиши ва инсонлар онгига кириб бориши учун тамал асослар яратилган. Ҳали ҳам бизнинг заминимизда китобларга эътибор кучли. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида бир нечта кутубхона бор. Айниқса, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонанинг ҳозирда замонавий технология асосида фаолият юритаётгани айтиш мумкин. Бу ҳол ҳар биримизда келажакка умид уйғотади.





**Лайло  
ЭРНАЗАРОВА**

### ЎЗБЕК АЁЛИ

*Кўзларида зоҳир ибo, ҳаёси,  
Қуёшдек порлоқдир меҳр, зиёси.  
Фарзанд учун фидo икки дунёси,  
Жигарбандин асрар тилда дуоси,  
Ўзбек аёли бу, ўзбек аёли...*

*Бир қўли меҳнатда, бири фарзандда,  
Жаннат калити ҳам ўзи албатта.  
Иймонли, вафодор, доим ҳурматда,  
Ўзининг ўрни бор ҳур жамиятда  
Ўзбек аёли бу, ўзбек аёли...*

*Фарзанд учун қирқта жондан кечгайдир,  
Этик ечмай сувли сойдан кечгайдир.  
Бу дунёдан “болам” дебон ўтгайдир,  
Ярқираган пешонамдан ўпгайдир.  
Ўзбек аёли бу, ўзбек аёли...*

### ТАҚДИР

*Қуёш нурун бериб фалакка,  
Ўзи олов ичра ингранар.  
Етмоқ учун орзу, тилакка,  
Кўнгил борки оташдек ёнар.*

*Ёнганида кўнгил муқаррар,  
Орзуларга интилар инсон.  
Кейин ўзи қуёш бўлар ва  
Ёғдусидан баҳраманд жаҳон.*

*Бу ташибеҳлар устозларга хос,  
Улар гўё кўкдаги офтоб.  
Бизлар эса ундан нур эмиб,  
Тан бағрини ёритган моҳтоб.*



**Маҳлиё  
УМУРЗАҚОВА**

### ТУН

*Сукунат қоплаган бу тун ҳар ённи,  
Сокинлик мавжланар ойнинг нурида.  
Зулматга кўмилган юксак осмонни,  
Юлдузлар иситмоқ бўлар қўрида.*

*Кипригим бўйсунмас уйқу зарбига,  
Менинг кўзларимда порлайди ҳайрат.  
Тун қандай қоронгу, тун қандай оппоқ,  
Илҳомни қитиқлар жозибa санъат.*

*Ғалати сокинлик – туннинг яноғи,  
Гўё порлагандай алла сасидан.  
Чигиртка баралла айтар қўшигин,  
Завқланиб бетакрор тун нафасидан.*

### ОРЗУЛАР

*Кўм-кўк гумбазларда улгайди осмон,  
Меҳр булоғида уйғондим мен ҳам.  
Мунис кўзларида боқади ҳамон,  
Янги сатрларда отам ва онам.*

*Оппоқ қозоғларда саф турар ишқим,  
Сизгадир барчаси меҳрибонларим.  
Умримнинг ҳар они – баҳор, ёз, қишим,  
Суянч ҳамроҳимсиз – шараф-шонларим.*

*Отам жасоратнинг жонли суврати,  
Жажжи қўлларимдан етаклаган зот.  
Бугун иродамга чизиб журъатин,  
Юксак парвозимга берганди қанот.*

*Онам дуолари кўргоним ҳар он,  
Елкамда элимнинг шони, шуҳрати.  
Керак бўлса унга берадирман жон,  
Шу Ватан ҳурмати, шу эл ҳурмати.*



**Баҳодир КАРИМ,**  
филология фанлари доктори, профессор

# ИШТИЁҚ

ёхуд

## “Дунёни баланддан кўргим келди”

Ахтамқули адабий жараёнга нисбатан кеч аралашди. Бу шоир манглайига ёзилган тақдир битиги шундай экан. Баъзи ижодкорлар адабиёт майдонига мактаб синфхонларидан, айримлари олий ўқув юртлири аудиторияларидан кириб борадилар. Ахтамқулининг бу ижод олами билан бевосита ошнолиги, адабиётнинг улкан қозонида қайнашлари бошқалардан фарқ қилади. Кенг пахта майдонларида, баланд тоғлар бағрида ўзи ўзига шеърлар ўқиб юрган шоир “ғўзалардан изн сўраб” Тошкентга келганида ҳаётнинг баланд-пастини кўрган тажрибали бир инсон эди. Қарашлари теран, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган, телбагезар шамоллар измига сўзини беравермайдиган, адабиёт ҳақида муайян фикрга эга ва ўз қарашларини қатъийлаштириб олишга зарурат сезган “ёш ижодкор” эди.

Мен Олий Адабиёт курсига қабул жараёнини, ёши қирқдан ошган бу “ёш шоир”нинг юрагини ҳовучлаб, умид билан имтиҳон натижаларига кўз тикиб ўтиришларини, ҳайъат қарори ўқилиши арафасида уюшма раиси Абдулла Ориповнинг сочларга яккам-дуккам оқ оралаб қолган Ахтамқулига ишора қилиб “Оқсоқолнинг ёшлари тўғри келадими?” деб сўраганлари ва мен шубҳага ўрин қолдирмасдан дидиллик билан тасдиқ жавобини берганимни – барча-барчасини жуда яхши эслайман.

Нақл: “Сумсирайган оч ўлмас, суянишган йиқилмас”. Икки йиллик таҳсил ўз ҳосилини берди. Ахтамқули университетдан маслакдош ва суянч топди; булоқнинг айнан ўзидан ташналигини қондирди. Ижоди қизгин бир паллага кирди. Қулочи қамровини, дардининг кадр-қийматини чамалаб кўрди; сўзининг бошқаларга заруратини ҳис этди. Айтар сўзи устида узоқ ўйлади; ўчирди-ёзди – ёзди-ўчирди. Ўзига устоз мақомидаги шоирларга ҳавасланиб қаради; тенгқурларини мушоирага, баҳсга чорлади; ука-сингилларига маслаҳатлар берадиган бўлди. Баъзан жон жойидан қайнаб чиққан битта сўзи учун талашиб тортишди – фикр ва сўз ҳимоясидан таълим олди. Ахтамқулининг жўяли маслаҳат, ўринли танқид бўлса, ўрлик қилмасдан, “айбғинаси”ни дарров тузатишга уринган ҳоллари кўп бўлди. Буларга ҳам мен гувоҳман.

Билиб такрор айтаман – Ахтамқули адабий жараёнга нисбатан кеч аралашди. Аммо шоирлик таланти, сўзларининг таровати, гўё тоғ даралари оралаб келаётган гумбирлаган овози, энг муҳими – тинимсиз изланишлари билан адабий жамоатчилик орасида тезда шуҳрат қозонди. Шеърлари қўшиқ бўлиб куйга солинди. Тошкентга бекорга келмаганига амин бўди. Шукур қилди.

Бугунги адабий ҳаётда Ахтамқулининг ўз ўрни, ўз овози, ўзига хос шеърий услуби бор. Арузнинг нодир вазнига мос гўзал ғазаллари билан бу мумтоз жанрга жонли ҳаёт бағишлади. “Қирқ ғазал”и Ёқубжон Исҳоқовдек сўз заргарлари эътирофига сазовор ҳам бўлди. “Бодомгинам”, “Қорачиқда асраганимсан”, “Баҳоримдан кечиккан гул” каби шеърий тўпламлари адабий жамоатчиликда яхши таассурот қолдирди.

Ривоят: Қадимда бир подшоҳ қўшнисининг ерига кўз олайтирибди. Аҳволини билиб келиш учун ўша юртга жосус юборибди. Айғоқчи душман қўшини камлигидан хабар берибди. Бундан жўшган подшоҳ юришга тайёргарликни бошламоқчи бўлибди. Шунда айғоқчи “у юртнинг оташнафас, тили тифидан ўтқир шоирлари кўп экан”, дебди. Уларнинг эл суйган “Халқ шайралини ёддан биладиган, оғзи билан қуш овлайдиган шоир етти нафар” эканини айтибди. Бу хабарни эшитган шоҳ урушиш фикридан қайтибди. Ва бу қарорининг сабабини шундай изоҳлабди: “Халқ суйган етти нафар шоир – ошиб ўтиб бўлмайдиган етти тоғ, сузиб ўтиб бўлмайдиган етти денгиз! Етти денгиздан кечиб, етти тоғдан ошиб ўтиб бўлармиди? Етти шоир етти томондан наъра тортиб, отга минганда халқ денгиздай тўлқинланиб, алп тоққа айланмайдими? Денгизни – довул, халқни – шоир кўтаради. Менинг етти юз минг аскарим бўлгани билан, халқнинг руҳини кўтарадиган, дилига қувват бўладиган битта ҳам шоирим йўқ. Давлатимиз қудратли. Элимизда ҳамма нарса бисёр. Лекин, энг кераклиси – суянса бўладиган шоири йўқ. Қирқ вазирим билан минг аҳбобимни оғзи дуоли бир шоирга алмашмас эдим. Афсуски, бу менинг армоним!”

Қайсидир манбадан ўқиганим бу ривоятни негадир Ахтамқули муносабати билан бир-икки марта эсладим. Назаримда, Ахтамқули “оғзи дуоли”, “халқнинг

руҳини кўтарадиган, дилига қувват бўладиган” шоирлар сирасига киради.

Шундай бир шоирга “Ахтамқули дўстим, ҳорманг. Ижодга барака”, деган бир оғиз тасалли айтишни ўзимнинг кичкина бурчим деб билдим. Ахтамқулининг эсда қоладиган шеърлари, оригинал ўхшатишлари, девонавор иборалари кўп.

*Кўтар бошингни мажнунтол, нечун қаддингни қилдинг дол,  
Мени девона қилган хол қароси дилни ўртайдур...*

*Етар Ахтамқули, бас қил, бориб булбул билан дарс қил,  
Сабоқ ол, ёрга сўнг арз қил, ибоси дилни ўртайдур.*

Ахтамқулининг табиати табиатга яқин. Ахтамқулиёна куйма мисраларидан “дарё каби айқирган” одамнинг саси эшитилади:

*Изимдан от солар дарё, йиқилсам дод солар дарё,  
Нуқул фарёд солар дарё, юволмасдан ғуборимни.*

*Кўзимни тўлдириб ранглар, оқар қонимда оҳанглар,  
Танам танбурдайн янграр, адо айлайди боримни.*

Баланд тоғ, кечиккан гул, мударрис булбул, айқирган дарё каби қатор образ ва сифатлашларда шоирнинг бадиий тафаккур тарзи намоён бўлади.

Бугун Ахтамқули жуда фаол. Адабий учрашув, мушоира, шеърхонлик каби анжуманларга кўп боради; давранинг бош қаҳрамонига айланади. Ахтамқули авжига чиққанда гумбирлаган қарсақлар янграйди. Ахтамқули телбаланиб шеър ўқиганида, ўзидан кетади; давра аҳлининг вужуди қулоққа айланади. Шоирнинг руҳий ҳаяжонлари тингловчиларга кўчади. Қайта ва қайта шеърга харидорлардан таклифлар ёғилади. Овоз тоғлардан тошларга урилиб келаётган мавжли дарё ҳайқирғини эсга солади. Тоғ одами баланд-баланд гапиради, баланд-баланд шеър ўқийди. Тоғ одами баландликни суяди.

Дарвоқе, ушбу мақолани қоралашга, Ахтамқулига бир оғиз эзгу сўз айтишга ундаган омил ҳам аслида унинг “Тоғлар ҳам қарийди” деб номланган китобидир. Унда Ахтамқулининг шоирона насри; воқеа-ҳодисаларни лирик манзаралар билан уйғунликда тсвирлаганидир.

“Ўзбекистон” нашриётида босилган бу китобчадан Ахтамқулининг олти та ҳикояси жой олибди. Мавзуси – тоғ ва тоғ одамларининг турмуш тарзи. Воқеа-ҳодисалар, катталарнинг дарду дунёси бола нигоҳи билан кузатилади. Ҳикоялардаги бола кўзидек беғубор тоғлар ва инсон манзаралари тасаввурга муҳрланади. Тоғбегининг мардлиги, аянчли тақдири, бу “кўтир дунё”да “яхшилиқнинг ҳам гоҳо яроқсиз” бўлиши одамни ўйга толдиради. Тоғлик Момоқиз – момо ва қиз тасвири, уруш кўрган Тошбоевнинг бир кечада расмий ҳужжатларидан ажралиб, бир умр изтиробда ўтиши, Омонатбон девонанинг ҳалоллиги, овчининг ўлжа хумори – буларнинг барида ҳаётнинг бутун файзу таровати, инсон руҳиятининг турли зиддиятли қирралари яққол кўринади. Ахтамқули ҳикояларида халқ тилидаги ибораларни, фразеологик бирликлар ва ўзбек адабий тилини бойитадиган нодир сўзларни ўринли қўллайди (“ҳадаҳалаб юриш”, “эчки ажриқ уруғи экан”, “пиёда гурунг”, “доёвроқ”, “қўйғор” ва бошқалар).

Ахтамқули бир ҳикоясига Ўзбек бобонинг: “Баландда юрган одам кўп нарсани кўради...”, деган гапи эпиграф қилиб олган. Яна ҳикоялардаги бир қаҳрамон: “Тоғларга чиқдим. Дунёни баланддан кўргим келди”, деган фикрни айтади. Ҳар жиҳатдан юксалиш, айниқса, маънан баланд бўлиш ва шу эстетик тамоийилга иштиёқ – ижод аҳли учун ниҳоятда муҳим фазилат.

Келажақда Ахтамқули катта адиб сифатида ҳам гўзал насрий асарлар ёзишига ишонгимиз келади. Зотан, ҳикоялар шундай ишончли фикрга қайсидир маънода асос ҳам беради.





Ойгул СҮҮНДИҚОВА



## Оқади беором борлиқда сукут

### БОҒИМДА КУЗ

Пастлаб-пастлаб учмоқда қушлар  
Кузги осмон остида сокин.  
Юрагимни ажиб ҳис хушлар,  
Дарахтлардан нур оқар бетин.

Боғим ҳали ёш, мевали боғ,  
Гарчанд менинг сочларимда оқ.  
Ястанади йироқларда тоғ,  
Ярқирайди чўққилар, бироқ.

Куз охирлаб борар оҳиста  
Хазонрезги хонишларида.  
Киприкларим намланар аста  
Куёшининг жим ёнишларида.

Ранг олади борлиқ шу куздан,  
Сувлар тиниқ, япроқлар тилла.  
Айланади қошингдан, кўздан  
Қанотлари кумуш бу палла.

Умримда куз кезади масрур  
Тўлқинлари жилвагар, эрка.  
Илдиз отар тераклар чуқур  
Боғ тўрида магрур ва кўркам.

Булутлардан ёйилган ҳовур  
Шуълаланса шафақда олис  
Болаликдан ҳозирга довур  
Улардан ҳеч узолмайман кўз.



Кечолмайман орзуларимдан  
Ҳамон ёниқ, ҳамон дилобар.  
Кўчаётган туйғуларимда  
Еру кўкнинг бўйи баробар.

Сув бўйида хуш бўй таратиб,  
Шамол бир зум чўкди ёнимга.  
Йўлга тушди сўнг соз янгротиб,  
Ширин титроқ солиб жонимга.

Кузатамиз кузни безавол,  
Юклаб кетар бизга кўп ишлар.  
Бу кун гўзал, дамлар бетимсол,  
Қушлар яна боғимда қишлар.

Боғимда куз – ўйим, умидим  
Ҳаволари тоза тўкилди.  
Шу боғ билан ёмғир, қор ҳиди,  
Кўклам келар йўлга тикилдим...

\* \* \*

Ел майин,  
гулдан ҳам нафис дил майин.  
Оқади беором борлиқда сукут.  
Тун бағрига кириб борганинг сайин  
Армонларинг унут, гамларинг унут.

Тун тиниқ,  
барглардан кўчган ун тиниқ.



Толлар тебранади бог этагида.  
Юлдузлар чарақлар мунаввар, интиқ  
Фалакнинг тоқида, ой эртагида.

Ой ёруғ,  
ой нури тушган сой ёруғ.  
Умримни ўлчайди ҳар бир нафасим.  
Юрагимдан униб чиққан ҳар уруғ  
Чексиз ҳайратларим, тиниқ ҳавасим...

\* \* \*

Йўлнинг четларини ўтманг эзгилаб,  
Кўшиқчи гулларнинг қабрлари бор.  
Бедор шамолларнинг сабрлари бор  
Шудринглар оҳиста ерга қўяр лаб...

Кетмас қовжираган барглар қошидан  
Тунлари шуъласи юлдузнинг, ойнаинг.  
Тонггача тинмайди оҳлари сойнинг  
Тупроққа қўшилган гуллар бошида...

\* \* \*

Тун. Қалбимга сокинлик ёқар,  
Жим кезинар шамоллар бедор.  
Ой нурлари сойларда оқар  
Хотиралар каби беозор...

Кўтарила бошлайди туннинг  
Қалин-қалин дарпардалари.  
Силай бошлар еллар заминнинг  
Музлаб қолган яраларини...

Тун бағрини тарк этмас сира  
Юлдузлардан шуъла кўчади.  
Айланади олис хотира,  
Умринг бўйи бирга учади.

Кўзларингда, қалбингда ёна  
Узун йиллар қўшиқ битгали,

Қайтиб келар сен билан яна  
Хотиралар тонгни кутгали...

\* \* \*

Намхуш ҳаво аччиқ ва бетаъм,  
Хазонларни супураб фаррош.  
Йўлак бўйлаб кетаяпман жим,  
Фақат руҳим истайди оташ.



Дарахтлардан оҳиста учиб,  
Кафтларимга қўнади япроқ.  
Онам каби боради қучиб  
Хотиралар ва ҳазин титроқ...

\* \* \*

Бу аёлнинг  
Оқиб-оқиб келар хаёли,  
Қалқиб-қалқиб кетар ўйлари.  
Таржимони бўлмас бундай куйларнинг.  
Айниқса, кўзлари кулиб айтганда,  
Айниқса, тунлари гамлардан ортиб,  
Қуёшли кунларга ўлмай қайтганда...

Бу аёлнинг  
Ортидан узун тунлар келади,  
Тунларни ортқилаб, унлар келади.  
Тунларки,  
Унларки, юмушлари кўп,  
Юклари оғир.

Осмонга қарайди – юлдузли висол.  
Бу аёлнинг

Кўлларида кунлар сув ичар,  
Сочларини ювган шудринглар  
Шамолларда сочилиб кетар.  
Райҳон ҳиди кетмас ҳовлида  
Эшикларни жим

Очиб кирар – сезмайди ҳеч ким.

Ёлғизликнинг ашкларини жим

Сочиби кирар – сезмайди ҳеч ким...





*Сарвиноз РАСУЛОВА,  
ЎЗМУ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси*

## МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Оила – жамиятнинг маънавий пойдевори, миллатнинг тақдири ва келажаги. Оила муҳитининг соғломлиги, пировард натижада, жамиятнинг соғломлигига олиб келади. Соғлом авлодни тарбиялаш балоғатга ёшига етган йигит-қизларни мустақил турмушга тайёрлашдан бошланади. Оила қураётган ҳар бир ёш ўз ҳаётидаги бу масъулиятни, яъни ота-она бўлиш, насл қолдириш ва уларни тарбиялаб, билимли, одоб-ахлоқли қилиб вояга етказиш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш масъулиятини чуқур ҳис этиши зарур. Бу масъулиятнинг пайдо бўлиши ҳар жиҳатдан оиладаги маънавий муҳитга боғлиқ. Катта ҳаёт остонасида турган ҳар бир йигит-қиз бўлажак оиладаги ўзининг маънавий ўрнини аниқ тасаввур қилиши керак.

Аҳил оила “бахт саройи” деб таърифланади. Никоҳ ўқилганда шу сарой пойдеворига илк ғишт қўйилади. Мазкур саройни эр ва хотиннинг ўзлари барпо этишлари керак. Атрофдагилар, хусусан, ота-она, қайнона ва қайноталар моддий жиҳатдан кўмакчи, маънавий жиҳатдан эса маслаҳатчидирлар. Ҳаётини тажрибаси йўқ келинкуёв бахт саройини қуришда нималарга аҳамият беришлари керак? Қандай фазилатларни ўрганиб, қандай иллатлардан қутулишлари зурур? Бу саволларга жавобни ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Келинлар дафтари” рисоласидан топишимиз мумкин.

“Одамийлик мулки” асарига илова тарзида юзага келган, уч китобдан иборат бу ахлоқ рисоласи келинларга муружаат сифатида ёзилган бўлса-да, унда куёв, қайнона, қайноналар эътиборини тортувчи масалалар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилади. Янги ҳаёт остонасида турган ёш қизлар ушбу китобни ўқиб, ўзларига керакли ва зарур бўлган хулосаларни чиқаришлари мумкин бўлади.

Бу мавзуда ўтган алломаларимиз ҳам кўплаб рисоалар ёзиб қолдирганлар. Хусусан, атоқли адиб Мирзакалон Исмоилийнинг “Қизлар дафта-

рига” деб номланган “Ўн бир оқшом ҳикояти”да ҳам қизлар ахлоқига доир ажойиб воқеалар баён қилинади. Ёзувчи Тоҳир Маликнинг “Келинлар дафтари” номли рисоласи ана шу китобнинг давоми сифатида вужудга келган.

Уч китоб ва 41 та суҳбатдан ташкил топган ушбу рисола нафақат ёш келинларга, балки энди турмуш қуриш остонасида турган қизларга ҳам тааллуқли. Илк китоб “Севгининг жони” деб номланиб, унда оила, никоҳ, зурриёт, рашк, иффат, ҳаё каби мавзуларда суҳбатлар, насиҳатлар берилади. Ҳар бир насиҳат алоҳида бир мавзу сифатида атрофлича ёритилади.

Ёзувчи “яхши хотин” деб номланган ўн иккинчи суҳбатда яхши аёлларга хос фазилатларни баён қилади. У олижаноб, покиза ва қалби гўзал, ақлли, қаноатли, қадами қутлуғ бўлган аёлни яхши дея таърифлайди. Бироқ яна бир нарсани айтиб ўтиш керакки, юқорида санаб ўтган сифатларга фақат аёллар эга бўлиши шартми? Ахир эркаклардан ҳам вафо, садоқат талаб қилинади. Оиланинг мустаҳкам бўлишига фақат аёллар эмас, эркаклар ҳам бир хилда жавобгар ҳисобланади. Чунки улар оилани ушлаб турувчи устундирлар. “Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти”, дейди ҳазрат Навоий. Уйнинг озодалиги, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. У гўзал бўлса кўнги қувнайди, хушмуомала бўлса жонингга оро киради, оқила бўлса рўзғорда тартиб-интизом бўлади.

“Келинлар дафтари” рисоласининг иккинчи китоби “Азалий насиба” деб номланган. Муаллиф унда китобхонларни ҳасад, қарғиш, ҳазил, мазах каби иллатлардан огоҳ этиб, саломлашиш, тилни тийиш, сабр каби фазилатларга эришиш йўллари ҳақида суҳбат юритади. Иккинчи китоб 27-суҳбатдан бошланади. Унда ҳасад ўти ҳақида сўз юритилади. Ёзувчи ҳасадга қуйидагича таъриф беради: “Ҳасад – бирор танишининг, ҳамкасбининг ёки

қариндошининг муваффақияти, ютуғи учун тутилган азадир. Ақл ожизланса, ҳасад кучга киради”. Чиндан ҳам ҳасад энг ёмон иллатлардан бири. У инсонни ичидан кемириб, ақлини ожиз қилиб қўяди. Ҳасад шайтоннинг энг ишончли қуролидир. Дейдиларки, “Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир. Чунки у бечора бахтли одамларни кўролма, ҳасад туфайли келадиган ҳамма қайғу-аламлар юкини ўз устига ортиб юради”. Ўзгаларнинг яхши турмушлари унинг юрак-бағрини ёндиради. Адиб бу суҳбатда ҳасаднинг барча оғир юкларини бирма-бир санаб, келинларга ҳасад қилмасдан яшаш сирларини очади. У нафақат келинларни, балки бутун инсониятни ҳасаддан узоқроқ юришга чақиради.

Одоб-ахлоққа оид қандай китобни варақламанг, унда тилни тийиш ҳақида жуда кўплаб фикрлар келтирилади. Қайси бир шоир ёки ёзувчининг ижодий меросини ўрганманг, унда албатта, тил ҳақида фикр ва шу фикрнинг тасдиқловчи ибратли ҳикоя, мақол келтирилган бўлади. Тоҳир Малик ҳам ушбу рисоласида тилни тийиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтган.

Маълумки, бугунги кунда ёш оилаларда ажримлар жуда ҳам авж олиб кетган. Ана шу ажралишларнинг аксарияти тилни тиймаслик, ҳар нарсани ўрнини билмай сўзлашдан келиб чиқмоқда. Ана шу суҳбатни ўқиган ҳар қандай ўғил-қиз, келин-куёв тилни тиймасликнинг оқибатини билиб, ўзларига керакли хулосани чиқариб оладилар. Ёзувчи қайси мавзуда сўз юритмасин мисолларни ёшларнинг ҳаётидан танлайди.

Иккинчи китобда яна ҳалол ризқ топиш, сабр билан муродга етиш ҳақида ҳам ибратли фикрлар берилади. Биргина сабрга турлича таърифлар келтиради: “Сабр – ҳажр шомидек қоронғу ва узун, аммо унинг охири висол тонгги. Сабр – ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояти – иқбол каъбаси. Сабр даштида дам олиш – югуруш билан баробар” ва ҳақозо. Бу таърифлардан маълум бўладики, ким бирор қийинчиликда сабру чидам кўрсатса, бахт унинг заҳарини асалга, тиканини эса нафис гулга айлантиради. Ҳар бир ноумид инсоннинг тушкун руҳи сабр туфайли тетик ва ободдир.

Тоҳир Маликнинг учинчи ахлоқ китоби “Кўшнинг ёмон бўлса” деб номланади. Унда ибратли келин, аёл, она бўлиш каби мавзулар жамланган. Шунингдек, унда адиб жамиятнинг дурру гавҳари саналган оила мустаҳкамлигининг асослари ҳақида фикр юритади. Ҳадис ва ривоятлардан ибратли мисоллар келтиради. Китобда кўни-кўшничилик,

меҳмондўстлик, вақт қадри, исрофгарчиликдан қочиш, хуллас, инсонни гўзал қилувчи барча фазилатлар хусусида сўз боради.

Учинчи китоб 34-суҳбатдан бошланади. Унда исроф ҳақида сўз боради. Кўпчилик сахийлик билан исрофгарчиликни аралаштириб юборади. Ёзувчи ана шу тушунчаларга ойдинлик киритади. Мискин, бечораларга ёрдам бераман деб катта зиёфатлар бериб, унинг ортидан келиб чиқадиган исрофгарчиликни, ким ўзарга бўлаётган тўй-маъракаларни қоралайди. У исрофгарчилик деганда фақат озик-овқатни эмас, вақтни беҳуда ўтказишни ҳам назарда тутаяди. Ёзувчи бойликни оққан сувга, айш-ишратни айланиб турган тегирмонга ўхшатади. Ёмғир ёғиб турмаса катта дарёлар ҳам қуриб қолар экан, даромадининг совурма. Муҳтожликка тушиб қолишни истамасанг, кўлингдаги мол-давлатингни беҳудага сарф қилма, исрофгарчиликдан сақлан. Шундай қилсанг, бошқаларнинг мол-мулкига кўз олайтирмай, роҳатда яшайсан, деб насиҳат қилади ёзувчи.

Ёзувчи вақт қадри ҳақида гапирар экан, бугунги кунда “симёғоч қоровуллари” деб ном олган бекорчи, такасалтанг болаларнинг ўз вақтларини бекорчиликка сарфлаётганларини алоҳида таъкидлайди. Вақтнинг қадрига етишни болаларга ота-оналари ўргатишлари кераклигини уқтиради.

Ёзувчининг уч китобдан иборат “Келинлар дафтари” асариде қирқта мавзуда суҳбат берилади. Қирқ биринчи суҳбатни эса очик қолдиради. Уни ҳар ким ўзи суюкли бобоси, момоси, қайнона-қайнотаси, ота-онасидан эшитган ўғитлари билан тўлдириб қўйишини айтиб ўтади.

“Келинлар дафтари” рисоласида ёзувчи ҳар бир мавзуга тўхталиб ўз фикрларини баён қилади ва ўз фикрини далиллаш мақсадида пайғамбаримиз ўғитларидан, ҳадислардан, буюк шоир, ёзувчи, алломаларнинг асарларидан, ҳикматли сўзлардан мисоллар келтиради. Шу мисоллар асносида ҳикоялар ҳам айтиб ўтади ва охирида қиссадан ҳисса чиқаради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Тоҳир Маликнинг уч китобдан иборат “Келинлар дафтари” рисоласи нафақат келинларимиз учун, балки барча инсонлар учун янги одоб китоби десак муболаға бўлмайди. Чунки унда барчамиз билишимиз зарур бўлган нарсалар ҳақида фикр юритилади. Бугунги куннинг ёмон иллатларидан бизни хабардор қилади. Бир сўз билан айтганда, бу китоб барчага ойна тутаяди. Унда ҳар бир инсон ўз аксини кўради. Хатоларини англаб етади.



Бобур ЭЛМУРОД



## ИЖОД МАСЪУЛИЯТИ

Кўчада ўз йўлида кетаётган кимсани бошиқа биров тўхтатса, демак, айтадиган, сўрайдиган гапи бўлади. Балки у соат неччилигини ёки бирор манзилни суриштирар. Йўловчини шунчаки тўхтатиб вақтини олиши эса гоаят қулгили, балки ҳеч бир қолига сизмайдиган қилиқ ҳисобланади. Менимча, ижодкор ҳам китобхонни тўхтатиб, унга бир нима демоқчи бўлган ўша “бирров”га ўхшайди. Афсуси, кўпинча китобхон елкасини қисиб, бу ёзувчи нега менинг вақтимни олди экан, дея йўлида давом этаверади. Айтмоқчиманки, асар ўқувчини ўз мазмуни, гўзаллиги, маҳорати билан мафтун эта олсин. Ҳеч бўлмаганда унинг дидини қаноатлантирсин. Укамиз Бобур Элмуроднинг шеърларини ўқиб жуда таъсирландим. Гоҳо шоирнинг битта шеъри муваффақиятли чиқиб, қолганлари сусайиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Шоир укамизнинг ёзганлари ҳозирча унақа эмас.

Бобур Элмурод мана шу масъулиятни зинҳор унутмасин дейман.

Абдулла ОРИПОВ,

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири.

## РИВОЯТ

Бир киши нола қилди:  
“Худо, мен билан гаплаш?”  
Ўшанда қор ёғарди  
Ёмғир билан аралаш.

“Қанисан, овоз бергин,  
Борми сенга борар йўл”.  
Шу кезде бутазорда  
Хонши қиларди булбул.

“Сени кўрай, изн бер”,  
Ялинди, кўзида ёш.  
Шунда булут оралаб  
Кўкда балқиди қуёш.

“Бор бўлсанг, яқинроқ кел,  
Сени кўрмоғим керак”.  
Шу он у билан тинмай  
Ўйнашарди капалак.

## ФОТОАППАРАТ ВА МЕН

Сен боққан чоғ  
нега одамлар,

Хушсуратдир...  
кулгидан тўйган.  
Мен термулсам  
саргайган ўтлар  
Ва дарахтлар  
гулламай қўйган.  
Сен кўз солсанг  
онам кўп дилбар,  
Отам бардам  
қад кериб турар.  
Мен боққан чоғ –  
онам муштипар,  
Отам эса ҳассада юрар.  
Нигоҳингда дўстим улугвор,  
Бекаму кўст турар мулойим.  
Мен қарасам  
у бечораҳол,  
Оқсоқланиб юради доим.  
Вақт ялмоғиз –  
учар хотиржам,  
Кўрганларим ўхшамас чинга.  
Бахтли бўлиб  
кўринай мен ҳам,  
Бир зумгина кўз ташла менга.

## ФИЛ ФАЛСАФАСИ

Қари филнинг танасида,  
Яшар эди кўплаб жон.  
Қора қарга, ола қарга,  
Ҳамда кулранг кўрсичқон.

Кўрмагандим – вазминликка,  
Бир кун ўлим йўлашини.  
Кўрмагандим – улканликнинг  
Баландликдан қулашини.

Қарга қанот қоқди-кетди,  
Сичқон топди бошиқа ин.  
Ҳарқалай, бу синов эди,  
Ярми ёлгон, ярми чин.

Оғир эди бундай ўйлар,  
Оғирлашиб кетди бош.  
Филнинг ўйчан кўзларига  
Тўлиб кетди улкан ёш.

Йўл кўрсатиб тургувчи куч  
Ҳайвонда ҳам юрак экан.  
Ўзинг билан қолиш учун  
Баъзан ўлиш керак экан.





Асрор АЛЛАЁРОВ

## ҲИКОЯЛАР



### ШУНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

“Тўққиз, саккиз, етти, олти, беш, тўрт, уч, икки. Йўқ. Аввал ўйлаб кўриш керак”

Бухоро амирлари барпо этган тарихий Ситораи Моҳи Хосса саройидаги ўриндиқлардан бирида ўтирган йигит кўзларини ёнидаги севгилисига тикди. Севинчдан ял-ял ёнаётган нигоҳлар унга анчадан буён тикилиб турарди. Қизнинг юзидаги бахтиёр кулгу йигитнинг юрагини ёндириб юбораёзди.

– Яхшилаб ўйлаб олиш керак, – хаёл сурарди йигит. – Бунинг учун ҳаммасига тайёр бўлиш лозим. Ҳатто гуноҳ қилишга ҳам. Ҳаётни олдиндан тасаввур қилиб бўлмайди. Буни фақат ўша ҳаёт бошлангач, ҳис этиш мумкин. Эҳтимол ўзим кутмаган хиёнатга дуч келарман. Ёки мени бутунлай маҳв этишади. Мени ўз измига бўйсундириб олишади. Йўқ. Ҳеч қачон бундай бўлмайди.”

Йигит деярли икки ярим соатдан буён бир қарорга келолмас, бутун дунё ана шу иккиланишнинг қаршисида тиз чўкиб турарди гўё.

Йигит ўрнидан туриб кетди. У ўзини чалғитиш мақсадида бир вақтлар бу ерда мавжуд бўлган жаннатмонанд боғдан қолган ягона жонзотлар – товусларнинг ёнига борди. Қиз ҳам йигитнинг ортидан юрди. Улар бу гўзал мавжудотларга дон беришди.

Сўнгра Италия элчиси томонидан Бухоро амирига совға қилинган Венеция кўзгуларини томоша қилишди. Қиз улардан бирига бир ярим дақиқа киприк қоқмай тикилиб турди.

– Қара, мен яна бир неча йилга ёшардим, – деди қиз ортида хаёлчан унга тикилиб турган йигитга. – Аммо сен қараганинг билан фойдаси йўқ. Бу сеҳрли қудрат фақат аёллар учун. Шундай бўлса-да яқинроқ кел. Ўзингни қирқ томонда кўрасан. Сўнгра орзу қил.

Улар яна сарой ҳовлисидаги ўриндиқлардан бирига бориб ўтиришди. Йигит ўйга чўмди.

“Кейин у мени бутун умр тинч қўймайди. У менга шу қадар яқинлашиб оладики, ҳатто Худони унутиб қўяман. Романларим йиллаб тўхтаб қолади, қўл-ёзмаларим қаердадир йўқолиб кетади, бунинг устига бедорлик, бу ишни қилмаслик керак, – хаёл сурарди у. Аммо начора. Агар ҳозир воз кечсам бутун умр дунёнинг энг сирли тилсимини билмай ўтиб кетаман.”

Ниҳоят йигит кутилмаган журъат билан ўнг ёнига бурилди. Қиз анчадан буён давом этаётган бундай ҳаракатлардан ажабланмай қўйганди. У завқ билан товусларга дон сочаётган француз аёлини кузатарди. Йигит қизнинг бошини қўллари билан буриб, ўзига қаратди. Нимадир демоқчи эди, гапиролмади. У чўнтагидан маҳбубасига аталган узукни олиб унинг бармоғига тақиб қўйди. Бироздан кейин қиз йигитнинг юзига лабини босди. Шундагина у адашмаганини ҳис этди.

Француз аёлининг атрофини товуслар қуршаб олганди.

### БЕШ УЧРАШУВ

Гулруҳ опанинг ажинлари қошларига туташиб кетган чеҳраси-ю, эгилган гавдасига кўзи тушган киши шубҳасиз уни саксондан ошган кампир деб ўйларди (аёл ҳозир 56 ёшда). Ва албатта, унинг ҳаёти билан қизиққан одам аёл киши учун энг оғир жазо бўлган – ёлғизликдан ўзга ҳеч нарса уни бунчалик тез хароб қила олмаган бўларди, дея хаёлидан ўтказарди.

Доктор бир миллион тўрт юз минг сўм эвазига унинг оёғини операция қилишга рози бўлди. Гулруҳ опа касалхонадан фаромуш қайтаркан, шундоққина рўпарасига келиб тўхтаган таксининг шовқини хаёлини бўлди. Машина ҳайдовчисини кўргач, негадир аёлнинг вужуди жимирлаб кетди. Худди доктор қабулидаги каби. Таксичи айтилган манзилга етиб келгач, икки баравар ҳақ талаб



қилди. У бу қари кампирдан ҳеч қийинчиликсиз янада кўпроқ пул ундиришига ишонарди.

Гулруҳ опа уйининг яқинидаги ошхонада овқатланишга қарор қилди. Официант унга четроқдан жой кўрсатди. Аёл чалоп ва нон буюрди. Аммо кетаётиб хизматчи йигит ундан икки ҳисса пул ундириб олди.

Гулруҳ опа катта йўл ёқалаб барча девор ва тирқишларигача ёлғизлик ҳамда сукунат ин қуриб олган ўз уйи томон одимларкан, кимдир сумкасидан ҳамёнини суғуриб олаётганини сезди. У ўғрининг ортидан на югура олди, на унга қаршилиқ кўрсата олди. Фақат орқага бурилиб қарагандагина бу навқирон йигитнинг чехраси ўзига нақадар таниш эканини хаёлидан ўтказди. Аёл ўзи яшайдиган кўп қаватли уйнинг рўпарасидаги пиёдалар йўлакчасига еганида юришдан тўхтади. Ҳар сафар шу ерга келганда узоқ туриб қолади. Чунки унинг кундан-кун нурсизланиб, хира

тортаётган кўзлари узоқни кўра олмас, тез қадам ташлаган сари оёқлари ўзига бўйсунмасди. Аёлнинг ёнига сочлари ўрилган, истараси иссиқ бир қиз келди ва оҳиста унинг қўлидан ушлади. У аёлга қараб чиройли жилмайди. Гулруҳ опа гўёки авлиёнинг қўлидан тутиб тургандек бирдан сесканиб кетди. Қизнинг кўзлари эса аёлга кимнидир эслатарди. Қиз уни йўлдан ўтказиб қўйди.

Гулруҳ опа уйига қадам кўяркан, ҳар доимгидек 28 йилдан буён деворга осиглиқ турган беш нафар чақалоқнинг сурати ёнида тиз чўқди. Суратдагиларнинг ҳар бири унинг фарзанди бўлиб, уларни ёшлигида бир хушторидан орттирган ҳамда катта пул эвазига боласи йўқларга сотиб юборган эди. Гулруҳ опа айна лаҳзада ич-ичидан ҳасрат чекаркан, бугуннинг ўзидаёқ бешта фарзанди билан тасодифан учрашганини хаёлига ҳам келтирмасди.

## ЧИННИГУЛ

Ўнг қўлида бир даста чиннигул кўтариб олган кекса аёл ўзи яшайдиган кўча томон буриларкан, беихтиёр гул дўконидан чиққанидан буён жилмайиб келаётганини сезиб қолди. Буни биров кўриб қолмадимикин дея аввал тўғрига, кейин икки ёнига қаради. Кўчада ҳеч ким кўринмади.

– Ҳар куни бир даста чиннигул сотиб оласиз, уларни кимга олиб борасиз? – дея сўраган эди бир муддат аввал дўкон сотувчиси Феруза холадан.

– Уйга, Бобир амакингизга, албатта. Бошқа кимга ҳам бўларди.

– Илгари саватларни у кишининг ўзи топшириб келарди. Уч ойдан бери негадир кўринмаяпти?

– Бобир амакингиз менга уйда кўмаклашаяпти, холос.

Аёл тўғри ётоқхонага кириб келди ва қўлидаги гулларни қўшни хонанинг михлаб ташланган эшиклари олдидаги гултувакка солиб қўйди. Энди бемалол сават тўқийверса ҳам бўлади. Унинг ихтиёрида бутун бошли кун ва тун бор.

Феруза хола кўзларини хона бўйлаб хушбуй ис таратаётган чиннигуллар солинган гултувак остига тикди.

– Ҳозирча тўрт дона етади, – ўзига-ўзи деди у қўлини олдинга чўзиб қамишларни оларкан. – Бугун дўкондагилар “Гулларни кимга олиб кетаяпсиз? Нега ҳар куни бир даста гул сотиб оласиз?” деб сўраб қолишди. Мен булар Бобир амакингиз учун, у киши кўчага чиқолмайди. Уйда менга ёрдам бераяпти, дедим. Тўғри айтибманми?

– Нега ёлғон дейсиз? Мана ёрдам бераяпсиз-ку?

– Бўлмаган гап. Мен ҳеч қачон бир кун келиб сизни йўқотиш ҳақида ўйлаб кўрмаганман. Кўнглимда шундай шубҳа пайдо бўлган кезларда ўша вақтнинг ўзидаёқ нотўғри ўйлаётганимга ўзимни ишонтирганман. Сиз эса хандон отиб кулардингиз. Агар бир кун келиб бу дунёни тарк этиш лозим бўлса, фақат сиздан аввал шундай ҳодисага дуч келишни Худодан сўраганман. Сиздан яшириб келган ягона сирим ана шу эди. Инсонлар нега ўлади? Мен буни англагандайман. Одам омонатини топшираётган лаҳзада Аллоҳга бўлган муҳаббати йўлида қурбон бўлади. Аслида ўлим ҳам ҳаётимизнинг бир қисми. Лекин сизни ҳеч ким менадан тортиб ололмайди.

Уч кундан кейин эрталаб соат 7:30да Улуғбек кўчасида яшаётганлар бу уйга қўлида бир даста чиннигул кўтариб олган нариги маҳалладаги дўкон сотувчисининг кириб бораётганини кўришди. Дўкон сотувчиси гулларни тувакда сўлиб қолганларининг ўрнига солиб қўйди. У эшикнинг ўнг томонидаги каравот олдида дераза томонга қараганча тирсагига суяниб хаёл сураётган Феруза холани кўрди. Сўнгра ҳол-аҳвол сўради. Аммо жавоб бўлмади. У деразани очиб юборди. Хонага тоза ҳаво кирди. Феруза холанинг гавдаси шамолда тебраниб кетди.

Кечга яқин Феруза холани дафн этишди. Аммо Бобир амаки уйда йўқ эди. Қўшнилари уни анчадан буён касал ётувди дейишди. Дўкон эгаси Феруза хола унга атаб ҳар куни гул олиб кетганини айтди. Кимдир узоқ вақтдан буён Бобир амакини учратмаганини гапирди. Эртаси куни қўшнилари михланган уйнинг эшигини бузиб киришди. Бобир амакининг жасади бундан уч ой илгари айнан шу хонага кўмилган эди.





*Доно БЕКЧАНОВА,  
Ўзбекистон Миллий Университети  
магистранти*

## ЮКБАК ТУЙҒУЛАР МААҚУБИ

Ботинидаги ижодий қудрати ила нафақат назмда, балки насрда ҳам назокат ила қалам тебратишга қодирлигини исботлаган, тилининг ширадорлиги, туйғуларнинг самимийлиги, ифодасининг таъсирчанлиги, ватан ҳақидаги шеърларининг сеҳрловчи кучга эгаллиги ва айни дамда рангин туйғулар билан ажралиб турувчи, шеърятнинг турли жанрларида муваффақиятли ижод қилиб келаётган Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг яқинда “Noshir” нашриётида “Дийдор азиз” номли китоби босилди. Омон Матжоннинг бу китобига тарихий фожеа, тарихий қисса ва шоирнинг сўнги йилларда ёзилган лирик-фалсафий шеърлари жамланган. Гарчанд Омон Матжон авваллари ҳам эпик қўламли асарлар ёзган бўлса-да, шоирнинг мазкур тўпламга кирган “Шайх Нажмиддин Кубро” тарихий фожеаси ва “Дравахоним” тарихий қиссаси ўзига хос насрий асарлари ҳисобланади.

Омон Матжон шеърляти инсон қалбининг илоҳий, сирли, сеҳрли ва нозик томонларига, ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат, ҳаёт жумбоқлари-ю, мангу умуминсоний, умумбашарий қадриятлар ифодасига қаратилган. Шоир ижодидаги шеърый қисса, дoston-хроника, жиддий публицистик шеърлардан тортиб, ишқий лирик ва ҳазил-мутойиба, кечмиш ва тарихий сиймолар тасвиригача бўлган асарларида рамзий-мажозий образлар, табиат ва жонзотлар – дарахтлар ва қушлар билан боғлиқ ташбеҳ, тимсоллар тили билан сўз айтиш, фикрни ифодалашга мойиллик кучли, бу ижодкор услубининг ўзига хос бадиий кучидан далолат. О.Матжон ижодида Шайх Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Навоий, Бобур, Паҳлавон Маҳмуд, Яссавий, Боқирғоний, Замаҳшарий каби улғу тарихий шахсларнинг номлари кўп тилга олинади.

Мустақилликдан кейин шоир ижоди ватанни улғуловчи, ватанни мадҳ этувчи, истиқлолни шарафловчи, эл-юртнинг гўзал гўшаларини таъриф ва тавсифловчи шукроналик руҳида ёзилган шеърлар билан

янада бойиди. Истиқлолни ўзининг сўнмас қуёши дея билгувчи шоир шундай мисралар битди:

*...Ўзбекистон, зўр табаррук маъволар юрти,  
Берунийлар, хоразмийлар, кубролар юрти,  
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,  
Ватан бирла миллатга жон фидолар юрти!..*

Руҳи уйғоқ шоир кенгликлардаги эркин ҳаволардан шеърлар тўқиди. Ватанининг тоғлари, қоялари, поёнсиз ўрмон-у, безавол яшилликларидан илҳом олди. Ишқи ила дунё кезган олов шоирнинг нолалари булбулларни ҳам лол айлади:

*Ўт билан синади кўп Худовандим,  
Сувдан ҳам ўткарди бардошу бандим.  
Ишқ учун ҳозирлик экан барчаси;  
Ишқ келди, ҳам тўлқин урдим, ҳам ёндим!*

Кимники суйишса, ундан ўрганишади. Туйғу, кечинма ва дардлар уйғун келган асарми, шеърми ёки бир оғиз гап – ижодкорни илҳомлантиради, бошқа тилда бўлса таржимага ундайди. О.Матжон етук таржимонлиги у қилган таржималарда кўринади. Тўпламга киритилган таржималарида ҳам чуқур фалсафий маънолар яширин.

Тўпламдаги “Дравахоним” қиссасида Хоразмшоҳ маликаси Тўрабекахоним ҳаётидан ўзига хос ибратли бир воқеа ҳикоя қилинган. Шоир айтганидек:

*Тўрабек хонимнинг дунёсига зид,  
Неча Султон Санжар келиб кетади.*

Гарчи Жайхун бўғилган бўлса-да, ор-номусини бир кўза сувга сотмаган аёл жасорати таҳсинга лойиқ.

Асар тарихий воқеага асосланган бўлса-да, чинакам бадиий асар даражасига кўтарилган. Муаллиф қиссада фақат фактларни келтирмасдан, ҳислар, воқеаларнинг драматик баёнида пайдо бўлувчи туй-

ғуларни ҳам нафис бир тарзда бергани ўқувчи онги ва туйғуларига кучли таъсир қилади.

Ватан озодлиги, эрки, халқининг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун жонини фидо қилган, энг сўнги дамда ҳам дадил туриб душман кўзига қўрқмасдан тик боқиб “Ё ҳаёт, ё мамот” дея курашган, йирик тасаввуф олими, халқ қаҳрамони ва оташнафас шоир, ислом аҳкомлари ва тасаввуф талабларини халқ ўртасида назарий жиҳатдан тарғиб-ташвиқ қилиш билангина кифояланмай, ўзининг мардона хатти-ҳаракати билан уни амалда ҳам кўрсатган даҳо шахс Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти не бир қалам аҳлини тўлқинлантирмаган дейсиз. Омон Матжоннинг “Шайх Нажмиддин Кубро” тарихий фожеаси трагик конфликт, трагик ҳолат, трагик қаҳрамон каби жанр хусусиятлари ва талабларига тўла жавоб беради.

Аристотелнинг фикрича чинакам трагик асар китобхоннинг дилида қайғу ва ачиниш ҳисларини кўзғатиб, «катарсис» ҳолатини юзага келтиради. Каттарсис – изтироб чекиб покланиш деганидир. Бошқа жанрлардан кўра трагик асар ёзиш мураккаброқ ҳисобланади. Бунинг учун ижодкор аввало трагик қаҳрамонни тўғри танлай билиши керак, ўз-ўзидан трагик қаҳрамон фожеа ҳолатини идрок эта олиши, маънан ва руҳан изтироб чекса-да, руҳан синмай мақсад сари интилиши шарт. Фожеа юкини кўтара олиши учун трагик қаҳрамон шахси улуғвор бўлиши лозим.

Асарда Хоразмшоҳ вориси Ўзлоқ Шоҳ томонидан қилинган қотиллик ички (яъни, халқ орасида) трагик конфликтни юзага келтирса, Туркон Хотун маслаҳатига қулоқ тутиб, Хоразмшоҳнинг элчиларни қатл қилдиришидан ташқи трагик конфликт юзага келади ва асарнинг кульминациясини бошлаб беради. Асарда Хоразмшоҳ томонидан айтилган: “Яратганинг ўзи бир халқни қарғаб урмоқчи бўлса, аввало унинг фарзандларини бир-бири билан уруштириб қўяди”, деган сўзлари воқеалар ривожига белги, ишора вазифасини ўтайди. Жалолитдиннинг “йўли иложсизлик, йўлсизлик йўлида қолиши”, Шайх Нажмид-

дин Кубронинг кўнгили безовталиги ва кўрган рамзий тушлари “эртанги” кун даҳшатларига ишора эди.

Одатда, трагик қаҳрамон курашувчи куч саналади. Драмада ўзаро тенг бўлган кучлар кураш олиб борса, трагедияда трагик қаҳрамон ўзидан бир неча баробар улкан кучлар билан курашади. Шайх Нажмиддин Кубро ҳам бутун бир Чингизхон кўшинига қарши туриб, Ватан эрки ва озодлиги учун курашади. Гарчи бош қаҳрамон қаршисида танлаш имконияти мавжуд бўлса-да, Шайх Нажмиддин Кубро ўз мақсадидан воз кечмайди. Ўлим муқаррарлигини билиб турса-да, эътиқодига содиқ қолиб, Ватан йўлида жон беришни шараф деб билади:

Ўтмиш хатоларидан сабоқ олиб, янги куч билан ҳақиқатга мурожаат қилиш оқил инсон ишидир. Омон Матжоннинг “Амир Олимхоннинг сўнги илтимоси” шеърида шундай мисралар бор:

*Халқим! Тилсиз бардош ҳам умид билан  
Кимники кўтарсанг тахти аълога,  
Ҳали кўзлари кўр бўлмасдан бурун  
Тавобга олиб бор Амударёга!*

Тарихдан ибрат ва ўрнатки олиб, миллий қадриятларни унутмасдан, биз учун жон фидо қилган аждодлар руҳини шод этиш асл ўзбек фарзандининг муқаддас вазифасидир.

Ижодкорни тушуниш учун унинг дунёси қонунларини ўрганиш керак бўлади. Ўйлайманки, китоб билан танишган ҳар бир ўқувчи қалбида ватанга бўлган чексиз меҳр, унинг ўтмишидан оғриниш, келажагига ишонч ва истиклолига шукроналик туйғулари пайдо бўлади. “Шоирлик – ҳақ дея ёниш”, деган Омон Матжон қалбидаги олов кўп мўъжизалар инъом этишга қодир:

*Мен тақдир нонини инжилмай тишлаб,  
Бор элнинг бахтидан шодон бўламан.  
Суюқлигим қалбида то соғинчки бор,  
Мен, демак, ҳалиман, ҳамон бўламан.*





# АДИБЖУМЎ МАФАККУР ОЛАМИ

Серқирра ижодий фаолият эгаси, миллатимизнинг фидойи ёзувчиси, ҳақиқатгўй адиб Шукур Холмирзаев роман, қисса, ҳикоя, драма сингари жанрларда кўплаб бадиий асарлардан ташқари ижод психологияси, ижодкор шахсияти, адабиёт ва жамият муносабати каби масалаларга бағишлаб ўнлаб адабий-танқидий мақолалар ҳам ёзган эди. Аслида, ижод психологияси, ижодкор шахсияти ҳамда улар ўртасидаги кўзга кўринмас, ғоятда нозик робита барча замонларда баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб келади. Қизиғи, бу борада сўнги хулосани айтиш имконсиздир. Айни чоғда, Адабиёт ҳақида ҳар кимнинг ўз нуқтаи назари бўлиши ҳам табиий. Шу маънода билимдон адиб, чин зиёли Шукур Холмирзаевнинг адабиёт, ижод ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Қолаверса, Шукур ака учун адабиёт ҳаёт кечирши воситаси эмас, балки яшашнинг шакли эдики, Сўз санъатига сўнгсиз фидойилик нафақат ўзбек, балки дунё адабий жараёнида ҳам камёб ҳодиса саналади.



Санъатсиз, адабиётсиз яшашни тасаввур этолмайдиган қаҳрамонлар талқини Шукур Холмирзаевнинг сўнги даврда ёзган асарларида бот-бот кўзга ташланади, бинобарин, ушбу омил ҳам ёши улғайиб, ҳаётдаги ақидалари қатъийлашган, хулосалари аниқлашган муаллифнинг маслағи ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитади. Ижодкорликнинг қисмат, умр савдоси эканини англатувчи таъкид адибнинг адабий-танқидий мақолаларини умумлаштириб турувчи ягона муштарак белгидир. Бу куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган, турли мақолалар, суҳбатлардан олинган, адибнинг адабий қарашларини мухтасар ифодалайдиган фикрларда ҳам яққол намоён бўлади.

\*\*\*

...ҳар бир асар айрича бир дунё бўлганидек, унга кириш йўллари ҳам ўзига хос бўлади.

\*\*\*

...адабий жараёни изчил кузатиб бориш, лозим бўлганда, унинг олдида бориш – жуда улуғ фазилат. Энг зукко танқидчиларга хос фазилатдир.

\*\*\*

...ҳиссиёт шундай олам эканки, баъзан унинг ташқи белгиларини кўриш ҳам, эшитиш ҳам, сезиш ҳам мумкин бўлмагани ҳолда, уларнинг жонли ҳаракатда ярқиллаб акс этганинигина кўриб қолиш мумкин.

\*\*\*

...шахсан мен китобхонни бир ёққа торта билган, унинг дидига мўлжаллаб – унга асарини нима қилиб бўлса ҳам ёқтириш мақсадида эмас, ўша дидни бир

бахя бўлса-да кўтариш ниятида тер тўккан ёзувчиларни севаман.

\*\*\*

...Қодирийдаги диалогларни шундоқ саҳнага олиб чиқиб қўйиш мумкин. Актёрлар лаззатланиб ижро этишади. Шундандирки, “Ўтган кунлар” экранга кўчирилганда, сценарист ёзувчилар санъаткорнинг диалогларини деярли ўзгартирмаганлар. Кино санъати билан проза санъатининг ўзига хос хусусиятларидан хабардор кишилар бу нечоғлик тансиқ ҳол эканига имон келтиришар!

\*\*\*

...асарларим баъзиларга манзур бўлмаган эса-да, вақтимнинг кўпи ана ўша асарларни қандай ёзиш кераклиги устида кечди.

\*\*\*

...баъзида яхши одам билан ёмон одамни фарқлаш қийин. Чунки иккиси ҳам бир хилда гапиради, гўё бир

хил фикрларни айтади, боринги, бир хил ишни бажаради. Уларни ўз жойига қўйиб тасвирлаш учун ёзувчидан ўта сезгирлик талаб этилиб қолмай, унинг эзгулик ва яхшилик ҳақидаги этиқодининг аввалгисидан ҳам муस्ताҳкам бўлиши талаб этилса керак.

\* \* \*

...бугунги кун ёзувчиси, шубҳасиз, фақат ўз адабиёти тажрибаларига суяниб қалам тебратиши мумкин эмас.

\* \* \*

...муҳаббатнинг ижодга таъсири ҳақида гап кетадиган бўлса, фикрим шу: ижоднинг тагида аслида муҳаббат ётади.

\* \* \*

...замон айланиб, рост гапни – борини айтиш иконияти очилди.

Бу – ёзувчи учун бахт!

Ахир ёзувчига нима керак? Ана шу эркинлик-да! Ёзувчининг вазифаси нима? Ҳақиқатни айтиш-да!

Шунинг учун бўлса керак, дунё адиблари ўртасида тарқалган қадим бир гап бор: ёзувчининг Худоси – ҳақиқат эмиш.

Энди шундай муҳитда енг шимариб, ишга киришмаслик – гуноҳи азим.

\* \* \*

...муаммоларнинг муаммоси – одам. Одамни чи-накамига акс эттирар экансиз, унинг қилмиш-қидирмишларидан муаммолар келиб чиқаверади. Ўша муаммоларни ҳал этиш эса... сенинг ишинг эмас: уни ҳаёт ҳал этади ва пироварди, ўша «ҳал этилиш» жараёни яна адабиётда акс этиши мумкин.

\* \* \*

...услугда ҳамма нарса мужассам: дунёқарашдан тортиб, нуқта қўйишгача...

\* \* \*

...мен учун асл муддао – изҳори дил. Аммо бунинг тагида менга боғлиқ бўлмаган... ташвиқот ётади. Ҳа-а, адиб охир-оқибат ниманидир ташвиқ қилади.

\* \* \*

...Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳозирги кун адиблари, хусусан, ҳикоянавислари учун том маънода бир мактаб, миллий мактабдир.

\* \* \*

...Абдулла Қаҳҳорни йўқ деб, яъни ҳаётга келмаган, ҳикоялар ҳам битмаган, қиссалари, «Сароб» ҳам – бизнинг хаёл, деб кўзимни юмдим. Дунё қоронғи

бўлиб қолди. Ўзим ҳам... йўқ бўлдим. Кўзимни очсам, у – қаршимда. Демак, ўзим ҳам борман.

\* \* \*

...ҳикояда ечим ёзувчининг дунёни зуҳур этиши, инсон руҳининг ички ва сиртқи қонуниятларини нечоғлик билиши, қолаверса – маҳорат-профессионаллик, ижод техникасини қанчалик эгаллагани билан боғлиқ масаладир.

\* \* \*

...анчайин материалдан ҳам уста адиб яхши ҳикоя яратиши мумкин.

\* \* \*

...асар, ҳар қалай, ўзи учун ўзи жавоб бериши керак: санъат ҳақиқати ҳаёт ҳақиқатидан сал-пал баланд турмаса, у санъат бўлиб нима бўлди?

\* \* \*

...ҳақиқий адиб мукофот учун ёзмайди ва ёзмаслиги керак.

\* \* \*

...булбул нега сайрайди? «Биз учун!» деб ўргатишган бизга. Ҳолбуки, у ўзи учун – яъни, сайраши кераклиги учун сайрайди: илло, сайрамаса – ўлади.

Ёзувчилик ҳам – шу!

\* \* \*

...шахс инсон сифатида камол топишни истар экан, ва айна чоғда ўзига хос жиҳатлариниям қўлдан чиқазмас экан, демак... у шахсининг навбатдаги асарлари ҳам унинг ўзи билан бирга шаклланиб бораверади. Ва оқибат шахс қандай Инсон бўлса, унинг асарлариниям шундай Санъат бўлади.

\* \* \*

...ёзувчи қандайдир бир мавзуни олиб, қандайдир қаҳрамонлар йўналган мақсад сари қалам тебратади. У нега бу ишни қиляпти? У китобхонга нимадир демоқчи, унга ўзи учун азиз-муқаддас бўлган бир нималарни айтмоқчи, пироварди, унга бир нима бермоқчи, унинг маълум бир масалага муносабатини ўзгартирмоқчи ёки ўша масалага янгича назар билан қарашини истаб шу ишни қиляпти.

\* \* \*

...биз битта адабий тилни қабул қилганмиз. Ҳақиқий адабий тилимиз Чўлпоннинг тили. Мен ёзганимда ҳамма вақт муаллиф тилидан, адабий тилда ёзишга ҳаракат қиламан. Аммо қаҳрамонларим ўз-ўзича. Шунинг учун адабий тилга ҳар нарсани тиқиштириб, та-лаффузини бузиб юришни ёқтирмайман.

**Отабек САФАРОВ нашрга тайёрлади.**



Жек ЛОНДОН

## ОҚСОҚОЛЛАР ИТТИФОҚИ

Ҳикоя



Казарма биносида ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётган бир одамни суд қилишарди. Бу – Оқбалиқ дарёси соҳилларидан келган чол эди. Чолнинг кўрилатган иши бутун Доусонни оёққа турғизди, нафақат Доусонни, балки оқим бўйлаб иккала томонга минглаб чақиримларга чўзилган Юкон ўлкасини-да жунбушга келтирди. Денгизда қароқчилар, қуруқликда талончилар айшини сураётган бир замонда англосакслар аллақачонлар итоаткор халқлар ҳаётига қонунни сингдириб бўлишганди ва бу қонун шафқатсиз эди. Лекин Имбернинг ишига келганда қонун илк дафъа мурувватли бўлиб кўринди. Бу қонун оддий ҳисоб-китоб нуқтаи назаридан қаралганда мутлақ жиноят билан тенглаша оладиган бунақанги жазони мўлжалламаганди. Жиноятчи олий жазога маҳкум, бунда иккиланишга ўрин йўқ асло; бироқ жазо қатл билан якунланса-да Имбер бор-йўғи ўзининг бошини кундага қўя оларди, холос; бўйнида эса кўпларнинг ҳаёти қарз бўлиб қолаётганди.

Аслида Имбернинг кўли шу қадар қонга ботгандики, унинг қурбонлари саноксиз эди. Ўлка аҳолиси кўналғада тўхтаб ёки печка ёнида ялқовланиб, мундштук бурқситганча бу чол тушмагур нечтасининг ёстиғини қуритганини чўтга солиб чамалашарди. Бахтиқаро қурбонларнинг барчаси ҳеч бир муболағасиз оқ танлилар эди; улар якка-якка, жуфт-жуфт ва тўдалашиб ҳалок бўлишди. Қотилликлар шунчалик маъносиз ва асоссиз эдики, узоқ вақт мобайнида Қироллик отлиқ полицияси бу жумбоқнинг тагига етолмади. Ҳатто дарё бўйида олтин қазилиб, доминион ҳукумати аҳолидан ўз бойликлари учун солиқ йиғиштириб олгани губернаторни жўнатганда ҳам ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолди.

Бироқ энг катта жумбоқ шу бўлдики, Имбернинг ўзи Доусонга – одил суд ҳукмига бош эгиб келди. Баҳорнинг охирида, Юкон ўзининг муз кишанларини ечишга уриниб ҳайқириб-бўкирганда мўйсафид хинду муз устидаги йўлидан бурилди-да, қирғоқ тепалиги-

дан амал-тақал ўтди ва саросима ичида шоҳкўчада тўхтади. Чолга кўзи тушганларнинг бари пайқашдики, у анчайин кучдан қолган. У гандираклар ёғоч уюмига етиб борди-да, чўкди. Ён-веридан ўтиб кетаётган оқ танлиларнинг адоқсиз оқимига разм солганча уззукун шу ерда ўтирди. Кўпчилик унга қараш учун бот-бот ўгирилишар, ғалати афт-ангорли бу кекса сиваш баъзиларни ўйга толдирарди. Кейинчалик ўнлаб кишилар ҳиндунинг ғайриқийёфаси уларни ҳайратга солганини эслаб, кун бўйи зийракликларидан гердаиб юришди.

Шундай эса-да асл қахрамон Митти Диккенсен бўлди. Митти Диккенсен бу юртларда эзгу умидлар-у чўнтагида бир даста доллар билан ҳозир бўлганди, аммо чўнтакдаги ақча ила умид ҳам ҳавога учди. Штатларга қайтишга маблағ йиғиш учун у “Холбрук ва Мэйсон” даллоллик идорасида ҳисобчи курсисини эгаллади. Айни “Холбрук ва Мэйсон” идорасининг рўпарасида Имбер жойлашиб олган ёғочлар уюми ётарди. Диккенсен уни нонуштадан аввал деразадан кўриб қолди, нонуштадан сўнг қайтиб келиб яна деразадан мўралади: кекса сиваш ҳалигача ўша ерда ўтирарди.

Диккенсен тез-тез деразадан назар ташлаб турди; кейинроқ у ҳам зийраклигидан фахрланиб юрди. Митти Диккенсен сал хаёлпарастроқ эди, шунгами, у кўзғалмай ўтирган кекса мажусийда сиваш халқининг тимсолини, англосакс босқинчиларига боқиб турган тушунисиз хотиржамликни кўрди.

Соатлар бир-бирини қувалашар, Имбер эса қилт этмай ўша ҳолатда ўтирарди. Диккенсен бир пайтлар шоҳкўча ўртасида чана келиб тўхтаганини, устида шундай ҳаракатсиз ўтирган кимсани эслади; унинг теграсида ўткинчилар уймаланишар, ҳамма уни дам оляпти, деб ўйлар, кейин эса кўл теккизиб кўришганда мурдага айланганлиги маълум бўлди – совуқда тарашадай қотиб қолганди. Жасадни тўғрилаш учун – йўқса тобутга сифмасди – уни гулхан ёнига келтириб, музини

туширишга мажбур бўлишганди. Диккенсеннинг бу ўйлардан эти жимирлаб кетди.

Бир оздан сўнг Диккенсен сигара чекиб, шамоллагани кўчага чиқди. Дақиқа ўтиб Эмили Трэвис пайдо бўлди. Эмили Трэвис латофатли, нозикниҳол ойимтилла эди, Лондон ёинки Клондайкда бўлишдан қатъи назар миллионларга эга тоғ муҳандисининг арзанда-сидек кийинарди. Митти Диккенсен сигарасини дераза тоқчасига ташлаб, шляпасини андак кўтариб қўйди.

Улар ўн дақиқача валақлашди. Бирдан Эмили Трэвис Диккенсеннинг елкаси оша қараб қичқириб юборди. Диккенсен шошиб ўгирилдию, сапчиб тушди. Имбер кўчани кесиб ўтиб, қиздан кўзини узмай соядай уларнинг пешонасида турарди.

– Нима керак? – журъатланди Митти Диккенсен овози қалтираб.

Имбер нимадир деб мингиллаб, Эмили Трэвисга яқинроқ келди. У қизни бошдан-оёқ синчиклаб кўздан кечирди. Айниқса қизнинг ипаксимон кўнғир сочлари ва ол ёноқлари чолда алоҳида қизиқиш уйғотди. У нигоҳини узмай қизни айланиб ўтди, гўё отнинг бўйбастини ёки қайиқни ўрганаётгандай. Ногаҳон у ботаётган куёшнинг нурлари қизнинг қизғиш қулоқларидан ўтиб шуълаланаётганини пайқадиди, таққа тўхтади. Кейин яна унинг юзларини “текшириш”га тушди ва қизнинг мовий кўзларига узоқ тикилиб қолди. Тагин ниманидир тўнғиллаб, бир қўли билан нозикойимнинг билагидан ушлаб, иккинчиси билан тирсагини букиб кўрди. Ҳиндунинг юзида нафрат ва ҳайрат акс этди, пўнғиллаб Эмилининг қўлини қўйиб юборди. Сўнг бўғзидан қанақадир товушлар чиқариб, қизга орқа ўгирди ва Диккенсенга нимадир деди.

Диккенсен унинг сўзларини тушунмади, Эмили эса кулгудан ўзини тиёлмади. Имбер қошларини чимириб дам Диккенсенга, дам Эмилига сўз қотар, улар фақат бош силкиб қўйишарди. Энди улардан нари кетмоқчи бўлганди, қиз кимнидир чақирди:

– Ҳей, Жимми! Бу ёққа келинг!

Жимми кўчанинг нариги тарафидан яқинлаша бошлади. Бу оқ танлилар каби кийинган, бошига Эльдорато азаматларининг кенг соябонли катта шляпасини кўндириб олган дароз, бесўнақай ҳинду эди. Тутилиб-тутулиб Имбер билан гаплашди. Жимми ситхадан эди; ўлканинг ичкарасида яшайдиган қабилалар тилида фақатгина энг оддий сўзларни биларди.

– У Оқбалиқ қабиласидан, – деди у Эмили Трэвисга. – Меники унинг тилини яхши билмайди. У энг катта оқ танлини кўрмоқчи.

– Губернаторни, – тўғрилади Диккенсен.

Жимми Оқбалиқ қабиласидан бўлган одам билан яна бир неча сўз алмашдию, юзи таажжуб ва ташвишли тус олди.

– Унга капитан Александер керак, деб ўйлайман, – деди Жимми. – Айтишича, у оқ танли эркакни, аёлни, болани, кўпгина-кўпгина одамни ўлдирган. Ўзи ҳам ўлишни истайди.

– Ақлдан озган, шекилли, – деди Диккенсен.

– Бу нима дегани? – сўради Жимми.

Диккенсен бош чаноғини тешмоқчидек бармоғини чаккасига тиради-да айлангирди.

– Балки, балки, – деди Жимми ҳамон оқ танлиларнинг каттасини сўраётган Имберга ўгирилиб.

Қироллик отлиқ полициясидан миршаб етиб келди (Клондайкда улар отсиз юришади), у ҳам Имбернинг талабини эшитди. Миршаб кенг яғринли, девкор, оёқлари бақувват давангир эди; Имбер қанча новча бўлмасин, миршаб ундан ярим калла баланд эди. Кўзлари совуқ ва кўк, нигоҳи теран, келбатидан хув, ўша асрлар оша аждодлардан ўтиб келаётган ўз кучига бўлган ишонч ёғилиб турарди. Қойилмақом жасорати ёшини яшириб турарди – у ҳали ёш бола эди, силлиқ ёноқларида қизиллик қизалоқнинг юзидаги каби тезлик-ла югурарди.

Имбер эндигина миршабга разм солди. Ёш миршабнинг иягида шамшир дами қолдирган чандиқни кўриб ҳиндунинг кўзларидан ўт чақнади. Шалвираган қўлларини миршабнинг сонига олиб борди ва унинг мушакдор оёқларини пайпаслади. Бармоғи билан гавдасини чертди, кейин ўспириннинг елкаларини совут мисол қоплаб турган бақувват мушакларни ушлаб кўрди. Уларнинг атрофида аллақачон ўткинчилар тўпланишганди – олтин изловчилар, тоғ аҳолиси, янги ер эгалари – барчаси узун оёқли, кенг елкали ирқ фарзандлари. Имбер гоҳ унисига, гоҳ бунисига кўз ташлаб, Оқбалиқлар тилида нимадир деди.

– Нима деяпти? – сўради Диккенсен.

– У айтдики – бу кишиларнинг барчаси миршабга ўхшаган дароз, бир тоифадан экан, – таржима қилди Жимми.

Митти Диккенсен паст бўйли эди, шу боис Трэвис хоним қошида бундай савол берганига пушаймон бўлди. Миршаб буни пайқаб, гапни бошқа ёққа бурди.

– Бунда бир гап бор, шекилли. Уни капитаннинг ҳузурига олиб бораман. Унга айт, Жимми, мен билан юрсин.

Жимми тагин кекса ҳиндуни сиқувга олди, Имбер бир нима деб тўнғиллади, лекин юзидан мамнуниятни уқиш мумкин эди.

– Ундан сўра-чи, Жимми, қўлимни ушлаганда нималарни ўйлаган экан?

– Унинг айтишича, сиз кўрқоқ эмассиз.

Бундай жавобдан Эмили Трэвис ҳузурланиб кетди.

– Айтдики, сиз скукум эмассиз, шундай нозиксизки, худди мурғак боладек. У сизни қўллари билан минг бўлакка бўлиб ташлаши мумкин. Манов миршабдек азаматни дунёга келтира олишингизга лол қоляпти.

Эмили Трэвис кўзларини тик қадаб туришга ўзида қатъият топа олди, аммо юзлари алвон тус олди. Митти Диккенсен эса анорга айланди, ёш миршабнинг юзи эса полазорга.

– Ҳой, сен, қани, юр-чи, – деди бирдан миршаб оломонни елкаси билан тисариб.

Шу тариқа Имбер ўз ихтиёрига кўра барча-барчасига икром бўлган ҳамда кейин у ердан қайтиб чиқмаган Казармага келиб қолди.

Имбер қаттиқ толиққан кўринарди. У қартайиб қолган, умид учқунлари ўчган, бу унинг ранг-рўйидан маълум эди. У мункайиб, кўзлари нурсизланиб қолганди; сочлари оппоқ оқариши лозим эди, бироқ қуёш ва ёгин-сочин сочларини шунақанги куйдиргандики, энди улар туссиз, патакка айланганди. Атрофидаги ҳодисаларга унда зиғирча қизиқиш топилмасди. Хона олтин изловчиларга, овчиларга лиқ тўлган, уларнинг



ваҳимали шовқинлари Имбернинг қулоқлари остида қирғоққа урилган денгиз тўлқинларидек шовулларди.

У дераза ёнида ўтирар, лоқайд нигоҳи дам-бадам кўз олдида намоеън бўлган, юракни энтиктирадиган манзарада тўхтарди. Кўкни булутлар эгаллаган, чор атроф рутубатга чўмган. Юконда баҳорги тошқин бошланганди. Музлар эриб, шаҳарни сув босганди. Шоҳқўчадан икки тарафга ҳеч тиним билмас кишилар эшак эшишарди. Гоҳ у, гоҳ бу қайиқ кўча томондан Казарма олдидаги сув босган ҳарбий майдонга қайрилар; яқинроққа сузиб келиб кўздан йўқолар, Имбер қайиқ ёғоч деворга урилганини сезиб турар, эшакчилар бинога дераза ошиб кирар эдилар. Кейин эса сув шалоплатишиб юқори қаватга кўтарилишаётгани эшитиларди. Шляпаларини ечишиб сувга бўккан денгизчилар этигида хонага кириб, судни кутаётган оламонга қўшилиб кетишарди.

Ҳиндунинг муносиб жазоланишидан мамнун бўлаётган бу кишилар унга ёвқараш тикилишар экан, Имбер уларнинг удумлари, мезонлари, Қонуни, қайсики яхши замонда ҳам, ёмон замонда ҳам, тошқини очликда, кулфатни-да ўлимни писанд қилмай азал-азалдан яшаб, асрлар давомида қўлланиб келинаётган Қонун борасида ўй сурарди.

Аплаким столни тақиллатди; ғала-ғовур тиниб, зал сув қуйгандек жимиб қолди. Имбер столга муштлаган нусхага эътибор қаратди. Бу кимса ҳокимлик қудратига эгадек туюлди, бироқ Имберга бошқаси, сал нарироқда ўтирган кенг манглайли барчасининг устидан бошлиқ бўлиб кўринди. Стол ортидан яна биттаси туриб, қўлига анчагина қоғозларни олди-да баланд овозда ўқий кетди. Кейинги саҳифага ўтишдан аввал у бармоқларини тупуклаб, бир томоқ кириб оларди. Имберга унинг сўзлари бегона, аммо қолганлар тушунар, қошлари ўртасида чуқурча пайдо бўларди. Баъзан шундай дарғазаб бўлишардики, ҳатто биттаси Имберни ҳақорат сўзлар билан сийлади, аммо стол ортидаги киши столга муштлаб, тингловчининг унани ўчирди.

Ваъзхон узоқ жавради. Унинг зерикарли маърузаси остида Имберни мудроқ босар, баённома ниҳоясига етганда қария аллақачон туш кўраётганди. Кимдир уни оқбалиқликлар тилида исмини айтиб чақирганди, чол уйғониб, сингисининг ўғли – қачонлардир ўз қабилисини ташлаб, оқ танлиларга қўшилиб кетган ҳинду йигитга кўзи тушди.

– Сен, шубҳасиз, мени эслолмайсан, – деди ҳинду йигит саломни ҳам насия қилиб.

– Йўқ, эсламан, – жавоб қайтарди Имбер. – Сен Хаукансан. Кўп йиллар бурун бизни тарк этгандинг. Волданг ҳам омонатини топширганига анча бўлди.

– У кексайиб қолганди, – ўзини оқлади Хаукан.

Имбер жавобни ҳам эшитмай пинакка кетди, бироқ Хаукан елкасидан силкиб уйғотди.

– Манави одам нималар ўқиганини сенга билдирмоқчиман. У сен қилган барча жиноятларни, қайсики, о тентак, капитан Александерга иқдор бўлганларининг ўқиб эшиттирди. Сен яхшилаб ўйлаб кўриб, шулар тўғри ёки нотўғрилигини айтишинг даркор. Сенга шундай амр этилди.

Хаукан миссионерлар орасида кун кўрар, ёзувчизувни ўшалардан ўрганганди. Айни дамда анов ваъзхон ўқиган юпқа қоғозларни ушлаб турар – улар-

га Имбернинг Жимми кўмагида капитан Александер ҳузурида айтган барча сўзлари туширилганди. Хаукан ўқишни бошлади. Имбер пича тинглади, юзида тааж-жуб пайдо бўлди ва дарҳол жиянининг сўзини бўлди:

– Бу менинг сўзларим, Хаукан, улар сенинг лабларингдан учиб чиқяпти, қулоқларинг эса сўзларимни эшитмаган.

Хаукан мағрурона илжайди, фарқи очилган сочларини силаб қўйди.

– Йўқ, о Имбер, улар қоғоздан чиқяпти. Тўғри, қулоқларим уларни эшитмади. Сўзлар қоғоздан чиқиб, кўзим орқали миямга етиб боради, сўнгра лабларим уларни сенга етказди. Мана, улар қаердан чиқади.

– Шунақа дегин. Демак, улар қоғозда? – шивирларди Имбер ва қоғозни эгаллаган белгиларга ҳадиксираб кўз ташлаб, ушлаб кўрди. – Бу ғаройиб жоду. Сен, Хаукан, чинакам афсунгар экансан.

– Қўйсанг-чи, – деди йигит калондимоғлигини яширолмай.

Хаукан таваккалига бир варақни танлаб олди-да, ўқий бошлади:

– "Ўша йили, муз кўчишидан илгари, бола етаклаб олга бир оқсоч чол пайдо бўлди. Уларни ҳам ўлдирдим, ўшанда чол жони борича ўкирганди..."

– Бу бўлган гап, – деди Имбер ҳаяжонланиб. – У узоқ кичқирди, қаршилиқ кўрсатди, ўлишни истамаганди. Бироқ сен буларни қаердан биласан? Сенга оқ танлилар бошлиғи айтган, чоғи? Уларни ўлдирганимни ҳеч зоғ кўрмаганди, буни фақат оқ танли бошлиққа айтгандим.

Хаукан ранжигансимон бош чайқади.

– Буларнинг бари қоғозга ёзилган деб айтяпман-ку сенга, тентак.

Имбер сиёҳли белгилар тўла қоғозга синчиклаб боқди.

– Овчи ерга ястанган қорга қарайди-да айтади: мана бу ердан тунов куни куён югуриб ўтган, анави ерда, буталар орасида, қулоғини динг қилган, кейин эса нимадандир хуркиб расмини чизган; манави жойдан ортга қайрилиб, ирғишлаб-ирғишлаб қочиб қолган, хув, ана у ерда силовсин куённи доғда қолдирган; шу ерда, оёқлари чуқур ботган ерда, силовсин узун-узун сакраб шалпангқулоқни қувиб етган; қолганига фақат силовсиннинг излари кетган. Овчининг ўткир кўзлари қордаги изга тушиши биланоқ нима бўлганини айтиб бера олади, сен ҳам қоғозга қараб у ерда унақа, бу ерда бунақа бўлган ва барчасини қария Имбер қилган, деяпсан.

– Ҳа, шундай, – жавоб қилди Хаукан, – энди эса рухсат беришмагунча тилингни тийиб, жимгина қулоқ сол.

Хаукан Имбернинг кўрсатмаларини узоқ ўқиди, чол бўлса ўйга толганча, мум тишлаб ўтирди. Қабиладошининг уни ўчгач, Имбер шундай деди:

– Буларнинг бари менинг сўзларим. Булар – ҳақиқат, Хаукан. Лекин мен анчайин қартайиб қолдим. Шундай эса-да анов бошлиқ билиши даркор бўлган ҳамда аллақачонлар унутилган ишларни ёдга ола-япман. Эшит. Бир сафар Музтоғ ортидан кимса келдики, қўлларида маккор темир қопқонлар бор эди; у Оқбалиқ дарёси бўйларида қундуз овларди. Уни ўлдирдим. Кейин дарёдан олтин излаб уч киши пайдо

бўлди. Уларни ҳам гумдон қилдим. Файв Фингерда ҳам одам ўлдирдим – у солда сузиб юрар, анчагина гўшт ғамлаганди.

Имбер хотирасини кавлаштириб жим қолганда Хаукан унинг сўзларини таржима қилиб турар, клерк уларни ёзиб оларди. Оломон Имбернинг чўпчаги токи малласоч ғилай киши узоқдан туриб камон билан маҳв этиладиган жойига етиб келмагунча хаёлларида майда кўнгилсизлик бўлиб туюлган бу "оддийгина" ҳикояга бепарво бўлишди.

– Жин урсин, – олдинги қатордаги тингловчилардан бири ўзини тутиб туролмади. Унинг нидосида кулфату нафрат барабар янгради. – Жин урсин, – такрорлади, – ахир бу менинг жигарим Билл-ку!

Аҳён-аҳён залда серзарда "жин урсин" янграб турди – на ҳай-ҳайлашлар, на огоҳлантиришлар малласочни тинчлантира олди.

Имбер тагин бошини ҳам қилди, кўзлари тева-рак-жавонибни илғамасди. Ёлғизгина кексалик ёшлик, жўшқинликнинг ҳадсиз бесамарлиги борасида мулоҳаза юрита олганидек чол ҳам ўй-хаёллари саҳросини кезарди.

Хаукан судланувчини яна туртди.

– Тургил, о Имбер. Сенга мазкур жиноятларга қўл урганнинг ҳамда бу ёқларга Қонун излаб келишинг боисини тушунтириб бериш буюрилди.

Имбер аранг оёққа турди, мадорсизликдан оёқлари қалтирарди. Йўғон ва бироз титраган овозда гап бошлади, бироқ Хаукан уни тўхтатиб қўйди.

– Бу чол ақлдан озибди, – мурожаат қилди йигит инглизчалаб кенгпешонага. – Ёш боладай валдирамоқда.

– Биз унинг валдирашларини эшитмоқчимиз, – деди кенгпешона. – Биз уни сўзма-сўз охиригача эшитмоқчимиз. Тушунарлими?

Имбер қаҳрли қараш қилди – жияни оқ танли билан нималарни гаплашганини фаҳмлаганди. У яна тазаррусини – қайсики келгуси авлод учун бронзавий зарварақлардан жой олишга лойиқ бўлган қора танли фидойининг ғайриоддий ҳикоясини бошлади. Оломон жодулангандай тош қотди, кенгпешонали судья эса бошини кўлига тираб гўё ҳиндунинг кўнглини эшитарди. Сукунат аро тилмоч кескин бўлиб турган Имбернинг нидоси кезар, вақти-вақти билан малласочнинг "жин урсин"и ибодатхона кўнғироғидай янграрди.

– Мен ким – Имбер, Оқбалиқ қабиласиданман, – чолнинг сўзларини Хаукан бегона тилга ўгирарди; Имбернинг нутқидаги таниш маром ҳамда қироат қулоғига чалиниши заҳоти миссионерлик тарбияси-ла суғорилган тараққиёт аломатлари тўзғиб кетди ва унда одамёввойи уйғонди. – Отам Отсбаок баҳодир жангчи эди. Ҳали гўдаклигимда қуёш нурларини аямас, юракларимизда шодлик кезарди. Одамлар номаълумликлар томон чопишмас, бегона овозлар қулоққа чалинмас, аждодлар удуми бизнинг удумимиз эди. Йигитлар қизлардан кўз узишмас, моҳпоралар-да кўзларни қувонтирарди. Аёлларимизнинг этаги тўла бола-бақра эди. Қабиламик кўпаяр, эркакларимиз ҳам ўша замонлар асл азаматлар эди. Улар уруш ва тинчликда ҳам, очлик ва тўқликда ҳам эр киши эдилар.

У замонлар балиқлар ва паррандалар мўл эди. Итларимиз бўри зотли, юнглари қалин, на қаҳратондан,

на бўрондан ҳайиқишарди. Аёзу довуллар юракларимизга кўрқув сололмасди. Пелли қабиласи ерларимизга оёқ кўйишлари замон ўртада қонли олишув кетарди. Негаки, биз асл эркаклар эдик, Оқбалиқ қабиласининг кўрғонлари; ота боболаримиз пеллилар билан курашиб келишди, тупроғимиз сарҳадларини ҳимоя қилишди. Биз уларнинг ишини давом эттирардик.

Кунлардан бир куни диёримизга биринчи оқ танли ташриф буюрди. У қорда эмаклаб келарди – мана бундай қилиб. Эти устихонига ёпишиб қолган, бунақасини сира кўрмагандик. Қаердан, қайси қабиладан келди экан, дея ҳайрон бўлардик. У норасидадек нимжон эди. Биз меҳмонни гулхан ёнига ўтқиздик. Пўстинга ўраб, ош-нон бердик.

Келгинди ўзи билан бизнинг итларимизга учта келадиган итни эргаштириб олганди. Жонивор ҳам эгаси каби кучдан қолган, юнглари калта, думи музлаб қолганди. Бу ғалати жондорни ҳам қорнини тўйғиздик. Гулхан атрофидан жой бериб, итларимизни нари ҳайдадик, йўқса бегона итни тилка-пора қилишлари турган гап эди.

Буғу ва балиқ гўштини еб, келгинди ва ити анча кучга кирди. Жир битиб, келгиндининг овози кўтарилди. Қария ва йигитларимиз устидан кулиб, қизларимизга кўз олайтира бошлади. Ити эса бизникилар билан олишар, юнглари юмшоқ ва калта бўлса-да, бир марта учта итимизни ғажиб ташлади.

Бу одамдан қайси қабиладансан, деб сўраганимизда у: "Менинг оға-иниларим бисёр", – деди-да, совуқ илжайиб қўйди. Ниҳоят кучга тўлгач, ўз юртига равона бўлди. У билан Нода, сардоримизнинг қизи ҳам кетди. Тез орада бир урғочи итимиз болалади. Бирор мартаба бундай кучукбачаларни кўрмагандик – хумбош, бақувват жағли, калта юнгли, бунинг устига ожизу но-чор. Отам бу нотавон кучук болаларини кўриб фиғони фалакка етгани ҳамон ёдимда. Отам кўлига тош олиб кучукбачаларни мажақлаб ташлади. Икки йилдан сўнг Нода ҳам кўлида ёш боласи билан қайтиб келди.

Ҳаммаси шундан бошланди. Кейинроқ калта юнгли ит билан иккинчи оқ танли келди. У ҳам бизнинг диёримизда узоқ турмади. Аммо итини қолдирди. Устига-устак энг зўр олтига итимизни ўзи билан олиб кетди. Уларни Ку-Со-Ти – онамнинг укасидан ажобтовур тўппончага алиштириб олганди – олти марта кетмакет ўқ узадиган тўппонча. Ку-Со-Ти янги қуроли билан гердаяр, ўқ-ёйларимизни хотинлар овунчоғи дерди. Ку-Со-Ти кўлида тўппонча билан айиқ овига отланди. Эндиликда тўппонча билан айиқ овлаш аҳмоқлик эканини ҳамма билади, лекин ўшанда биз буни қаёқдан билардик? Ку-Со-Ти қаёқдан билсин эди? У айиқ қошига шахд-ла борди-да, тўппончасидан олти марта ўқ узди. Йиртқич бўлса бўкириб Ку-Со-Тини тухум пўчоғидай эзгилаб ташлади, асалари инидан оққан асалдай Ку-Со-Тининг мияси оқиб тушди. У моҳир овчи эди, энди унинг оиласини қорамоғига оладиган кўрғон йўқ. Биз барчамиз чуқур қайғуга ботиб: "Нимаики оқ танлилар учун яхши бўлса, бизни ҳалокатга етаклайди", – деган хулосага келдик. Чинданам шундай. Оқ танлилар туфайли қавмимиз камайиб кетди, улар сабабли чўпдай озидик.

Кутилганидек учинчи оқ танли ҳам пайдо бўлди. У турли егуликлар ва ажиб моллар эвазига йигирма-

та зотдор итларимизни эргаштириб кетди. Ортидан совғалар ва ваъдаларга учиб ўн нафар овчи йигитларимиз ҳам йўлга тушишди. Аммо қаяққа – биров билмайди. Айтишларича, улар Музтоғда қор остида қолишган ёки курранинг бир чети – одам қадами етмаган Сукунат Тепаликлариди ажалга йўлиққанмиш. Нима бўлган тақдирда ҳам оқбалиқликлар итлар ва овчи йигитларни қайтиб кўришмади. Оқ танлиларнинг қадами еримиздан узилмас, совға-саломларини унуттишмас, ёш йигитларимизни олиб кетишни ҳам қанда қилишмасди. Баъзан йигитларимиз қайтиб келишар ва биз Пелли қабиласининг ери ортидаги қийинчиликлар ҳамда хавф-хатар ҳақида жон қулоғимиз билан эшитардик, баъзан йигитларимиз ортга қайтишмасди. Шунда: "Модомики, оқ танлиларга қўрқув бегона экан, бу уларнинг кўплигидан. Бизлар оқбалиқ қавми озчилигимиз. Шундай экан, ёшларимиз ортиқ бизни тарк этишмасин", дея қарор қилдик. Лекин йигиту қизларимизни ушлаб туролмадик.

Тўғри, биз ун ва тузланган чўчка гўштани тановул қилардик, чойхўрликни хуш кўрардик; лек агар бу тансиқ егуликлар етмай қолса, томошани кўраверинг – жаҳлимиз чиқиб, ақлимизни йўқотардик. Келгиндилар олди-берди қилиш учун олиб келадиган матоҳларни қўмсай бошлардик. Савдо! Савдо! Биз биргина савдосотикни ўйлардик. Бир йили қишда ғамлаб кўйган бари илвасинларимизни яроқсиз соат, ўтмас арра ва зангланган тўппончага алмаштириб юбордик. Шундан сўнг очлик таъзиримизни берди, қирқтача ёр-биродарларимиз баҳорга етмай узилди.

"Ана энди кучсизланиб қолдик. Пелли қабиласи ерларимизни тортиб олади", деб таҳликага тушдик. Бироқ офат биргина бизда эмаскан – пеллилар ҳам дармонсизланган, биз билан жангга киролмасдилар. Отам Отсбаок у вақтлар хийла кексайиб қолган бўлса-да, донолигини йўқотмаганди. Ўшанда отам раҳнамомизга шундай деди: "Кўриб турибсан, итларимиз ҳеч нарсага ярамай қолди. Қалин юнглиридан асар қолмади, ўз вазифаларини адо этиб бўлишди, чана ҳам тортолмайдилар. Яхшиси, уларни сўямиз, фақат бўри зотли урғочиларни ўрмонга қўйиб юборамиз. Балки шунда қалин юнгли, бақувват итларимиз авлоди яна давом етар".

Тез орада отамнинг башорати тўғри бўлиб чиқди. Оқбалиқ қабиласи курранинг енг зўр итлари билан донг таратди. Итлари билан – одамлари билан эмас. Йигит-қизларимиз оқ танлилар ортидан номаълум сўқмоқлару дарёлар ортига ғойиб бўлишарди. Қизларимиз ортга қайтишни минбаъд хаёлларига келтиришмас, қайтганлари ҳам Нода сингари дардманд, қаримсиқ бўларди. Яқинлари даврасига қайтган йигитларимиз эса хонадонларига сиғмасдилар. Саёҳатлари давомида кўрслик ва бадфеълликдан ўзгасини ўрганишмаган, иблис сувига қул бўлишган, куну тун қартадан бош кўтаришмасди; илк учраган келгинди чақириғи билан яна бегона ўлкаларга ошиқардилар. Катталарга ҳурматни унутишган, кишини менсишмас, кўҳна урф-одатларимизни мазах қилишар, сардоримиз ва шомонимиз устидан кулишарди.

Оқбалиқ қабиласи тобора кучини йўқотар, заифлашиб борарди. Тамаки, виски, юпун кийим-кечак ўрнига мўйна ва пўстинларимизни жон-жон деб тутқазардик.

Йўтал бизга хужум бошлаган, эркагу аёллар бирдай касалманд, кечаси сурункасига йўталиб чиқишар, овчиларимиз ўрмонга чиқибоқ қорга қон тупуришарди. Гоҳ унимиз, гоҳ бунимизнинг бўғзимиздан қон келар, оқибат кўпчилик жон таслим қиларди. Туғилиш кескин камайган, дунёга келган чақалоқлар ҳам дардчил эди. Келгиндилар биз ҳали дуч келмаган бошқа тушунарсиз хасталикларни олиб келдилар. Кейинчалик билишимча, бу касалликлар чечак ва қизамиқ деб аталаркан – биз касалликлар "шарофати" билан кузда увилдириғини ташлагандан сўнг яшашининг ҳожати қолмаган балиқ каби ҳалок бўлардик.

Энг ачинарлиси, оқ танлилар ўлим лашкарини бошлаб келишарди, барча удумлари ажал ёқасига етакларди, нафаслари ўлим оловини пурқар, ўзларини эса жин ҳам урмасди. Уларда виски, тамаки, калта юнгли итлар билан бирга чечак, қизамиқ, йўтал ҳам бор; улар оқ танли ва улар қаҳратон, бўрондан зир титрашади; қуроллари ҳам аҳмоқона: пайдар-пай олти марта ўқ узадими-ей. Бутун бошли касалликларига қарамай улар эт олиб, кучаяверишади, қўллари ҳамма ёққа етади, барчани эзгилаб-топтайдилар. Аёллари эса сумбатидан нозикниҳол кўринса-да, аслида саботлидирлар – алпкелбат эркакларни дунёга келтиришарди. Демак, нозиктабиатлилик, касаллик, заифлик куч-қудрат ва ҳукмронлик қобиғига ўралар экан. Оқ танлилар ё илоҳ, ё иблис – бунисини билмайман. Оқбалиқ қабиласидан бўлган мен, Имбердек чол, ниманиям билардим? Фақат бир нарсани биламанки, бу жаҳонгашта оқ танлиларни тушуниб бўлмайди.

Юқорида айтганимдек, ўрмонда қушлар овози тиниб қолди. Тан олиш керак – келгандилар қуроли узоқдагини уриб туширади, бироқ отишга ҳеч вақо бўлмаса, қуролдан не наф? Болалигимда буғулар ҳар тепалиқда учрар, саноғи-да ҳисобсиз эди. Энди эса ўн кунлаб тепалик ошсанг ҳам бирорта буғуни учратмайсан.

Шундай қилиб, мен, Имбер Оқбалиқ қабиласининг таназзулини, Пелли қабиласининг ҳалокатини, умуман ўлканинг барча қавм-қабиласини тугаб битаётганини кўриб, узоқ ўй-хаёлот дунёсида кездим. Шомон ва доно кексаларимиз билан мусохаба қилдим. Одамлар шовқин-сурони ўйлашимга ҳалал бермасин учун ўрмон ичкарасига кириб кетдим, меъдамга оғирлик қилмаслиги ва кўз-қулоғимни заифлаштирмаслиги учун гўшдан воз кечдим. Уйқуни унутиб, ўрмонда узоқ вақт ўтирдим, кўзларим ишора кутар, қулоқларим барчасини бартараф қилишга имкон берувчи сўзни илиб олишга шай эди. Тунлари шамол нола қилаётган, ёмғир кўз ёш тўкаётган бир пайтда дарё ёқасига ёлғиз чиқдим. Аллақачонлар рихлатга равона бўлган доно кексалар ва шомонлар шарпасини учратиб, улардан маслаҳат олиш ниятида эдим.

Алалоқибат шарпалар кўринди – калта юнгли жирканч итлар – ва нима қилмоқ кераклигини дарҳол англадим. Овулга қайтиб жангчиларимизга шундай дедим: "Оқ танлилар – жуда улкан қабиладирлар. Ўз ерларида емак қолмагач, бизнинг заминимизга кўз олайтиришмоқда. Улар туфайли заифлашиб, ҳалок бўлмоқдамиз. Улар еб-тўймас юқодирлар. Агарки, биз тирик қолмоқчи эканмиз, итларига қандай чора қўллаган бўлсак, ўзларига ҳам шуни қўллашимиз даркор".

Мен курашишни таклиф қилдим. Оқбалиқликлар менга кулоқ беришди, бироқ бирортаси мард бўлиб ўртага чиқмади. Йигитларимиз юраксизлик қилишди, лекин лом-мим демай ўтирган чолларнинг кўзида учкунни пайқадим. Кечкурун, овул уйқуга кетгач, яширинча қарияларни ўрмонга чақирдим. Узоқ фикр алмашиб, бир тўхтамага келдик. Заминимиз эркин нафас олган ёшлик онларимизни, шод ва фаровон кунларимизни ёдга олдик. Бир-биримизни оға-ини деб атадик, сир-розимизни фош этмасликка ҳамда тупроғимизни ёвуз келгиндилардан тозалашга қасамёд этдик. Энди равшанки, булар ахмоқликдан бошқаси эмасди, аммо ўша дамлар бизлар, Оқбалиқ қабиласининг қариялари буни қаёқданам билардик?

Уларга намуна бўлиш ва руҳлантириш учун биринчи бўлиб ўзим қотилликка қўл урдим. Юкон қирғоғига писиб беркиндим-да, оқ танлилар каноэсини кутиб турдим. Қайиқда икки киши ўтирарди. Ўрнимдан туриб қўлимни кўтардим. Улар қирғоқ томон сузишди. Қайиқ бурнида ўтирган киши нима гаплигини билиш учун бошини кўтаргани замон қўлимдаги пайкон учиб бориб ҳалигининг бўғзига қадалди. Иккинчиси, қайиқ қуйруғидагиси, қуролини олишга ҳам улгурмади – найзамни гарданига санчиб қўйдим.

"Бу бошланиши, – дедим қасоскор биродарларимга. – Биз ҳали барча қабилаларнинг барча қарияларини, кейинроқ юрагида ўти бўлган йигитларини ҳам бирлаштирамиз. Ана унда ишимиз жадаллашиб кетади".

Кейин ҳалиги икки мурдани дарёга ташладик. Каноэни эса – каноэ энг яхши қайиқлардан эди – ичидаги буюмлари билан ёқиб юбордик. Лекин аввал буюмларни кўздан кечирдик. Тери халталарини пичоқ билан йиртиб кўрганимизда ичи тўла сенинг ўқиганларингга ўхшаган, о Хаукан, белгилар билан қопланган қоғозлар эди; чандон уринсак-да, белгиларни тушунмадик. Энди эса ақлим кириб, уларни тушуна оламан: бу, сен айтгандек – бани башарнинг сўзлари...

Хаукан каноэдаги икки оқ танлининг ўлимини аранг таржима қилиб улгурдики, залда ғўнғир-ғўнғир бошланди.

– Бу тўқсон биринчи йили ғойиб бўлган почта-ку! – кимнингдир овози янгради. – Уни Питер Жеймс ва Дилэни олиб кетишаётганди. Икковини сўнги марта Ла-Барж кўлида Мэттьюз кўрганди.

Клерк барчасини шоша-пиша ёзаркан, Шимол тарихига янги боб қўшилди.

– Бу ёғи оз қолди, – сўзини давом эттирди Имбер. – Нимаики каромат кўрсатган бўлсак, барчаси қоғозга туширилган. Биз қариялар ўша пайтда нима қилаётганимизни билмасдик. Биз фақат ўлдирардик; биз устомонларча ўлдирардик. Негаки яшаб ўтган йилларимиз ўз ишимизни шошмасдан битиришга ўргатган эди. Бир куни оқ танлилар ҳузуримизда пайдо бўлишди. Улар бизга ғазаб-ла тикилиб, ҳақоратли сўзлар ёғдиришди. Олтита ўспиринимизни қўлига кишан со-

либ, олиб кетишди. Ўшанда тушуниб етдикки, биз янада маккорона ва кўпроқ ўлдиришимиз керак. Биз дарё бўйлаб юқори ва қуйига, бегона ўлкаларга тарқалдик. Бундай таваккалчилик учун отнинг калласидек юрак бўлиши талаб қилинарди. Қариб-қартайиб кўркувни юракларимиздан ўчириб ташлаган бўлсак-да, узоқ ва бегона юртлар олдида ҳадиксирашимиз табиий эди.

Шу тарзда жиноятларимизни амалга оширардик – шошмасдан, айёрона. Биз Чилкутда ҳам, Делтада ҳам, доводна ҳам, қирғоқларда ҳам – қаерда бўлмасин, оқ танлининг манзилгоҳи учраса ёхуд сўзмоқ солган бўлса, бир одамнинг ҳаётига зомин бўлардик. Ҳа, оқ танлилар қириларди, лекин бундан нима наф кўрдик? Улар тоғ ортидан тушиб келишар, кун сайин кўпайиб боришарди, биз чолларнинг эса, аксинча, сафимиз камайиб борарди. Ёдимда, Буғу Довонида бир оқ танли қўналға қуриб жойлашди. У паканагина эди. Уйқудалигида уч нафар қотил-чоллар ҳужум қилди. Эртаси куни уч қариянинг жасадига дуч келдим. Оқ танли эса ҳали ҳам нафас олар, ўлими олдидан, ҳатто мени лаънатлашга ҳам иродаси етганди.

Бор гап шу. Бугун бир оқсоқолнинг умри поёнига етади, эртага бошқасининг. Баъзан талай вақт ўтиб ўзимизникиларнинг вафоти ҳақида эшитиб қолардик. Ўзга қабилла чоллари қуёнорак эдилар, бизга мадад беришни ўзларига эп кўришмади. Шундай қилиб, қариялар бирин-кетин тўкила бошладик – биргина мен қолдим. Мен ким, Имбер, Оқбалиқ қабиласиданман. Отам Отсбаок баҳодир жангчи эди. Оқбалиқ қабиласи тугаб битди. Мен ушбу қабиланинг сўнги вакилиман. Эркак ва аёллар ўз масканларини тарк этишди – кимдир Пелли қабиласига, кимдир Лосос қабиласига, аксарияти оқ танлилар юртига гумдон бўлишди. Мен анчайин қариб қолдим, жуда ҳам чарчадим. Қонунга қарши беҳуда куч сарфладим. Сен ҳақсан, Хаукан – мен бу ерларга Қонун излаб келдим.

– Сен чинакамига тентаксан, о Имбер, – якун ясагандай деди Хаукан.

Бироқ Имбер хаёлот оламига шўнғиб, қулоқлари том битганди. Кенг манглайли судья ҳам чуқур ўйга толганди: кўз ўнгидан совут кийган, қонун ўрнатувчи ҳамда бошқа халқлар тақдирини белгиловчи бутун бошли элати савлат тўкиб ўтди. Бу судья жаноблари ўз элатининг қоронғу ўрмонлар ва сокин денгиз сайҳонликлари узра арғувон шуълалар ила бош кўтарган ўтмишининг субҳини кўз олдига келтирди. У тантанавор равишда ёғду сочаётган кундуз билан алмашиб, тепаликлар оша қонга тўйинган қум мисол соя ташлаб, тун ортига югурилаётган шафақни кўрди... Ва шуларнинг барчаси ортида адолат тарозиси, қайсики Унинг номи ила иш кўрадиган ёхуд Унинг залвори остида жон таслим этувчи ҳақир инсон зотидан-да қудратлироқ, қайсики юраги шафқат тилаётган ҳакамнинг ўзидан-да кучлироқ, мутлақ ва ёвуз Қонун қад кўтарди.

**Русчадан Саиджалол САИДМУРОДОВ таржимаси**



**Нигора АЗИЗОВА,**  
Андижон Давлат Университети  
тадқиқотчиси

## МОТАМ МАРОСИМАЛARI

Ўзбек халқ маросимлари ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Булар тўй, йиғин, маракалардан иборатдир. Шунингдек, Наврўз, Меҳржон, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити каби байрам-маросимлар ҳам борки, уларда бутун халқ қатнашади.

«Инсонга сиҳат-саломатлик тилаш, унинг турмушида тўкин-сочинлик, кундалик ҳаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нуқталарини қайд этиш, нишонлаш мақсадида махсус ўтказиладиган, халқ орасида қатъий анъанага айланиб қолган хатти-ҳаракатлар маросим дейилади». Дарҳақиқат, маросим халқ орасида қатъий анъанага айланган тадбирлардан биридир.

Халқимизда қадим-қадимдан оила муқаддас ҳисобланади. Ота-она, ака-ука, опа-сингил, тоғажиян, амаки ва амакивачча, хола каби тушунчалар ҳамиша халқимиз учун эътиборли бўлган. Шунинг учун отаси оламдан кўз юмган азадорлар отасининг дўстларига эъзоз-эътибор кўрсатганлар. Волидалари вафот этганда эса унинг тенгдошларини эъзозлаб, «онамни кўрган меҳрибонларим» дея уларга иззат-икром изҳор этилган. Бинобарин, оилавий маросимларга бизнинг алоҳида эътибор билан қарашимиз табиий бир ҳолдир.

Оилавий маросимларимиз шу қадар бой ва ранг-баранглик, ҳар бир оила аъзоси балоғатга етгунга қадар маросимлар таъсирида бир-бирига боғлиқ ва масъул бўлиб қолади. Бу маросимлар эса тўйлардан, аза-маъракалардан ва сўзнинг мўъжизали қувватига асосланган одатлардан ташкил топади. Ўзбек бешик тўйларида янги туғилган чақалоқни инс-жинслардан муҳофаза қилиш, кўринмас ёвуз кучларни алдаш, ва шу йўл билан чақалоқни асраш, хатна тўйлари, никоҳ тўйлари, мучал тўйлари каби маросимлар билан боғлиқ урф-одатларнинг хилма-хиллиги, биргина никоҳ тўйи билан боғлиқ совчи юбориш, тўй олиб келиш, индовчи юбориш, ёр-ёри айтиш, келин саломлар каби анъаналар ҳанузгача сақланиб қолганлиги эътиборга моликдир.

Ҳаёт фақат қувончлардан иборат эмас. Инсон тўй маросими билан туғилиб, бешикка беланса, аза маросими билан кузатилади.

Мотам маросими жуда қадимий тарихга эга. Буни Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида сақланиб қолган Алп Эр тўнга /Артунга/ ҳақидаги марсиядан ҳам билишимиз мумкин. Мотам-маросимида жуда кўп кичик-кичик йиғинлар ўтказилади. Уч етти, йигирма, қирқ кунликлар, қор ёғди, эллик икки, йил оши каби маросимлар ана шулар жумласидандир.

Республикамизнинг Андижон вилоятида ўтказиладиган мотам-маросимлардан бири марҳумнинг вафотидан сўнг ўтказиладиган "уч" маросимидир. Бу маросим ижро ўринлари, айтимлари ва олқишлари билан республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги мотам-маросимидан тубдан фарқ қилади.

Аввало марҳумнинг "учи" куни вафот этган кишининг оила аъзолари, фарзандлари, неvara-чеваралари азадор хонадонда саҳарлаб ҳозир бўладилар. Эркаклар эшик олдида эгнига тўн, бошларига дўппи кийиб, белбоғ боғлаб дарвоза олдида саф бўлиб турдилар.

Ичкарида эса марҳумнинг оила аъзолари, қизлари, келинлари ва бошқа азадор аёллар қатор туриб, бир хил кийим кийган ҳолда саф тортиб турадилар. Булар марҳумнинг иззат-ҳурмати учун қилинадиган расмдир. Азадор аёллар аввало ҳаётдан кўз юмган кишининг ижобий хислатлари, қариндошлик алоқаларини эсга олиб айтиб йиғлайдилар:

*Баланд тоғлар паст бўлдим, вой отам?  
Ўлганингиз рост бўлдим, вой отам?  
Уйимдаги устуним, вой отам,  
Меҳрибоним, ширин сўзим, вой отам...*

\* \* \*

*Учарга қанотим бўлган, вой онам,  
Қўнарга равотим бўлган, онам.*



*Маккаю Мадинам онам,  
Жоним онам, меҳрибоним, воӣ онам.*

*\* \* \**

*Ой ҳам кулиб ботармиди жоним онам?  
Олтин ҳам ерда ётармиди,  
Меҳрибоним, жоним онам?  
Кун ҳам кулиб боқармиди, жоним онам?  
Кумуш ҳам ерда ётармиди,  
Меҳрибоним, жоним онам?*

*Қабристоннинг йўллари қайдадир,  
Тупроқлари майдадир, онажон.  
Бу ўлимнинг дастидан, онажоним  
Сизни кўрмак қайдадир.*

*Булутлар бўлиб ўтинг, онажон,  
Ёмғирлар бўлиб ёғиб ўтинг, онажон  
Бизлар баҳра олайлик, жоним онажон.*

Бундай йиғи-йўқловларда азадорларнинг бошига тушган кулфат оғир жудолик, яқин кишисидан айрилиш нақадар оғир эканлиги, энди унинг сўзларини, насиҳатларини қўмасаш, уни бу дунёдан асло тополмаслиги каби руҳий кечинмалари таъсирчан воситалар орқали таърифланади.

Таъзияга келган аёллар азадор аёлларга таъзия билдиришгач, ўтганларнинг руҳи покига атаб Қуръон тиловат қиладилар. Сўнгра таъзияга келган аёллар дастурхонга таклиф этилади. Дастурхонга учта, бешта ёки еттитадан нон қўйилади. Бошқа иссиқ овқатлар ва тансиқ таомлар, ширинликлар тортилади. "Уч" маросими руҳларни рози қилиш учун ўтказилади. Чунки марҳумнинг "учи" куни уни ювган ғассолларга сарпо, пул ва бошқа буюмлар берилади. Шунингдек, марҳум дафн этилган куни қабр кавлаганлар учун бериладиган сарполар, пул ва бошқа нарсалар берилмай қолган бўлса, улар ҳам рози қилинади.

Марҳумнинг "учи"дан сўнг маърака ўтказилади. Шу куни азадор аёллар марҳумнинг хурмати учун бир хил рангда тикилган кўк кўйлак киядилар. Бу маро-

сим «Кўк кийди» маросими ҳам дейилади. Кўк кийиш билан азадор аёллар «Куз келмасдан боғимиз хазон бўлди, биз азиз инсонимиздан айрилдик, биз азадор бўлдик» деган маънони англатмоқчи бўладилар. Бу кўк кўйлакни то марҳумнинг йили ўтгунга қадар эғнидан ечмайдилар. Кўк кийган азадор аёллар тўйларга ва бошқа маросимларга бормайдилар. Хурсандчилик қилмайдилар. Овозларини баланд қилиб гапирмайдилар. Ҳар пайшанба кунлари марҳумнинг руҳи покига атаб Қуръон тиловат қиладилар ҳамда ис чиқарадилар. Ис чиқариш марҳумнинг яқинлари ва қўни-қўшнилари таклиф этилиб, ош қилиб, марҳумни хотирлаш мақсадида ўтказиладиган удумдир.

Марҳумнинг "учи" куни айтиладиган айтимлар мунгли овоз билан айтилади. Мотам айтимлари ўзига хос қуйланиш тартибига, бошланма ва тугалланмага эга бўлади. Мотам-маросимда айтиладиган айтимлар даставвал ритуал-магик мақсадда қуйлана бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб ижтимоий-этик вазифа бажармоқда. Улар ритуал айтим эканлиги билан характерланади ва мотам маросимининг ўзига хос жанрларидан бири ҳисобланади. Мотам маросими билан боғлиқ айтим ва олқишларда марҳумни қабрга қўйиб келган куни гўрда кечадиган савол-жавоблардан муваффақиятли ўтиб жаннатга етишиши, марҳум учун жаннатдан жой сўраш, азадорларга таскин бериш, азадорларга келажакда тинчлик, хотиржамлик тилаш каби эзгу ниятлар ифодаланган бўлади.

Халқ маросимлари, жумладан, мотам маросимлари қандай шакл ва мазмунга эга бўлишидан қатъи назар, бугун билан ўтмишни боғлаб турувчи маънавий занжир ҳисобланади. Боиси маросимлар мўъжизали таъсирига ишониш ҳам халқимизнинг ҳалоллиги, поклиги, эзгу ниятлари билан боғлиқдир. Шунинг учун марҳумларни хотирлаш орқали ёшлар қалбида аждодларга нисбатан, уларнинг тириклигида қилган эзгу ишларига нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром уйғонади. Маросим фольклори халқимизнинг унутилмас қадриятларининг энг гўзал намуналари сифатида ёшларда миллий дунёқараш ва мафқурани шакллантиришга хизмат қилади.





Муродилла НОРМУРОДОВ

## ҲАЁТ ҲИКМАТЛАРИ

Таниқли олим Муродулла Нормуродовнинг ушбу фикрлари кўп йиллар давомида раҳбар ва олим сифатида шаклланган, бугунги кунда илм ва олимпик, фикр ва фикрлаш, устоз ва шогирд, ота ва оила бошлиғи деган тушунчаларни бир бутунлигича ўзида мужассамлаштирган инсоннинг камтарона қайдномаларидир. Уларни ўқир экансиз, жамиятимизда, атрофимизда, ҳар биримизниг ҳаётимизда учрайдиган, лекин ҳар доим ҳам эътибор қилавермайдиган кечинмаларга дуч келасиз.

Абу Исмоил Абдуллоҳ Ансорий “Дунё ва охираат саодатини доноларга муҳаббатда бил”, дея васият қилганлар. Бундан келиб чиқадиган маъно шуки, доноларнинг маънавий-маърифий хазинаси ҳамиша зулматни зиё билан ёритиб авлодлар йўлини чароғон этиб келади.

Биз тажрибали олимнинг мазкур қайдларини ёш авлодга тақдим этилажак ўғитлар деб билдик.

### ТАҲРИРИЯТ

\*\*\*

Шогирдсиз олим – мевасиз дарахт.

\*\*\*

Нафақат асарлари, балки иқтидорли шогирдлари бор олимнинг умри боқийдир.

\*\*\*

Такрорлаш – билимнинг онаси, бироқ мудом тақрорлаш ақлу идрокнинг исканжасидир.

\*\*\*

Ақлинг – ўзинг, сўзинг – ўзинг, топганинг – ўзинг, қолганлари бари ё ўзганики, ё тупроқники.

\*\*\*

Билимда ҳайратли хислат бор: уни қанча кўп улашсанг, шунча ортади.

\*\*\*

Ўқиш фикрлаш билан уйғунлашганидагина ақлу идрокни чархлайди.

\*\*\*

Сен оқил ва билимли бўлсанг, рақибинг ҳам оқил ёки билимли бўлиши мумкинлигини унутма!

\*\*\*

Ўзини доно ва билимдон ҳисоблайдиган одамга ақл ва билим берман деб овора бўлма.

\*\*\*

Қалбимнинг қувончи, қадрдон дўстим, сени ранжитиб қўйиб ўзим азият чекаман.

\*\*\*

Ҳақиқий дўстлар мудом кам бўлади. Бирор-та дўстинг бўлса, билки, сен умрингни беҳуда ўтказмабсан.

\*\*\*

Ҳа, дўст билан уйинг обод, аслида эса у билан дилинг, руҳинг шод бўлгани маъқул.

\*\*\*

Ўзаро ишонч – дўстлик асоси.

\*\*\*

Тухмат ва бўҳтон – қиличдан ҳам хавфли қуролдир, у исботини топмаса ҳам, дилингни жароҳатлайди.

\*\*\*

Оламда сен севган аёлдан гўзал аёл йўқ.



\*\*\*

Дўстлик! Менинг танқидларим аччиқроқ бўлса ҳам, эшит! Сени фақат мақтайдиганлар ҳаётни енгил-елпи баҳолайдиган хушомадгўй шахслардир.

\*\*\*

Менга дўстимнинг ҳар доим ёрдам бериши шарт эмас, фақат зарур пайтда менга ёрдам қўлини чўза оладиган инсон менинг дўстимдир.

\*\*\*

Дўстдан фидойиликни сўраб, тилаб олмайдилар.

\*\*\*

Ўзининг камчилигини кўрмайдиган киши кўпинча бошқалар хатосини ёйишга ўч бўлади.

\*\*\*

Маънавиятдаги қусурлик амалдаги қусурларнинг ибтидосидир.

\*\*\*

Сен қилмишинг учун мендан уялишдан кўра, ўз виждонингдан уял!

\*\*\*

Аҳмоққа баъзан уни аҳмоқ дейиш ҳам мақташ кўринади.

\*\*\*

Меъёридан ошган улфатчилик ҳам ҳаётга хиёнатдир.

\*\*\*

Айрим одамларда ақл кийилмаган кийимдек фойдаланилмай туриб эскиради.

\*\*\*

Чаласаводлик фақат мўлжалламай отиш билан баробар.

\*\*\*

Ўзларига бино қўйганлар нуқсонни бор кишилардир.

\*\*\*

Одамнинг берган саволига қараб ҳам унинг кимлигини аниқлаш мумкин.

\*\*\*

Йўқотишлар ичида энг аянчлиси ишончдир.

\*\*\*

Бахтга фақат меҳнат қилиш орқалигина эришилади. Азиятсиз бахт – ахамиятсиз бахт.

\*\*\*

Ҳақиқий севги ҳақиқий инсонларга хос фазилатдир.

\*\*\*

Аёллардаги кўпроқ кулгили истак – ҳаммага ёқиш истаги борлигидир.

\*\*\*

Мен ёлғизман дейдиган одамни ҳеч ким севмаган, унинг ўзи ҳам ҳеч кимни севмаган.

\*\*\*

Аёлдан қусур қидирган кунинг, билки, энди сен ёрга маҳбуб эмассан.

\*\*\*

Оламда сен севган аёлдан гўзал аёл йўқ.

\*\*\*

Аёл саришта – олам саришта.

\*\*\*

Муҳаббат бор жойда рашк бор, дейиш ҳамма вақт ҳам тўғри эмас.

\*\*\*

Бахт доимо мард ва сабрли одамларга насиб этади.

\*\*\*

Кўз китоб ўқиб ундан ҳаётини хулоса чиқармаслик, овқат еб уни ҳазм қилолмамагандай гап.

\*\*\*

Дили янгиликка мойил одам хато қилишдан кўрқмайди.

\*\*\*

Эшакка от эгари ярашмас.

\*\*\*

Тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғроқдир.

\*\*\*

Аслида эзгулик ноёб хислат эмас, аммо уни унутган даврада у ноёбдир.